Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2007 йил, **10** август, жума № **32** (2211).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **10** августа, **2007** год, № **32** (2211).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда | E-mail: vatan@rol.uz | В розницу - цена договорная

Мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш биз учун ҳамиша биринчи даражали устувор мақсад ва вазифа бўлиб қолаверади.

Ислом КАРИМОВ

Ташкент — столица исламской культуры

ДУХОВНОСТЬ И ГУМАНИЗМ – ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ УЗБЕКСКОЙ КУЛЬТУРЫ

К Международной научно-практической конференции «Вклад Узбекистана в развитие исламской цивилизации»

После обретения независимости глава нашего государства одним из важнейших приоритетов провозгласил возрождение национальных ценностей. Благодаря этому позитивному процессу современное узбекское искусство обрело свои корни, наполнилось живительной силой и мощью, которые испокон веков свойственны нашей традиционной культуре, являющейся частью мирового наследия. Исламская организация по вопросам образования, науки и культуры (ISESCO) объявила Ташкент столицей исламской культуры в 2007 году. В связи с этим в ближайшее время в Ташкенте и Самарканде состоится крупная Международная научно-практическая конференция «Вклад Узбекистана в развитие исламской цивилизации». Одной из тем обсуждения станет преемственность традиций в современной узбекской культуре. Подробнее об этом корреспондент УзА попросил рассказать главного ученого секретаря Академии художеств Узбекистана, доктора искусствоведения Камолу АКИЛОВУ.

– Древняя культура нашего народа всегда отличалась особой духовностью, основывалась на высоких нравственных идеалах, – говорит К.Акилова. – Оригинальный стиль мусульманского искусства берет свое начало в эпоху средневековья, когда религия определяла устройство жизни и быта, все области творчества. В то же время его характерной чертой является синкретичность, то есть неразрывность художественного сознания. Одна из особенностей – двойная структура образа. Это нашло выражение и в словесном творчестве, и в архитектуре, миниатюре, прикладном искусстве. Задача заключалась в том, чтобы облачить традиционные мысли и образы в «одежду» разнообразных слов, форм, орнаментальных мотивов. То есть интерпретация известных сюжетов приводила к созданию оригинальных произведений, авторы которых пытались превзойти в мастерстве своих предшественников.

Так формировалась образная природа мусульманского искусства, свойственная ему неразрывность утонченной поэтичности и рационального начала в художественном познании окружающего мира. Еще одна присущая ему важная эстетическая категория – обостренное чувство красоты, отражающееся в постоянном совершенствовании формы, игре слов, звуков, ярких красок.

Все эти критерии являются определяющими в современном традиционном искусстве и в творчестве узбекских художников, обращающихся к нашему великому историко-культурному наследию. Процессы его освоения открывают создателям новых произведений поистине огромный простор для творчества, наполняют их работы вдохновением и глубоким философским смыслом.

Высокая поэтика мусульманской культуры связана с конкретными личностями, чьи имена навечно вписаны в анналы мировой истории. Поражает удивительный универсализм мышления Алишера Навои, который был одновременно поэтом, художником, музыкантом, теоретиком литературы, историком, каллиграфом. Его деятельность – наиболее яркий пример универсализма самой культуры, вобравшей в себя художественные традиции и религиозные представления разных народов. Стоит вспомнить героев «Хамсы». Так, Фархад – китаец, Ширин – армянка, Кайс – араб, Шапур – перс, Искандер – грек. То есть признанные актуальными в XX веке принципы планетарности сознания, синтеза национального и общечеловеческого, диалога культур были совершенно органичны для мировоззрения эпохи Навои. В то же время патриотизм нашего великого предка, его безграничная любовь к родной земле, культуре, языку, своему народу являются прочным фундаментом для развития духовности и национального самосознания в современном Узбекистане, строящем новое, свободное, демократическое общество.

Все произведения великого поэта пронизаны любовью к человеку, состраданием и милосердием – качествами, особенно востребованными и сегодня. Его герои борются за свободу личности, право на любовь, счастье, поэтому они близки и понятны каждому, любимы читателями всех времен и народов. Сама жизнь Алишера Навои – беспрецедентный образец покровительства культуре. Историки Мирхонд и Хондемир, музыканты Хусаин Уди и Кулмухаммад Наи, художники Бехзод и Шах Музаффар, каллиграфы Султан Али и Мир Али и другие наши известные предки вошли в мировую культуру именно благодаря поддержке Алишера Навои.

Его образ вдохновляет многих современных узбекских художников – С.Абдуллаева, К.Башарова, Р.Ризамухамедова, М.Фозилова, Д.Рузыбаева, Б.Хаджиметова и других. Каждый из авторов пытается найти свой тематический ракурс, композиционное, пространственное и колористическое решение, но самое главное – передать свое видение, ощущение образа гения, его внутреннего мира.

Особый пласт в современном искусстве Узбекистана занимают работы художников, иллюстрирующие поэтические произведения Алишера Навои. Это иллюстрации Б.Джалалова к «Хамсе», Ш.Мухамеджанова к поэме «Фархад и Ширин», Г.Камалова, П.Шабаратова и В.Ана к поэме «Семь планет».

Не менее интересно и многогранно творчество, отражающее нравственные основы, духовные поиски, философию культуры эпохи Алишера Навои. Эти неустаревающие ценности запечатлены в работах Н.Холматова «Тарикат», А.Нура «Колесо вечности», Ф.Ахмадалиева «Дервиши», П.Анненкова «Легенда о корабле», Ш.Шоахмедова «Восточная красавица», Б.Бабаназарова «Колыбель жизни» и многих других художников. Примечательно, что независимо от стиля, в которых они выполнены – авангардного, постмодернистского или классического, – всех их объединяет стремление передать особую, философскую поэтику той эпохи.

Поиски подлинной духовности, гармонии с природой и самим собой, объяснения устройства мира всегда лежали в основе развития искусства. Одной из вершин общемировой культуры является творчество Камолиддина Бехзода, в полной мере воплощающее эти ценности. Мир его образов – это мир, где пребывают истина и красота. Именно поэтому он всегда обладал большой притягательной силой и для последующих поколений творцов. Так, в XX веке миниатюра Среднего Востока, использующая язык символов, метафор и аллегорий, стала источником вдохновения для целого ряда европейских художников, в том числе Анри Матисса и фовистов. Конечно же, к философским воззрениям и манере Камолиддина Бехзода обращаются в своем творчестве и современные узбекские мастера кисти.

Надо отметить, что современное художественное искусство Узбекистана многогранно, оно вобрало в себя все лучшее, завещанное нам великими предками, и в то же время использует изобразительный опыт других стран и народов. Об успешности такого синтеза, базирующегося на общности нравственных ценностей человечества, свидетельствует мировое признание наших художников. Их работы постоянно демонстрируются на многих международных выставках, они украшают экспозиции самых престижных галерей в разных странах.

Великое наследие нашего народа стало тем фундаментом, на котором сегодня в стране растут и развиваются десятки художественных школ. Но отмечаемый во всем мире расцвет культуры и искусства в независимом Узбекистане был бы невозможен без огромного внимания, оказываемого Президентом Исламом Каримовым развитию этой сферы. Политика главы государства, направленная на возрождение наших национальных ценностей, на поддержку деятелей культуры и выявление новых талантов среди молодежи, дает весомые результаты. Об этом свидетельствует и то, что за рубежом постоянно растет интерес к Узбекистану, исследователи из крупных научных центров стран Запада и Востока занимаются изучением нашей богатейшей культуры, ее прошлого и настоящего. Многие из них примут участие в предстоящей Международной конференции «Вклад Узбекистана в развитие исламской цивилизации», которая станет еще одним шагом в познании поистине неисчерпаемого культурного наследия нашего народа.

Записала Анна ИВАНОВА, корр.УзА.

Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Ўзбекнинг мардона посбонлари кўп

Истиқлолимизнинг 16 йиллиги олдидан

ИНСОН МАНФААТЛАРИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Пойтахтимизда «Инсон манфаатлари – олий қадрият» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Тадбир Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Анжуманда Республика Маънавият тарғибот марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар бўлимлари раҳбарлари, олимлар, маҳаллалар фаоллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Мавжуда Ражабова, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Миноҳиддин Мирзо, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш, инсон манфаатларини таъминлашдек эзгу мақсадлар мужассам эканини таъкидладилар.

Ижтимоий ҳимоя йилида мазкур йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгайиб, Меҳрибонлик, Саховат, Мурувват уйларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимоя тизимидаги мутахассислар меҳнатини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ёши улуғ, ёлғиз, тиббий кўмакка муҳтож кишилар, эҳтиёжманд оилаларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Мазкур йўналишдаги ишларнинг бари жамиятимиздаги эзгулик, бағрикенглик, саховат, тинчлик ва осойишталик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани анжуманда алоҳида таъкидланди.

Республика Маънавият тарғибот марказида ташкил этилган тарғибот бўлимлари ҳамда гуруҳлари давлатимиз сиёсати устувор йўналишларининг мазмун-моҳияти билан халқимиз, шу жумладан ёшларни таништириш, аҳолининг барча қатламлари орасида ташвиқот ишларини кучайтириш юзасидан амалий ишларни бажармоқда.

Анжуманда ушбу йўналишда турли вазирлик, идора ва жамоат ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, зиёлилар, олимлар, соҳа мутахассислари иштирокида тушунтириш ишларини изчил олиб бориш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борадаги амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

«ТАШАББУС» – ТАДБИРКОРЛАРИМИЗНИ ДУНЁГА ТАНИТАЖАК

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар йилдан йилга ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бу эса Ўзбекистон ўзи танлаган тараққиёт йўлидан изчил одимлаётганидан далолат.

Бундан англашимиз мумкинки, бугунги кунга келиб юртимиз иқтисодий, сиёсий, илмий-техникавий соҳаларда катта ютуқларга эришаётган мамлакат сифатида жаҳонга юз тутмоқда. Бу каби ютуқлар энг аввало, олий неъматимиз бўлган мустақиллик шарофатидир.

(Давоми 8-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди

ЮРТ ПОСБОНИ – ИСТИҚЛОЛ ҲИМОЯЧИСИ

Аввал бошданоқ миллий армиямизни мутлақо янгича асосда, замонавий негизда, аниқроғи, юксак маънавий асосда ташкил этишни ният қилдик. Ҳарбий қурилиш соҳасида амалга оширган ислоҳотларимиз давомида кўзлаган юксак мақсад ва вазифаларимиз билан бир қаторда Қуролли Кучларимизда соғлом муҳит, тартиб-интизом, ўзаро ҳурмат руҳини шакллантирдик.

(Давоми 8-бетда).

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ – ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан темир йўл транспортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Истиқлол йилларида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси тизимида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Темир йўлда ҳаракат хавфсизлиги янада мустаҳкамланди.

(Давоми 8-бетда).

2 ҲУШЁРЛИК – ҚУРОЛИМИЗ

ҲАМИША ШАЙ ВА СЕРГАК

4 ОФИЦЕРСКОЙ КАРЬЕРЕ – УСПЕШНЫЙ СТАРТ

ГОТОВЯТСЯ ПРИНИМАТЬ ДОЛЖНОСТИ

6 ОИЛА – ҲАЁТ ГУЛТОЖИ

МЕҲР НУРИ МУЖАССАМ

10 БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

БЫСТРЕЕ ВЕТРА – ЛЮБОВЬ ПЕРЕПЕЛОВА

ЁЗГИ МАВСУМ ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ АВЖИДА

ЙИГИТЛИК МАҚОМИН УЛУҒЛАБ

Бу жамоа ҳақида ҳамиша энг илиқ фикрлар билдирилади. Ёзги ўқув мавсуми машғулотларининг ойлик якунлари бўйича энг юқори кўрсаткичлар ҳам айнан шу жамоага тегишли. Чунки бу ерда ўз касбининг фидойиси бўлган, Ватан ҳимоясини муқаддас билган юртпарвар ўғлонлар хизмат қилишади. Ана шундай мардлардан бири – шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Аброр Абдуқодировдир.

Айрим инсонлар билан бажараётган вазифалари ҳақида суҳбатлашсангиз, улар худди шу касб учун яралгандек таассурот қолдиради. Улар ўз касбларини шу қадар яхши билишадики, тан бермай иложингиз йўқ. Посбон йигит ҳам ана шундай фидойилар тоифасидан. Оғирвазмин, мулоҳазали, бурчига масъулият билан ёндашадиган кичик командирни барча ҳурмат қилади.

Бугунги кун посбонларимиздан ҳарб илмини, замонавий жанг санъатини пухта билишни тақозо қилади. Бунинг учун уларнинг ҳар биридан юксак заковат, ўз устида тинимсиз ишлаб, бу борадаги билимларини мустаҳкамлаб, сайқаллаштириб бориш талаб этилади. Кичик командир Аброр Абдуқодировнинг жанговар фаолиятига назар солсангиз, унинг ҳарб илмига айрича истеъдоди, иқтидори борлигини англаб оласиз. У буни синов машғулотларида кўпчиликка намойиш қилди.

Қўриқланадиган ҳудудда ҳаракатланаётган шартли душманни зарарсизлантириш секция командири Аброр Абдуқодиров ва унинг қўл остидаги аскарлар зиммасига юклатилди. Душман ҳам анойи эмас. У жанговар техникани эгаллаб олган. Посбонлар эса жанговар техникага зарар етказмай туриб, ортиқча шовқин-суронсиз душманни қўлга олишлари керак. Бундай ҳолат жангчидан топқирлик, фаҳм-фаросат ва довюракликни талаб этиши шубҳасиз. Вазиятни аниқ ва тўғри баҳолай олган кичик командир жангчиларини ғоят усталик ва маҳорат билан ортидан эргаштириб душманни қўлга олди.

Топшириқ аъло даражада бажарилди. Жангчиларнинг ҳар бир ҳаракати мутахассислар томонидан кузатиб, баҳоланиб борилди. Натижа кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Посбонлар «жангда» ҳеч қандай хатога йўл қўймаган эдилар.

Машғулотда бошқарув маҳоратини кўрсата билгани, вазиятни аниқ баҳолаб, тўғри ва фаол ҳаракатлар олиб боргани, алоҳида жонбозлик кўрсатганлиги эътиборга олиниб, шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Аброр Абдуқодиров Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг эсдалик нишонига сазовор бўлди. Посбон йигит назорат синов машғулотларида ўзининг бор иқтидорини намойиш этди. Машғулот натижаларига кўра, у барча тайёргарликлардан юқори кўрсаткичларга эришди.

– Барча муваффақиятларимда командирларим ва аҳил жамоамизнинг катта ҳиссаси бор, – дейди у. – Қаердаки ўзаро соғлом муносабатлар шаклланган экан, сўзсиз у ерда ютуқлар ҳам бўлади. Жамоамиз ўз бурчини сидқидилдан бажарадиган посбон йигитлардан иборат. Оддий аскарлар – Фарҳод Нуртаев, Аҳмад Юнусов, Ғулом Ғуломовлар намунали хизматлари билан барчага ўрнак бўлиб келмоқдалар. Сафдошларим шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари – Нодир Мухторов, Лазиз Яхшиликовлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Улар шаънига командирларимиз томонидан таҳсин айтилганида мен ғурурланиб кетаман. Ана шундай мард, матонатли, дея эътироф этилаётган йигитлар билан бир сафда эканлигимдан мамнунман.

Аброр ҳарбий хизматга қадар Пахтакор туман касб-ҳунар коллежининг бухгалтерия бўлимида таҳсил олди. Бирмунча вақт шу соҳада ишлаб ҳам кўрди. Ҳарбий хизмат эса унинг ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборди. Ҳаётини армия билан боғлаш истаги унга тинчлик бермай қўйди. Орадан бироз вақт ўтиб, армияга қайтди ва шартнома бўйича хизматини давом эттирди. Бунга кўп бўлгани йўқ. Аммо қисқа фурсат ичида шарафли касбга бўлган меҳри ўз кучини кўрсатиб, қатор муваффақиятларга эришди.

Она сифатида Жамила опага ҳавас қилса арзийди. Аброрга қараб, ҳамма онанинг ҳам шундай ўғли бўлсин, дегингиз келади. Фарзандига отаси йўқлигини билдирмай парвона бўлган онага Аброр ҳам жуда ёшлигидан суянчиқ, таянч бўла олди. Бундай йигит албатта, ҳурматга сазовордир. Ўзи ҳам ота бўлди. Рафиқаси Наргиза билан Райҳона ва Фирдавсларни тарбиялашмоқда.

Шу кунларда ёзги ўқув машғулотлари қизғин давом этмоқда. Мазкур мавсумни Аброр Абдуқодиров муваффақият билан якунлаши шубҳасиз. Буни шу кунга қадар олинган натижалар ҳам исботлаб турибди. Кичик командир жанговар ютуқларини энг азиз, энг улуғ байрам – муборак Мустақиллик байрамига муносиб туҳфа деб билади.

Инобат НОДИРШОҲОВА.
Ренат КАДРАЛИЕВ суратга олган.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

УСТУВОР МАҚСАДЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛАЖАК

Маълумки, Президентимиз Қуролли Кучларимизнинг 15 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида ҳарбий хизматчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар сифатини оширишда ҳар йили ўтказилаётган ва анъанага айланиб қолган танловларнинг муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаганди. Дарҳақиқат, “Энг илғор сержант”, “Энг илғор гуруҳ командири”, “Энг илғор взвод командири”, “Энг илғор батальон командири” каби йўналишлар бўйича ўтказилаётган танловларимиз посбонларнинг юксак жанговар тайёргарлик ва профессионаллигини оширишда, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш бўйича қўшинларда ўзаро мусобақа руҳини кучайтиришда, сержант ва офицерларда етакчилик хусусиятларини ривожлантиришда, ҳарбий жамоаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиб келяпти.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, миллий армиямизда ташкил этилаётган турли танловлар орқали тарбиявий ишларимиз янада такомиллашиб, ҳар қайси ҳарбий хизматчи онгида мамлакатимиз тақдири учун чуқур масъулият туйғуси мустаҳкамланиб, посбонларимизда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялашга, фаол ҳаётий позицияни шакллантиришга, ватанпарварлик туйғусини кучайтиришга эришмоқдамиз. Яқинда Мудофаа вазирининг буйруғига кўра жорий этилган яна бир янги танлов бу борадаги устувор мақсадларимизга хизмат қилиши шубҳасиз. Бу «Энг яхши взвод(бўлинма) хўжалиги» кўрик-танловидир. Келинг, фикримизни мазкур кўрик-танлов низоми асосида давом эттирайлик.

Таъкидлаш лозимки, мазкур танловдан кўзланган устувор мақсад – Мудофаа вазирлиги қўшилма, қисм ва муассасаларида моддий таъминот бўйича бўлинма командирлари ва улар ёрдамчиларининг махсус тайёргарликлари даражасини ошириш, бўлинма хўжалиги билан боғлиқ масалаларни ташкил этиш ва татбиқ этиш борасида Низом, буйруқ ва йўриқномалар талабларини сифатли бажариш, ҳарбий хизматчиларнинг замон талаблари ва андозаларига мос ижтимоий-маиший шарт-шароитларини яратишдан иборат. Ҳа, бу устувор мақсадлар билан танишар эканмиз, танлов Президентимизнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригидаги кўрсатмаларига, олдимизга қўйган устувор вазифаларга ҳамоҳанг эканлигини англаймиз. «...Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уй-жой ва маиший шароити, тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини яхшилаш каби аниқ мақсадларга йўналтирилган ишларни янада кучайтириш давлатимиз ва жамиятимизнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим», деган эди Юртбошимиз.

Танлов икки босқичда ўтказилади. Биринчи босқич ҳарбий округлар, ҳарбий қисмларда, иккинчи босқич Мудофаа вазирлиги доирасида. Ҳар иккала босқични ҳам комиссия раиси, аъзолари холисона баҳолашади.

Кўрик-танловда муайян бинонинг ҳолати ва аҳволи, ётиш ва хизмат биноларининг кириш қисми жиҳозланиши, хизмат биноларининг аҳволи, шахсий таркибнинг ётоқхонаси, коридор, ювиниш, кийим-кечак ва пойабзалларни қуритиш, маиший хизмат хоналари, взвод мулки ва ҳарбий хизматчиларнинг шахсий нарсалари сақланадиган хоналар аҳволи, хуллас, жамоанинг моддий-маиший шарт-шароитлари билан боғлиқ жиҳатлар эътиборга олиниб, баҳоланади.

Ғолиб жамоага кўчма мукофот, диплом ва энг кам иш ҳақининг 50 баробарида пул, иккинчи ўринга иккинчи даражали диплом, энг кам иш ҳақининг 35 баробарида пул, учинчи ўринга эса учинчи даражали диплом, энг кам иш ҳақининг 25 баробарида пул мукофотлари берилиши кўзда тутилган.

Ишончимиз комилки, мазкур танлов анъанага айланиб, кўзлаган устувор мақсадларимиз йўлида улкан самара беражак.

Майор Шерзод АЛИЕВ.

НОМИГА МУНОСИБ ПРОФЕССИОНАЛ

Ёзги ўқув мавсуми қизғин бир паллага кирган вақтда посбонлар янги-янги марраларни забт этиш мақсадида илғорликка интилиши табиий. Ахир «Ҳушёрликни сақлаш, жанговар малака ва касбий маҳоратни ошириш, вазиятнинг ҳар қандай шароитида Ватанни, Ўзбекистон халқининг тинчлиги ва осойишталигини ишончли ҳимоя қилишга тайёр туриш – энг муҳим вазифамиздир» шиори остида кечаётган ўқув йили машғулотларида офицер Шуҳрат Юсупов хизмат қилаётган взвод шунқорлари юқори натижаларни қўлга киритишга аҳд қилишган. Аввалги ўқув мавсумларида ҳам доимо пешқадамлар сафидан жой олиб келган посбонлар айни дамда ўзларидаги мавжуд имкониятларни ишга солиб, етакчиликка интилишмоқда. Улар яқинда ўтказилган дала-ўқув машғулотида юқори натижа қайд этиб, ўзларига билдирилган ишончни яна бир карра исботлашди. Посбонлар дастлаб ўз мутахассисликлари бўйича якка тартибда ҳаракат қилиб, топширилган вазифани адо этишди. Бундай синов жараёни посбон учун ниҳоятда аҳамиятли. Ахир улар ўқув мавсуми давомида ўрганган билим, кўникмаларини намоён қилиб, қай даражада жанговар тайёр эканликларини амалда исботлашлари лозим. Гранатомётчи вазифасида хизмат қилаётган шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Бахтиёр Баҳромов белгиланган нишонни аниқ мўлжалга олиб, ўз касбининг ҳақиқий устаси эканлигини кўрсата олди.

– Посбонларимиз синов машғулотларига пухта ҳозирлик кўришганини амалда исботлашди, – дейди биз билан суҳбатда офицер Юсупов. – Улар ҳақида фақат мақтов сўзларни айтишим мумкин. Йигитлар доимо қийин вазиятларда бир-бирини қўллаб, жамоанинг ютуғи учун курашишади. Мана шундай тажрибали посбонлар сифатида кичик командирлар – Бахтиёр Баҳромов, Рустам Адизов, Зоҳид Хайруллаевларнинг номларини келтиришим мумкин. Доимо ўз устида ишлаб, тинимсиз тажрибасини орттириб келаётган бу ўғлонлар масъулиятни ҳис қилган ҳолда ўз касбига фидойиларча ёндашишади. Натижалар ҳам чакки эмас. Улар ўзларига юклатилган вазифаларни аълога уддалашди.

Посбонлар мутахассислик бўйича ўзларига топширилган вазифаларни бажариб бўлишгач, жисмоний тайёргарлик бўйича нормативларни бажаришга киришишди. Шунқорларнинг жанговар тайёргарлик бўйича юқори натижаларни қўлга киритишларида уларнинг жисмоний баркамоллиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, жамоа посбонлари жисмоний тайёргарликка катта эътибор бериб келишмоқда. Уларнинг олиб борган тайёргарликлари бесамар кетмади. Взводнинг барча азаматлари имкониятлари «аъло» ва «яхши» натижалар билан баҳоланди. Мазкур тайёргарлик бўйича ҳам кичик командир Баҳромов ўз маҳоратини намойиш қилиб, сафдошларига ўрнак бўлди.

– Ҳар бир инсон ўзи ёқтирган соҳани танладими, у касбий маҳоратини ошириб, ҳақиқий профессионал бўлишга интилиши керак, – дейди Бахтиёр. – Мен ёшлигимдан бу касбга қизиқардим. Муддатли ҳарбий хизматни ўташ жараёнида эса ҳаётим ҳарбийлик билан бевосита боғлиқ эканлигини ҳис қилдим. Шундан сўнг юрт осойишталиги йўлида хизмат қилишга аҳд қилдим.

Бир неча йилдан буён миллий армиямиз сафида Ватан осмонининг мусаффолиги йўлида хизмат қилаётган кичик сержант Баҳромовни бугун том маънода профессионал дейиш мумкин. Ҳарб илмини пухта ўзлаштирган посбон айни дамда кўплаб сафдошларига ҳам ўз тажрибаларини ўргатиб келмоқда. Айниқса, қўл остидаги оддий аскарлар – Ҳасан Абдуолимов, Мақсуд Ҳайитов ҳам ўқув мавсумида юқори натижаларга эришиб, устозининг юзини ёруғ қилишмоқда.

Полвонлар замини бўлмиш Бухорода туғилган Бахтиёр ёшлигидан курашга бўлакча меҳр қўйди. Вилоят миқёсида ўтказилган кўплаб мусобақаларда ўз вазнида ғолибликни қўлга киритган посбон айни пайтда ҳам севимли спорт турини ташлаб қўймаган. У бўш вақтларида сафдошлари билан бел олишиб туради. Кези келганда эса кураш сир-синоатининг нозик қирраларини сафдошларига ҳам ўргатиб келмоқда.

Юртимизда энг улуғ ва энг азиз байрамимизни нишонлашимизга ҳам саноқли кунлар қолди. Мустақиллигимиз осойишталиги йўлида ўз ҳиссаларини қўшиб келаётган офицер Шуҳрат Юсупов етакчилигидаги жамоа шунқорлари ўз ютуқларини ушбу муборак айёмимизга туҳфа қилажак.

Сейман НАЗАРОВ.

Ҳушёрлик – қуролимиз

ҲАМИША ШАЙ ВА СЕРГАК

Она Ватанни ҳимоя қилиш, халқ ишончини оқлашдек шарафга муяссар бўлиш ҳар бир эр йигит учун ғурур ва ифтихордир. Буни яхши англаган посбонларимиз ўз конституциявий ва йигитлик бурчларини сидқидилдан бажариб келишмоқда.

… Тун. Техника паркида ўз вазифасини ўтаётган соқчи доимгидек ҳушёр ва сергак. Постни қабул қилиб олганига йигирма дақиқалар бўлди. Соқчи оддий аскар Шуҳрат Шобердиев пост ҳудудида белгиланган йўналиш бўйича айланиб юрар экан, ҳаёт мактабидаги илк сабоқлар хаёлидан ўтди. Қанчадан-қанча дўстлар орттирди, офицер ва сержантлардан ҳарбий соҳа билимларини эгаллади. Қалбида ҳарбийликдек шарафли касбга ҳавас уйғонди.

…Техника парки девори томонидан эшитилган товуш уни ҳушёр торттирди. Тезда қоровул бошлиғига хабар бериш керак. Посбон ишонч билан аниқ ҳаракат қилди. Қоровул бошлиғи офицер Музаффар Очилов тезда қисм навбатчисига соқчи берган ахборотни етказди ва ўзи қоровуллар билан биргаликда постга етиб келди. Тезкор ҳаракат натижасида девор ортидаги кимса ушланди. Соқчи оддий аскар Шуҳрат Шобердиев қоровул хизматини аъло тарзда ўтаганлиги учун қисм командири томонидан муносиб тақдирланди.

– Қоровулларни танлашда уларнинг руҳий ҳолатига асосий эътиборни берамиз, – дейди қоровул бошлиғи офицер М.Очилов. – Улар низом талабларини яхши билган, постда турганда, ҳар қандай кўнгилсизлик рўй берганда ўзини йўқотмасдан тез ҳаракат қила оладиган бўлиши керак. Шунингдек, ўзига ишониб топширилган постни сергаклик билан қўриқлаши ва ҳимоя қилиши шарт. Шуни инобатга олган ҳолда қоровулга посбонларни тайинлашдан олдин улар билан машғулот ўтказилади.

Қоровулга тушишдан олдин посбонлар жанговар қуроллан фойдаланиш, қўл жанги машқлари, ёнғин содир бўлганда ишлатиладиган ускуналарни ишлатиш, низом қоидалари борасида машғулотлар ўтишади. Шунингдек, постда алмашиш, ҳаракат қилиш, қай ҳолларда қуролни ишлатиш ва огоҳлантириш каби машқларни ҳам бажаришади.

Қоровулхонага кирар эканмиз, низом талабларига мос тартибли, озода хоналар бизни ўзига жалб қилди. Қоровулларнинг дам олишлари, овқатланишлари учун керакли шарт-шароит яратилган. Дам олиш хонасида шашка, шахмат, шунингдек, газета ва журналлар тартиб билан жойлаштирилган. Қоровулхона олдида турган соқчи низом қоидаларига амал қилган ҳолда қоровул бошлиғига келаётганлар ҳақида ахборот бериб турибди. Бу посбонларнинг қоровул хизмати қоидаларини жуда яхши ўзлаштирганликларини кўрсатиб турибди.

– Мен шартнома асосида анча йиллардан буён хизмат қилиб келяпман, – дейди қоровул бошлиғининг ёрдамчиси кичик сержант Умарали Эркаев. – Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб юрган кезларимда ҳам кўп бора қоровулга тушганман. Қоровул ва соқчининг вазифасини жуда яхши биламан. Шундай бўлса ҳам низом қоидаларини ўқиб, билимимни янада бойитиб боряпман.

Қоровул бошлиғининг «Қоровул қуроллан, биринчи постга ҳужум» деган командаси янгради. Қоровуллар тезкорлик ва аниқлик билан қуролларини олиб, каска ва ўқ ўтишидан сақловчи кийимларини кийиб, тартиб бўйича сафга тизилишди. Қоровулхонада дам олувчи қоровуллар билан бу каби ўқув машғулотлари кўп ўтказилиб турилади. Шунинг учун ҳар бир қоровул ва соқчи бундай ҳолатларда қандай ҳаракат қилиш лозимлигини жуда яхши билади.

Қоровул бошлиғининг ёрдамчиси кичик сержант У.Эркаев навбатдаги қоровулларнинг постга бориш учун тайёргарлик кўришларини айтди. Қоровуллар ўз вазифаларини ўташга шай бўлганда қоровул бошлиғи яна бир бор уларга соқчининг вазифаси ва мажбуриятлари ҳақида эслатиб ўтди. Шундан сўнг улар қоровул бошлиғи назорати остида қуролларини ўқладилар. Ёрдамчи сафнинг олдида ҳаракат қилиб, қоровулларни постга қараб олиб кетди. Уларнинг шахдам қадам ташлашларига, сергак ва жиддий юзларига қараб, юртимиз тинчлиги, осойишталиги ишончли қўлларда эканлигига яна бир бор амин бўлдик.

Аҳрор ОЧИЛОВ, «Ватанпарвар» мухбири.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ 16. ЙИЛЛИГИГА

ҚЎШИННИ БОШҚАРИШ – ҲАРБИЙ САНЪАТ НЕГИЗИ

(Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур фаолияти мисолида)

Мамлакатимиз ҳаётининг ҳарбий-ҳуқуқий соҳаларида, хусусан, Қуролли Кучларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади – миллий армияни шакллантириш ва такомиллаштиришга қаратилган. Ислоҳотларнинг назарий – фалсафий ва умуминсоний жиҳатларини асослашда аждодларимизнинг ҳарбий меросини ўрганиш, уларни ёш авлод онгига сингдириш муҳим аҳамият касб этади.

Чунончи, XV асрнинг буюк гуманисти Алишер Навоий инсоният бахтсизлигининг асосий сабаби бўлмиш уруш муаммосига алоҳида эътибор қаратади ва урушни биринчи галда халқ учун беҳад ёвузлик, инсон шахси устидан чексиз зўравонлик, жамият ҳаётидаги катта ахлоқий нуқсон ҳисоблаб, хунрезлик урушлари мамлакатнинг батамом хонавайрон бўлишига, ўн минглаб бегуноҳ кишиларнинг ҳалокатига, очлик ва азоб-уқубатларга, маданий иншоотларнинг вайронагарчилигига олиб келади, деб қайд қилади. Шундай қилиб, Навоий ёвузлик ва фалокат, инсон ақл-заковатига қарши ижтимоий ҳодиса сифатидаги хунрезлик урушларини қаттиқ қоралайди.

Мутафаккир урушларним «зарарли» ва «оқилона» бўлишини таъкидлайди. Навоийнинг: «агар халқ манфаатларини, унинг ор-номуси ва қадр-қимматини тажовузкорлардан ва золим подшоҳлар зўравонлигидан муҳофаза этиш зарурати туғилса, бундай уруш инсоният ақл-заковатига батамом мувофиқ урушдир, акс ҳолда душман юртни хонавайрон этган ва халқни талаган бўлур эди», деган ғоялари ниҳоятда ибратлидир.

Шарқнинг буюк алломаси ёмонликка қарши курашда қўл қовуштириб ўтириш ярамаслигини, балки жуда қатъий чоралар кўриш, мавжуд кучларни ишга солиб, душман устидан тўла ғалаба қилгунча курашиш лозимлигини яхши тушунган. Бинобарин, у золим подшоҳларнинг адолатсиз урушига мамлакат, халқ манфаатларини, яъни унинг озодлиги ва мустақиллигини, ор-номуси ва иззат-нафсини ҳимоя қилувчи адолатли урушни қарама-қарши қўяди. Хунрезлик ва қонқардошлик урушлари бетўхтов давом этган, гоҳ бу ерда ота билан ўғиллар, туғишган ака-укалар ўртасида ҳокимият учун кураш олиб борилган ўрта аср давридаёқ Навоийнинг бу фикрлари жуда катта аҳамиятга молик эди.

Шу билан бирга, аллома подшоҳи жоҳил мамлакатлар аскарларининг талончилиги ва жаҳолатини қоралайди. «Улар ёт мамлакатларни талайдилар ва ҳамма нарсани янчадилар, – деган эди шундай аскарлар ҳақида А. Навоий, – уларнинг дастидан ҳамма нарса ҳалок бўлади. Инсонийлик уларга ёт, адолат уларга ҳеч қачон хос эмас. Табиатан улар тасаввурга эга эмас. Ақл ва мулоҳаза уларга табиат томонидан берилмаган. Улар ҳеч ўйламасдан ихтиёрий мамлакатга юриш қиладилар, уларни жаҳолат уйқусидан ҳеч ким уйғота олмайди. Улар иссиқ, совуқни сезмайдилар. Жоҳилликда улар барча мавжудотдан ёмонроқ, ёвузликда эса барча ҳайвонлардан кучлидирлар».

Ўз даврининг етук саркардаси Заҳириддин Муҳаммад Бобур мамлакат бир бутунлиги ва мустақиллигини сақлаш, уни ташқи душмандан ҳимоя қилиш, мамлакат ҳарбий салоҳиятини кучайтиришни миллий давлатчилик фаолиятининг энг муҳим мақсадларидан бири, деб билган. Унинг эътирофича, мамлакат бирлиги ва мустақиллиги учун энг катта хавф бу – ташқи душмандан кўра мамлакат ичидаги ўзаро низолар. Ота-бола, ака-укалар ва айирмачи кучлар ўртасидаги тожу тахтни эгаллаш учун бўлган урушлар ҳисобланади.

Бобурнинг фикрига кўра, Хуросонда Ҳусайн Бойқаро давлатининг парчаланиб, оқибатда Шайбонийхон томонидан босиб олинишининг асосий сабаби ҳам ана шундадир: «Охир оталиқ, ўғуллик орасида бу гуфтугўйлар анга мунжар бўлдиким, отаси отасининг устига ва ўғли ўғлининг устига Балх ва Астроободга черик (қўшин) торттилар... Бу ғариб воқеоттиндурким, ўшул чаҳоршанба куниким, Султон Ҳусайн Мирзо Бадиуззамон Мирзони босар. Ўшул куни Астроободга Музаффар Мирзо Муҳаммад Мўъмин Мирзони босар. Яна бу ажаброқким, чаҳоршанба отлик киши Муҳаммад Мўъмин Мирзони тушуруб келтурур». Мамлакат мустақиллигини ҳимоя қилишда подшоҳ ўта мулоҳазали, маслаҳат билан иш юритиши, шошма-шошарлик билан иш тутмаслиги керак, деган эди саркарда.

Шу билан бирга, давлат арбобининг шаҳар ёки мамлакатни ҳимоя қилиш учун зарур бўлган воситалар ҳақидаги мулоҳазалари ҳам диққатга сазовордир. У ўз фикрини тимсолий ифодалаб, мамлакат ҳимояси учун бош, икки қўл, оёқ керак, дейди. Бошни – бош қўмондонга, яъни подшоҳга, икки қўлни – ён-атрофдан ёки иттифоқчилардан келадиган ёрдамга, икки оёқни эса мамлакатнинг мудофааси ва захирасига ўхшатади: «Бурунғилар дебдурларким, қўрғон беркитмакликка бош керак, икки қўл керак, икки бут керак, бош сардор бўлғай. Икки қўл икки тарафдин келур кўмак ва мадад бўлғай, икки бут қўрғоннинг суйи била захираси бўлғай».

Бобурнинг давлатчилик фаолиятидаги муҳим ишларидан яна бири – мамлакат ҳарбий салоҳиятини мустаҳкамлашда янги ҳарбий қуроллар ишлаб чиқаришга катта эътибор берганлигидир. Масалан, «Бобурнома»да устоз Алиқул исмли қурол устасига тош отар қурол (тўп) ясаш учун имкониятлар яратиб бергани, унинг устахонасини бориб кўргани, бу қуролни синаш пайтида иштирок этгани, Рано Санго билан бўлган жангда бу қурол душманга анча талафот етказгани ҳақида қайд қилинади. Бобурнинг саркада сифатидаги муваффақиятлари калити бу – черикни, яъни қўшиннинг кўнглини олмоқлигида бўлган. Аскар кўнглини олишнинг бош мезони кишининг қаерданлиги, миллати ва насабига қараб эмас, балки шоҳига садоқат, мардлиги, фидойилиги, вафодорлиги, давлат ҳимоясига қўшган ҳиссаси билан белгиланган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг улуғ инсонга хос фазилатларидан бири мардликни улуғлаганидир. Мардликнинг олий даражада намоён бўлиши, деб Ватан учун душманга қарши жанг қилиш, зарур бўлса, жонини ҳам қурбон қилишдир. Бобур бу ўринда, ёмон от билан тирилгандин яхши от билан ўлган яхшироқдир, дейди. У зўравонлик, ўғрилик, қароқчилик, таъмагирликни қаттиқ қоралайди ва бундайларга нисбатан бировнинг бир кўза ёғини тортиб олгани учун уни жазолагани диққатга сазовордир.

Хулоса қилиб айтганда, аждодларимизнинг мамлакат яхлитлиги ва хавфсизлиги кафолати ҳисобланган қўшинни бошқариш ва уни таъминлаш, лашкарбоши ва аскарларнинг фазилатлари тўғрисидаги бетакрор фикр-мулоҳазалари бугунги кунда ҳам давлатимиз мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш, жанговарликни ошириш ҳамда ҳарбий хизматчиларда юксак маънавий-ахлоқий хислатларни тарбиялашда зарурий манба бўлиб хизмат қилади.

Карим НОРМАТОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.
Майор Бобир НЕЪМАТОВ,
фалсафа фанлари номзоди.

ЖАЙҲУН СОҲИЛИДАГИ БЕБАҲО ГАВҲАР

(Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти)

Жаннатмакон она диёримизда тинчлик ва барқарорлик ҳукмрон. Ҳар қарич тупроғи олтинга тенг саховатли заминимиз сарҳадлари сергак посбонларимизнинг ишончли ҳимоясида. Меҳнаткаш халқимиз чўлларда ҳам боғу бўстонлар барпо этиб, гўзал бинолару муҳташам иморатлар, йўллар ва кўприклар бунёд қилишяпти. Барча жабҳаларда иш қизғин. Президентимиз бошчилигида ҳамма соҳада ислоҳотлар изчил амалга оширилаётган, қулай иқлим шароитига, бой табиий ва минерал ресурсларга, муҳим геосиёсий аҳамиятга эгалиги билан нафақат минтақа, балки жаҳон миқёсида ўзига хос ўрин тутган республикамиз энг улуғ ва энг азиз байрам – муборак истиқлолнинг ўн олти йиллик тўйини муносиб қарши олишга ҳозирлик кўрмоқда. Она диёримизда айниқса, истиқлол йилларида амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари ва ислоҳотлар фаровонлигимизни ошириб, янада гуллаб-яшнашимизда асосий омил бўлмоқда. Бу борада мамлакатимизнинг шимоли-ғарбий ҳудудларида амалга ошириб келинаётган ишлар ҳам салмоқли ўрин тутади.

Амударёнинг қуйи оқими ва Орол бўйи кенгликларида жойлашган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятлари минтақанинг нисбатан мураккаброқ экологик ҳудудларидан саналади. Аммо меҳнаткаш ва бунёдкор халқимиз бу ерда ҳам юксак марраларга эришиш мумкинлигини исботлаб, қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик, қурилиш, бунёдкорлик ва бошқа кўпгина соҳаларда зафарли натижаларни қайд этишяпти.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида фойдали қазилмалардан газ, газ конденсати, қурилиш ва қоплама тошлар, гипс ва оҳактош, керамзит, цемент, кон-руда ва кон-техника хомашёси қазиб олинади. Электроэнергетика, ёқилғи саноати, кимё ва нефть кимёси, машинасозлик ва металлсозлик, ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз, озиқ-овқат ва полиграфия саноатлари ривожланган. 15300 дан ортиқ кичик корхона ва микрофирмалар бор.

Республикада бензин, керосин, дизель ёқилғиси, оҳакташ, қоплама материаллар, йиғма темир-бетон буюмлари, мебель, ип толаси, пахта, тикувчилик маҳсулотлари, тўқимачилик галантереяси, ўсимлик мойи, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, нон, қандолатчилик ва макарон маҳсулотлари, ун, ёрма ва бошқа ишлаб чиқаришлар йўлга қўйилган.

Қишлоқ хўжалигида асосан, пахтачилик, ғаллачилик (шоли, буғдой) ва чорвачилик (гўшт, сут, қоракўлчилик) дан иборат. Бугунги кунда Қорақалпоғистонда 10000 атрофида фермер хўжаликлари фаолият кўрсатиб келмоқда ва ернинг ҳақиқий эгалари сифатида эътироф этилаётган фермерлар бугун кўпгина муваффақиятли натижаларга эришиб келаётгани қувонарлидир. Айниқса, жорий йилнинг май ойида Юртбошимиз Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюриб, фермерлар билан шахсан учрашгани ва суҳбатлашгани уларни янада руҳлантириб юборди. Илғор хўжалик раҳбарларидан 20 гектар ерда ғалла, 20 гектар ерда пахта етиштириб, мўл ҳосил олишни кўзлаган, уч юз бош қорамоли, ўнта техник воситаси бор ва бунинг натижасида юз нафар кишини иш билан таъминлаган қанликўллик фермер Тожихон опа Эшқобулова, Тахтакўпир туманидаги «Тайимбет» фермер хўжалиги раҳбари, «Ташаббус-2007» танлови ғолиби Сарсенбай Сантназаровлар кўрсатилаётган эътибору ғамхўрликлар уларга келгуси зафарларида илҳом бағишлашини алоҳида эътироф этдилар.

Бундан ташқари кейинги йилларда қурилиш ва бунёдкорлик соҳасида ҳам Орол бўйи ҳудудида салмоқли ишлар амалга оширилди. Мўйноқ туманидаги замонавий тарзда барпо этилган мактаб, касб-ҳунар коллежлари, шифо масканлари, спорт иншоотлари кабиларни ана шундайлар сирасидан санаб ўтиш мумкин. Қорақалпоғистонни қўшни вилоят ҳамда дунё билан боғловчи йўллар ҳамда темир излар қурилгани ҳам шулар жумласидан. «Қўнғирот – Бейнов» қитъалараро автомобиль йўли, «Учқудуқ – Мискин – Султонувайстоғ – Нукус» темир йўли, Амударё устига поезд ва автомобиллар учун қурилган «Мискин – Тошсоқа» кўпригини асримизнинг энг катта қурилишларидан, дея баҳоласа хато бўлмайди. Бу йўллар элларни бир-бирига боғлаяпти, узоқларини яқин қиляпти ва кўплаб маблағларнинг тежалишига ҳам хизмат қиляпти.

Мавжуд ер усти ва ер ости бойликлари ҳам фаровон турмушга хизмат қилмоқда. Саноатнинг ноёб тармоқларидан саналган Қўнғирот сода заводи, Устюртда барпо этилаётган газкимё мажмуаси кабилар ана шундай узоқни кўзлаган устуворликларимиздандир. Бугун мазкур корхоналарда мавжуд бойликлар қайта ишланиб, хорижга ҳам экспорт қилинишга имконият яратилмоқда.

Хоразм Ўрта Осиёдаги энг қадимий давлатлардан саналади. Машҳур олим Абу Райҳон Беруний ўз асарларида Хоразмшоҳлардан 22 тасини қайд қилган. Хоразм ҳақидаги илк маълумотлар Авесто китоби, Доро I нинг Беҳистун битиклари, қадимги юнон тарихчилари асарлари ва илк Ўрта асрлардаги араб географлари маълумотларида учрайди. Овчилик ва балиқ овлаш вилоятнинг шимолий қисмида милоддан аввалги 4-3 минг йилликларда, жанубида эса милоддан аввалги 6-3 минг йилларидаёқ ўтроқ суғорма деҳқончилик маданияти қарор топганига тарих шоҳидлик беради.

Хоразм ҳам Ўзбекистоннинг бой тарихий ҳудудлари каби узоқ тарихга эга. Шунингдек, бу заминдан етишиб чиққан олим ва мутафаккирлар илм-фан ривожи ҳамда инсоният тараққиётига улкан ҳисса қўшгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Истиқлол туфайли Хоразм довруғини дунёга ёйган машҳур сиймолар номи янада юксакроқ улуғлана бошланди. Ал-Хоразмий, Паҳлавон Маҳмуд, аз-Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Манғуберди, Феруз каби зотларнинг номлари эъзозланиб, халқаро ва мамлакат миқёсида юбилейлари ўтказилди. Урганч шаҳрида Авесто мажмуаси барпо этилиб, эзгу қадриятлар китобининг 2700 йиллик тантанаси нишонланди.

Бундай ўзгаришларни бугун Хоразмнинг барча жойида кузатиш мумкин. Эзгу ва савоб ишларнинг улуғидан ҳисобланган йўллар ва кўприклар қурилиши, боғу роғлар барпо этилиши, янги иншоотлар бунёд этилиши кабилар шулар жумласидандир. Масалан, поезд ва автомобиллар ўтиши учун Амударё устига кўприк қурилгани, жаҳон андозаларига мослаб барпо этилган мазкур иншоотга қарийб 35 миллиард сўмлик маблағ сарфлангани ва бу ўзини тўла оқлаб, узоқларни яқин қилиш билан бирга анчагина маблағлар тежалаётгани ҳам қулайликлардан саналади. Мазкур кўприкнинг ўзиёқ ҳар бир вагон учун тўланадиган 250 АҚШ доллари ёки йилига ўртача 4,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағни иқтисод қилиш имконини бермоқда. Шунингдек, Президентимиз ташаббуси билан Урганч–Беруний йўналишида Амударё устида барпо қилинадиган узунлиги 635 метрлик янги кўприк қурилиши бўйича қарор қабул қилингани хоразмликлар учун яна бир ажойиб хушхабар бўлди.

Бугун Хоразмда ишлаб чиқариш ҳамда саноатнинг турли соҳалари тобора ривожланяпти. Пахта хомашёсини ишлаш ва экспортбоп қилиб тайёрлайдиган «Гурлан» акционерлик жамиятида яқинда 27 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция ҳисобига замонавий дастгоҳлар ўрнатилиб, ишга туширилгани натижасида қўшимча 1200 ишчи ўрни яратилди. Бунинг самараси ўлароқ, йилига 5 минг тонна толани қайта ишлаш, 10 миллиард сўм атрофида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконига эга бўлинди. Қиймати 11 миллион АҚШ доллари бўлган, қувати суткасига 100 минг куб метрга тенг Урганч шаҳридаги сув тозалаш иншооти қурилиши якунига етай деб қолди. Шунингдек, маҳаллаларда ҳам барпо қилинаётган спорт мажмуалари соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишда аҳамияти катта.

Вилоят аҳлига тиббий хизматни яхшилаш борасида 700 минг АҚШ доллари қийматидаги компьютерли томограф-ташхис аппарати ишга туширилгани, шу кунгача 10532 нафар бемор кўрикдан ўтказилиб, 171,7 миллион сўмлик хизмат кўрсатилгани ҳам ғамхўрлик ифодасидир.

147 та қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб, замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлангани аҳолига манзур бўлмоқда. Вилоятнинг шаҳар ва туманларида шошилинч ва тез тиббий ёрдам марказлари ташкил қилинди. Хусусан, Урганч шаҳридаги вилоят болалар шифохонаси, 1-сон клиник шифохона, вилоят туғруқхона мажмуаси қайта таъмирланиб, энг сўнгги услуб ва андозаларда жиҳозланди. Республика ихтисослаштирилган урология марказининг Урганч филиали ташкил қилинди.

Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига мувофиқ, янги мактаблар қурилиши, 26 та мактаб капитал реконструкциядан чиқарилиши, 39 таси эса капитал таъмирланиши кўзда тутилган. 5850 ўринли 10 та касб-ҳунар коллежи қуриб, фойдаланишга топширилди.

Вилоятда туризмни ривожлантириш, сайёҳлар қабул қилишни 1,5 баробарга ошириш кутилмоқда. Улар учун янги «Хоразм олтин ҳалқаси» сайёҳлик йўналишини очиш, чартер рейслари ташкил қилиш, меҳмонхоналар сонини кўпайтириш ва қулайликларни ошириш кабилар мўлжалланмоқда.

Вилоятдан пахта толаси, ип-калава, гилам, озиқ-овқат маҳсулотлари, машина ускуналари кабилар экспорт қилинади. Гурлан, Боғот, Хонқа, Урганч, Хива, Хазораспда тўқимачилик, пилла чилик, тикувчилик соҳаси ривожланган. Хивада гилам фабрикаси, «Хива гилами» акционерлик жамияти ишлаб турибди. 22000 га яқин кичик корхона ва микрофирмалар фаолият кўрсатаётгани, хорижий давлатлар билан ҳамкорликда ишлаётган 36 та қўшма корхона ва уларнинг филиаллари борлиги воҳа аҳлининг иш билан таъминланиши ва фаровон турмуш тарзида ўзига хос ўрин тутмоқда.

Табиатнинг ўзига хос нижиқликларини енгиб, бунёдкорлик, яратувчанлик ва эртанги кунга ишонч туйғулари билан нафас олаётган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти истиқлол шодиёнасининг 16 йиллик тўйини ана шундай кўтаринки руҳда қарши олмоқда.

Давлат АСИЛОВ тайёрлади.

МУСТАҚИЛЛИК ТЕНГДОШЛАРИ

Мамлакатимиз қонунчилигига мувофиқ, 16 ёшга етган ўғил-қизлар мустақил фуқаро сифатида паспорт олиш ҳуқуқига эга. Юртимизда истиқлолимизнинг 16 йиллик шодиёналарини нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилаётган шу кунларда балоғатга етган бир гуруҳ ёшларимиз фуқаролик паспортини олишга тайёргарлик кўраётир.

Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда мустақиллик тенгдошларининг бу борадаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш, улғайиб келаётган авлодни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, истиқлолимизнинг 16 йиллик тантаналари кўтаринки руҳда ўтишини таъминлаш мақсадида махсус дастур ишлаб чиқди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида бўлиб ўтган матбуот анжуманида мазкур кенгаш раиси А.Алимов ёш авлодни ҳар жиҳатдан етук ва баркамол этиб тарбиялаш, йигит-қизларга жаҳон андозалари даражасида билим бериш, истеъдодли ёшларни излаб топиш ва уларга ўз салоҳиятини намоён этишда яқиндан кўмаклашиш Президентимиз Ислом Каримов юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан эканини алоҳида таъкидлади.

Бу борада турли давлат ва жамоат ташкилотлари билан бирга ёшлар ташкилотлари томонидан ҳам кенг кўламли ишлар ҳаётга татбиқ этилаётир. Хусусан, энг улуғ ва энг азиз байрам – Мустақиллигимизнинг 16 йиллигини муносиб нишонлаш, юртимизнинг барча ҳудудларида байрам тадбирларини уюшқоқлик билан ташкил этиш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши томонидан махсус ишчи гуруҳ тузилди. Гуруҳ фаоллари томонидан ишлаб чиқилган "16 га тўлдик – вояга етдик" лойиҳасига қарийб етти миллион нафар йигит-қиз жалб этилиши режалаштирилмоқда.

Ўндан зиёд йўналишни қамраб олган лойиҳа доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги йирик хиёбонлар, истироҳат боғлари, маҳаллалар ва жамоат жойларида турли тадбирлар ташкил этилади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар ҳолидан хабар олинади. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига кўмаклашилади. Биринчи синфга қадам қўяётган ўқувчилар ва талабаликка қабул қилинган ёшлар иштирокида байрам томошалари уюштирилади.

"Мен Ўзбекистон фуқаросиман" лойиҳаси доирасида эса балоғатга етган йигит-қизларга фуқаролик паспортини топширишга бағишланган тантанали маросимлар ташкил этилади. Шунингдек, ёшларимиз таниқли санъаткорлар, ёзувчи-шоирлар, давлат ва жамоат ташкилотлари стипендиялари совриндорлари билан учрашадилар. Шуниси эътиборлики, "16 га тўлдик – вояга етдик" лойиҳаси доирасидаги тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда 16 ёшга тўлган, "Камолот"нинг бошланғич ташкилотлари иш фаолиятида мунтазам қатнашиб келаётган йигит-қизлар фаол иштирок этмоқда.

Улардан бири – Миразиз Мирҳайдаров 1991 йил 4 майда пойтахтимизнинг Юнусобод туманида туғилган. 235-мактабнинг 9-синфини аъло баҳолар билан тугатган Миразиз куни кеча Яккасарой туманидаги Тижорат ва тадбиркорлик коллежи ўқувчиси бўлди.

– Мустақиллик тенгдоши бўлганимдан ҳамиша фахрланаман, – дейди Миразиз Мирҳайдаров. – Чунки истиқлол халқимизга эрк ва озодлик, юртимизга равнақ, жамиятимизга фаровонлик олиб келди. Ёшлар илм олиши, ўз иқтидорини намоён этиши учун барча имкониятлар яратилди. Истиқлолимизнинг 16 йиллиги билан ҳамқадам балоғатга етганимиз тенгқурларим учун янада қувончли кечди: биз мактабда ўқиб-ўзлаштирган баҳоларимизга қараб коллеж-лицейларга имтиҳонсиз қабул қилиндик. Бу Президентимизнинг ёш авлодга, истиқлол тенгдошларига эътибори ва ғамхўрлигининг яна бир намунасидир. Биз давлатимиз раҳбарининг ёшларга билдирган бундай юксак ишончи ва эътиборини оқлаш йўлида тинимсиз ўқиб-изланишимиз, бундай ғамхўрликка аъло ўқиш, жамоат ишлари ва турли жабҳалардаги ютуқларимиз билан муносиб жавоб қайтаришимиз лозим.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

АЪЛО ХИЗМАТИМИЗ – СЕНГА, ИСТИҚЛОЛ!

Ёш офицерлар – Қуролли Кучларимиз келажаги

ҲАРБИЙЛИКДА КАМОЛ ТОПИБ

Абдулазиз ёшлигидан ҳарбий бўлишни, юрт ҳимоясидек ўта масъулиятли ва шарафли касбда камол топишни орзу қилган, кейинчалик буни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бугун у ўз ниятига эришди, яъни Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртини тамомлаб, офицерлик фаолиятини гуруҳ командири вазифасида муваффақиятли бошлади.

– Лейтенант Бобоев, – дейди офицер Қаҳрамон Очилов, – ташкилотчи, етакчи, у устоз ва тарбиячи сифатида сабоқлар берган аскарлар бу ҳаёт мактабида ҳар томонлама шаклланиб, ватанпарварлик руҳида камол топишларига ишончим комил. Абдулазиз спортнинг миллий кураш, енгил атлетика, футбол турлари билан ҳам мунтазам шуғулланади. У кураш бўйича бир неча марта ўз вазни бўйича ғолибликни қўлга киритган. Жисмоний тайёргарлик машғулоти давомида қўл остидаги посбонларга ҳам бутун дунё тан олаётган ўзбек миллий курашидан сабоқлар бериб келмоқда. Бу ўғлонларнинг ҳам жисмоний чиниқишларига фойда, ҳам уларнинг қалбида она юртга, миллий қадриятларимизга, машҳур, довруғи оламга достон полвонларимизга нисбатан фахр туйғусини уйғотиши табиий.

– Офицерлик хизматимнинг илк кунлари сермазмун ўтаяпти, – дейди у биз билан суҳбатда, – ҳарбий қисмда мени яхши кутиб олишди. Яқинда ёш офицерлар йиғинида бўлдик. Унда билим юртида олган билимларимизни амалий машғулотлар билан янада мустаҳкамладик. Йиғин давомида саф, ўқ отиш, тактик, муҳандислик, шахсий таркиб билан ишлаш, техник тайёргарлик каби машғулотлардан етук малакали офицерлар – Шокир Жўраев, Владик Раҳматов, Саид Ибрагимовлар мукаммал сабоқ беришди. Бу амалий машғулотлардан олган билимларим хизматим мобайнида катта ёрдам бермоқда.

Гуруҳимдаги аскарлар билимга, ҳарбий кўникмага чанқоқ йигитлар. Биздан талаб қилинадиган нарса фақатгина сидқидилдан хизмат қилиш, тартиб-интизомни сақлаш, аскарларни ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашдир. Оддий аскарлардан Элмурод Маликов техникани бошқариш, унинг техник созлигидан, Муҳиддин Салоҳиддинов тактик тайёргарликдан, Дониёр Қўчқоров эса ўқ отиш машқларидан ёзги мавсум ўқув машғулотларида юқори натижалар кўрсатиб, сафдошларига ўрнак бўлмоқдалар. Мақсадим, шу шарафли касбда камол топиб, эл-юрт корига камарбаста бўлишдир.

Қуролли Кучларимизнинг жанговар сафлари мана шундай билимли, мард ва жасур ўғлонлар билан кенгайиб, мустаҳкамланиши Ватанимизнинг тинчлиги, халқимиз осойишталигининг ишончли кафолатидир.

Аҳрор НОЗИМОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Состязание на лучшего специалиста артиллерии

УРОВЕНЬ ГОТОВНОСТИ ЗАМЕТНО ВЫРОС

Как уже сообщалось в нашей газете, недавно проводился заключительный этап состязания на лучшего специалиста артиллерии в войсках Министерства обороны Республики Узбекистан.

Согласно приказу начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил в заключительном этапе конкурса приняли участие победители окружных состязаний и частей центрального подчинения в звене – командир дивизиона, командир батареи и командир группы.

– Накануне состоялся смотр готовности учебных классов, малого артиллерийского полигона и артиллерийских приборов, а также строевой смотр для участников состязания, – рассказывает офицер Алексей Евсеев. – Убедившись в соответствии указанных объектов требованиям проведения состязаний столь высокого уровня, организаторы приступили непосредственно к оценке офицеров.

В первом блоке состязания проводилось тестирование, в ходе которого оценивались знания положений Боевого устава артиллерии, Курса подготовки артиллерии, Правил стрельбы и управления огнем. Здесь наивысшую сумму баллов набрал майор К.Саттаров.

Второй блок для командиров дивизионов и батарей состоял из тактической летучки, в ходе которой офицеры отрабатывали графическое оформление документов. Здесь отличился майор Ф.Кубаев. Командиры групп на данном этапе оценивались тестированием на знание тактических знаков и военной топографии. Лучшим был признан лейтенант М.Васеев.

В третьем блоке офицерам уже потребовалось выполнить огневые задачи на имитационных средствах согласно Курсу подготовки артиллерии. В этом элементе преуспел старший лейтенант А.Азамов.

Четвертый блок состязания состоял из упражнений по физической подготовке. Сила и выносливость очень актуальны для артиллеристов, которым в бою надо очень быстро развернуть на огневой позиции свои орудия, оперативно менять позиции в ходе боя. Одним словом, в беге на 100 метров и 3 километра, подтягивании на перекладине превзошел товарищей старший лейтенант А.Санакулов.

И, наконец, в пятом блоке, где офицеры состязались в выполнении одиночных нормативов по специальной подготовке, лучше всех проявил себя лейтенант А.Хамраев.

– В ходе проведения состязания хотелось бы отметить возросшее личное мастерство офицеров, хорошие знания положений Боевого устава артиллерии, Правил стрельбы и управления огнем, хорошую физическую готовность всех участников, огромное желание победить, – говорит член жюри состязаний офицер Игорь Ким. – Конечно, в отдельных коллективах сделан акцент на теоретическую подготовку (летучка, тестирование), а в других – больше на выполнение нормативов.

Итак, по итогам состязания среди командиров дивизионов первую тройку лидеров составили старший лейтенант З.Хазиев, капитан К.Азимов и майор Ф.Кубаев. Среди командиров батарей трио сильнейших составили старшие лейтенанты А.Азамов, А.Ибрагимов и лейтенант В.Мирзаев. В категории командиров групп победная троица состоит из лейтенантов А.Хамраева, М.Васеева и М.Авулова.

Проведенное состязание ценно еще и тем, что оно стало серьезной проверкой уровня готовности командного звена артиллеристов, показало действенность проводимой представителями данного рода войск большой работы по повышению своего профессионального мастерства.

Майор Аблай КАМАЛОВ.

Для вас, офицеры-артиллеристы!

ЗАДАЧИ СЕДЬМОЙ СЕРИИ

ЗАДАЧА №1

В 18.00 командир 2-й батареи 122-мм ГД-30 принял команду от командира дивизиона: «Шамол». Создать наземный фиктивный репер 2-й сопряженным наблюдением, на заряде втором, снарядом ОФ-462, с взрывателем РГМ-2, партией зарядов 6–80–04. Результаты создания доложить в штаб дивизиона. Я «Бургут».

Координаты элементов боевого порядка: ОП Х=40560, У=93320, высота 150 м, дирекционный угол основного направления 3–00; КНП Х=44800, У=92250, НП лев. Х=44775, У=93650.

Способом сокращенной подготовки командир батареи определил: заряд второй, шкала тысячных, прицел 235, уровень 30–09, ОН левее 1–60. В ходе создания репера корректуры не вводились. Температура зарядов + 6 градусов Цельсия.

Начальник СН доложил: «Средний по разрывам, левый 1–86, правый 57–60, высота репера 188 м».

Создать наземный фиктивный репер, обработать результаты и доложить в штаб артиллерийского дивизиона.

ЗАДАЧА №2

При стрельбе на разрушение артиллерийской группой 122-мм ГД-30 (в группе три орудия) по цели в серии методического огня получены наблюдения:

1-го орудия:–,–, Ц, +;
2-го орудия: –,+,+,+;
3-го орудия: +,–,?, –.

Определить вероятное положение средней траектории относительно цели по дальности для каждого орудия в Вд.

ЗАДАЧА №3

В батарее 122-мм ГД-30 проведен сострел орудий на заряде втором. Снаряд ОФ-462. Взрыватель РГМ-2. Шкала тысячных, прицел 332. Уровень 30–07.

После засечки репера определены дальности топографические (в метрах) для: 1 ор.=7210; 2ор.=7160; 3 ор. (основное) =7190; 4ор.=7130; 5ор.=7240; 6ор.=7150.

Определить поправки на разнобой орудий батареи относительно основного.

ЗАДАЧА №4

При привязке КНП батареи определена наклонная дальность Дн=2000м и измерен угол места цели Мкт=+2–30, с КНП на контурную точку, высота которой 1150 м.

Определить высоту КНП.

ОТВЕТЫ НА ЗАДАЧИ ШЕСТОЙ СЕРИИ

ЗАДАЧА №1

«Метео 11 приближенный – 23183 – 0090 – 50807 – 02 – 124606 – 04 – 114707 – 08 – 094808 – 12 – 094808 – 16 – 084605 – 20 – 084605 – 24 – 084606 –30 – 084606 – 40 – 084605».

ЗАДАЧА №2

Пристрелянная поправка репера в дальности = +240 м;

пристрелянная поправка репера в направлении =–0–05;

пристрелянная поправка репера во взрыватель= – 1 деление.

ЗАДАЧА №3

Длины сторон равны:
АС=215м,
ВС=384м.

ЗАДАЧА №4

Величина срединного отклонения в дальности равна 82,7.

ТОБЛАНАДИ ЮРТИМ МАРДЛАРИ

Маълумки, муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига навбатдаги муддатга чақирилмаган фуқаролар «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуннинг тегишли бандига асосан сафарбарлик чақируви резерви сафларига олинади. Улар бир ойлик йиғин давомида жанговар кўникма ва ҳарб илмидан сабоқлар олишади.

– Йиғин иштирокчилари бир ой давомида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини муқаддас билиб, уларга риоя этиш, ҳарбий низомлар, командир ва бошлиқларнинг буйруқларини сўзсиз бажариш, ҳарбий интизомга қатъий бўйсуниш кабиларни ва шу билан бир қаторда соҳа илмини ўрганишади, – дейди офицер Ҳамидулла Ёрлақабов. – Армиямизда эса ёшларнинг жисмонан етук, маънан баркамол, чинакам ватанпарвар ва ҳаётда ўз ўрнини топиб кетадиган ҳақиқий комил инсон бўлиб етишишлари учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш борасида муҳим ишлар амалга ошириляпти.

– Ғурур туйғуси қалбимни тўлдирмоқда, – дейди СҲР йиғини иштирокчиси шаҳрисабзлик Даврон Очилов. – Қисқа муддат ичидаёқ анчамунча ҳарбий кўникма ва билимларни ўзлаштирдим. Жисмоний, жанговар ва ижтимоий-сиёсий билимлардан маҳоратим ошди. Ҳарбий хизматчилар эгаллаши зарур бўлган билимларни, ҳарбий кўникмаларни ўрганяпман. Спортнинг ушу тури билан ёшлигимдан шуғулланиб келардим, жисмоний тайёргарлик борасида тегишли малакага эгалигим бу ерда роса қўл келди.

Зуҳра ОЙМАМАТОВА.

Офицерской карьере – успешный старт

ГОТОВЯТСЯ ПРИНИМАТЬ ДОЛЖНОСТИ

В настоящее время в военных округах проводятся сборы молодых офицеров, окончивших высшие военно-образовательные учреждения в этом году. Очень важно именно в эти дни заложить прочный фундамент ответственного отношения лейтенантов к возложенным служебным обязанностям.

– Администрацией сборов созданы оптимальные условия для адаптации, ознакомления с особенностями службы в частях нашего округа, руководящими документами, – говорит лейтенант Жасур Абдужаббаров, прибывший после учебы в Ташкентском высшем общевойсковом командном училище (ТВОКУ). – Мне предстоит начать службу в мотострелковой части командиром группы, поэтому практические и теоретические занятия, проводимые опытными офицерами штаба округа, сыграют очень важную роль в процессе становления.

В целях оказания практической помощи молодым офицерам в вопросах качественного проведения приема дел и должности приказом начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил введено в действие методическое пособие «Порядок приема и сдачи дел и должности молодыми офицерами, окончившими высшие военно-образовательные учреждения Министерства обороны Республики Узбекистан».

На данных сборах при изучении указанного методического пособия до молодых офицеров доводятся установленные сроки принятия дел и должности, на что необходимо обратить особое внимание, какие моменты отражаются в акте о приеме подразделения, порядок приема должности начальниками служб, особенности приема должности представителями тыловых служб и так далее.

– В принципе, порядок приема дел и должности подробно расписан в календарном плане, утверждаемом командиром взвода, – делится своими впечатлениями от сборов лейтенант Анвар Кулиев, также окончивший ТВОКУ. – Я бы сделал для себя акцент на четырех основных моментах. Во-первых, это изучение боевой задачи взвода и группы. Во-вторых, ознакомление с личным составом и принятие личного состава группы. В-третьих, сверка учетной и отчетной документации, проверка технической документации боевой техники и вооружения. А в-четвертых, это прием боевой техники и вооружения, стрелкового оружия и материальных средств группы.

Отрадно, что большинство наших собеседников вполне осознают важность вопроса качественного принятия дел и должности, успешного старта своей офицерской карьеры.

Майор Анвар КАСЫМОВ.
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

АЛПЛАРИ КЎП КЎҲНА ЗАМИННИНГ

ИШЛАР ҚИЗҒИН

Айни пайтда Мудофаа ишлари бўлими ва бошқармаларида кузги чақирувга тайёргарлик ишлари авж олган.

Миллий армиямиз сафларини сифатли бутлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган Бухоро вилояти мудофаа ишлари бошқармасида ҳам шу кунларда иш қизғин.

– Вилоят ҳокимининг буйруғига кўра кузги чақирувга тайёргарлик ишларини аллақачон бошлаб юбордик, – дейди биз билан суҳбатда офицер Тўлқин Аҳмеджанов. – Танлов йилдан-йилга такомиллашиб, ўғлонлар синовлар асосида Қуролли Кучлар сафига жўнатилмоқда. Биргина чақирилувчиларнинг ижтимоий аҳволини ўрганишга эътибор қаратадиган бўлсак, хизматчиларимиз бу ишга анча эрта бел боғлашган. Ҳозирга қадар чақирилувчилар ва уларнинг яқинлари билан суҳбатлар ўтказиб бўлинди. Бугун шуни аниқ айта оламанки, вилоятимизда ёшларни чақирувга қадар ҳарбий хизматга тайёрлаш ишларига ниҳоятда катта эътибор бериб келинмоқда. Олиб борилаётган бу ишларнинг самараси ўлароқ, чақирувдан чақирувга қадар бошқарма ишининг сифати ошиб бормоқда.

Тиббий комиссия ишининг сифатини янада яхшилаш учун вилоятнинг кўзга кўринган малакали ходимлари жалб қилинган. Етук жарроҳ Шавкат Ўринов ҳамда кўз шифокори Бибиражаб Содиқовалар шулар жумласидандир.

Вилоят чақирув пункти энг замонавий тиббиёт асбоблари билан таъминланган бўлиб, чақирилувчилар шу ернинг ўзида қайта кўрикдан ўтиши мумкин. Хуллас, бунинг учун чақирув пунктида барча шароитлар яратилган.

– Синовлардан муваффақиятли ўтиб, муддатли хизматга бориш ниятидаман, – дейди Тошкент давлат педагогика университетини тугаллаган Ойбек Темиров. – Юртимни муносиб ҳимоя қилишга аҳд қилганман.

Бухоро вилояти мудофаа ишлари бошқармаси давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳам мунтазам ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, вилоят халқ таълими ҳамда касб-ҳунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда умумтаълим мактаблари ва лицейлар чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ва жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий маҳоратини ошириш мақсадида курслар ташкил қилиб, уларга сабоқлар берилди. Бундан ташқари, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг вилоят бўлими билан ҳамкорликда мунтазам спорт мусобақалари уюштирилиб турилади.

МАРД ЎҒЛОНЛАР ХОТИРАСИ УНУТ БЎЛМАГАЙ

Хизмат бурчини адо этаётиб, ҳалок бўлган ҳарбийларнинг оила аъзолари ҳолидан хабар олиб, уларни қўллаб-қувватлаш борасида Мудофаа вазирлиги тизимида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, кейинги пайтда турли байрамлар муносабати билан кемтик қалбларга меҳр, саховат улашиш анъанага айланиб бораётир. Бу борада вилоят мудофаа ишлари бошқармасида олиб борилаётган ишлар ҳақида алоҳида тўхталса арзийди.

– Ватан, халқ манфаати йўлида ўз хизмат бурчини адо этаётиб, вафот этган ҳарбий хизматчиларнинг оиласига мунтазам равишда ёрдам кўрсатиб турамиз, – дейди офицер Эркин Талбабаев. – Бундай хайрли ишларни амалга оширишимизда давлат ва жамоат ташкилотлари биз билан яқин ҳамкорлик қилади.

Ҳар бир ўғлон эгнига ҳарбий либос кияркан, Ватани, халқи, Президенти олдида Ҳарбий қасамёд қабул қилиб, юртини мардонавор ҳимоя қилиш учун онт ичади. Ҳар қандай қалтис вазиятда ҳам улар Ватан манфаатини ҳар нарсадан устун қўйиб, масъулиятли бурчни шараф билан уддалашади. Албатта, бундай юксак матонат намунасини фақатгина Ватанини чин дилдан севган, уни ардоқлаган ўғлонларгина кўрсата олишади. Мана шундай мард, ҳалол ўғлонлар сирасига офицерлар – Шавкат Мирзаев, Наиль Шафигулин ҳамда Тоҳиржон Юсуповларнинг номларини киритишимиз мумкин. Тўғри, юқорида номлари зикр этилган мард офицерлар бугун орамизда йўқ. Лекин уларнинг ёркин хотираси кўҳна замин халқи ёдида мангу яшаб келмоқда. Бухоро заминининг турли ҳудудларида туғилиб ўсган ушбу оташқалб ўғлонларнинг оиласига бугун вилоят мудофаа ишлари бошқармаси томонидан доимий равишда моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Бундан ташқари, байрам кунларида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Маҳалла», «Нуроний» жамғармаларининг вакиллари ҳам ушбу оилалар ҳолидан хабар олиб туришади.

ЁШЛАРИ ҲАРБИЙЛИКНИ ШАРАФ БИЛИШАР

Бугун Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар сабаб, миллий армиямизнинг нуфузи тобора ортиб бормоқда. Қалби шижоатга тўла ёшларнинг аксарияти ҳарбийликка ҳавас қилиб, шарафли касбга ўз тақдирларини боғлашаяпти. Буни биргина бухоролик ёшлар миқёсида оладиган бўлсак, кейинги пайтда вилоятда ҳарбий бўлишни истаётганларнинг кўпайиб бораётганлиги ҳам буни исботлаб турибди. Жорий йилда Бухоро вилоятидаги умумтаълим муассасаларини аъло баҳоларга якунлаган кўпчилик ёшлар олий ҳарбий билим юртларига ҳужжат топширишган бўлиб, улардан аксарияти курсант бўлди.

– Олий ҳарбий билим юртларига ўқишга кириш бўйича натижалар янада яхшиланиши кўзда тутилмоқда, – дейди биз билан суҳбатда мудофаа ишлари бошқармаси чақирилувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлаш бўлими мутахассиси Қуролли Кучлар хизматчиси Гулчеҳра Хидирова. – Вилоят ёшлари орасидан муддатли ҳарбий хизматни ўташ чоғида олий ҳарбий билим юртларига ҳужжат топшириб, курсант бўлаётганлари кишини қувонтиради.

Бухоролик ёшларнинг ҳарбий касбга қизиқишида мудофаа ишлари бўлимлари томонидан тарғибот ва ташвиқот ишларининг яхши йўлга қўйилгани ҳам аҳамиятли бўлаётир. Мисол учун мактаб, лицей ҳамда коллеж ўқувчилари тез-тез ҳарбий қисмларга саёҳат уюштиришади ёки бўлмаса, турли спорт мусобақаси ўтказилиб турилишини алоҳида таъкидласа бўлади. Бундан ташқари ҳарбий хизмати жараёнида юқори натижаларга эришган бухоролик офицерлар мактабларга таклиф қилиниб, ёшлар билан давра суҳбатлари уюштирилади. Бундай саъй-ҳаракатлар эса ўз ўрнида кўнглида ҳарбийликка қизиқиши бор ёшларнинг истакларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Мана шундай ёшлардан бири қоракўллик Нурали Арслоновдир.

– Мен ёшлигимдан ҳарбий бўлишга қизиқардим, – дейди Нурали. – Туман мудофаа ишлари бўлими ташаббуси билан ҳарбий қисмларга уюштирилган саёҳатларда иштирок этиб, армия ҳаёти ҳақида янада кўпроқ маълумотга эга бўлдим. Юртимиз осойишталиги йўлида хизмат қилаётган аскарлар, сержантлар, офицерлар билан суҳбатлашиш жараёнида бу касб мени оҳанрабодек ўзига жалб қилди. Шундан сўнг ҳарбийликка бўлган қизиқишим янада ортди ва офицер бўлиш мақсадида Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ҳужжат топширдим. Омадим бор экан, имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, курсант бўлдим.

– Ҳарбийлик Ватанини севиб ардоқлаган ҳақиқий фидойилар касби, – дейди яна бир суҳбатдошим когонлик Фарруҳ Ҳамдамов. – Юрти учун ҳарбий хизматга шай, шижоатли посбонларни кўрсам, уларга ҳавас қилардим. Шу боис Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртига ҳужжат топширишга аҳд қилдим. Ўз ўрнида ота-онам ҳам «Омадингни берсин!» дея мени қўллаб-қувватлашди. Айни пайтда курсант деган номга сазовор бўлганимдан ниҳоятда мамнунман.

Маълумот ўрнида шуни таъкидлаш керакки, вилоят ёшлари орасида Қоракўл, Олот туманлари ва Бухоро шаҳри ўғлонлари ҳарбий касбни танлашда етакчилик қилишмоқда.

Ҳа, бугун мамлакатимиз ёшлари обрўли касб сифатида ҳарбийликни ихтиёр этишаётганини кузатиб, хурсанд бўласан, киши. Ахир, юрт тақдири учун бефарқ бўлмаган қалби уйғоқ ушбу ўғлонлар ўзларидаги матонатни хизмати давомида ҳам намоён этишади-да.

Комилжон ҲАСАНОВ.

НАШИ УСПЕХИ – ШЕСТНАДЦАТОЙ ГОДОВЩИНЕ НЕЗАВИСИМОСТИ!

Твои герои, Узбекистан!

ОДИН ДЕНЬ НАЧАЛЬНИКА УЧАСТКА

Рабочий день у начальника строительно-монтажного участка подполковника Александра Кима начинается рано. Сперва проводится планерка, где распределяются автомобильная техника и механизмы по участку. От того, насколько правильно и целесообразно удастся оценить и загрузить имеющиеся ресурсы, в конечном итоге зависит итог рабочего дня.

В восемь ноль-ноль уже на объекте. Таких объектов может быть два-три и больше, а расстояние между ними может достигать десятка километров. И каждый раз очень важно оказаться в самом напряженном месте, где именно сегодня требуется оперативно принимать важные решения.

В одном случае достаточно проинструктировать офицерский состав и бригадиров, в другом – необходимо лично побеседовать с теми, кто будет трудиться на самом ответственном месте. Соблюдению мер безопасности – особое внимание: они доводятся под роспись, обязательно оформляются наряды допуска на работу на особо опасных объектах.

Александр Геннадьевич – опытный специалист военного строительного дела. В 1993 году, по окончании высшего военного училища, он вернулся в родной Узбекистан с твердой убежденностью, что его знания и труд будут востребованы в молодом независимом государстве. И не ошибся, работы здесь действительно было невпроворот. Начинал в Термезском гарнизоне с заместителя командира подразделения.

Когда был назначен в столичный гарнизон, то, как говорится, только числилось, что служил в Ташкенте. Непрерывные командировки на объекты от Андижана и до Нукуса – офицеру военно-строительного подразделения к этому не привыкать.

– Иногда со стороны кажется, что офицеры строительных подразделений ведут почти гражданскую жизнь, – делится своими мыслями подполковник А. Ким. – Мол стройка всегда стройка, здесь нет места жесткой воинской дисциплине и порядку. На самом деле нет более сознательных и дисциплинированных военнослужащих, чем военные строители. Ведь им приходится выполнять тяжелую и ответственную работу небольшими коллективами, порой за сотни километров от расположения подразделения. Все это способствует формированию у всех категорий личного состава высокого чувства ответственности и коллективизма. Молодой офицер или сержант должен уметь в сложных бытовых и климатических условиях быть на высоте положения, поддерживать дисциплину и уставной порядок, уметь личным примером увлечь подчиненных на качественный труд. Совместная работа сплачивает коллективы, возможность получить специальность, которая пригодится и после службы, заставляет тянуться к знаниям и старательно отрабатывать навыки даже самых беспечных молодых людей. А общий вид объекта или здания, возводимого твоими руками, вдохновляет всех.

Работа на стройке закипела. А у начальника строительно-монтажного участка свои заботы. Необходимо ежедневно вести проектно-сметные документы, подавать заявки на следующий день, составлять планы работ и многое-многое другое.

Конечно, при сокращении срока службы до одного года уменьшилось и время на обучение недавних призывников военно-строительным специальностям. В строительных подразделениях эту проблему решают на месте – путем обучения в ходе выполнения поставленной задачи, так сказать, без отрыва от производства. Метод очень эффективный, особенно учитывая то, что учебу ведут досконально знающие строительное дело офицеры и опытные сержанты. Зато с какой гордостью увольняются домой военные строители: в новой повседневной форме, да и с солидной суммой заработанных денег. А еще – владея несколькими такими дефицитными для народного хозяйства строительными специальностями и с вдохновляющим чувством честно выполненного долга перед Родиной.

– Я знаю, как самоотверженно умеют действовать наши военные строители. Особенно в поистине экстремальных ситуациях. Например, при ликвидации последствий стихийных бедствий, – продолжает рассказ подполковник Ким. – И должен сказать, что первыми прибыв к поселку, снесенному селем, они проявляли огромную ответственность и трудолюбие, разгребали завалы круглые сутки, выручая людей. Народ им был очень благодарен.

Представители строительных специальностей с древних времен очень уважаемы в нашем народе. Тех, кто возводит прекрасные здания, сложные путепроводы, новые предприятия и городские кварталы, никогда не обходят поощрениями и наградами. Не остался без внимания и добросовестный труд военного строителя подполковника А.Кима. Указом Президента Республики Узбекистан за большие заслуги, проявленные мужество, отвагу и самоотверженность при выполнении служебного долга по защите национальных интересов, обеспечению мира, стабильности и общественного порядка, начальник строительно-монтажного участка подполковник Александр Ким награжден орденом «Дустлик».

...Заканчивается рабочий день. А завтра будет новый день и новые задачи, которые надо выполнить добросовестно, в срок и с высоким качеством.

Владимир КАЛОШИН.

ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ

Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар замирида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш масаласи ҳам мавжуд. Уларнинг соғлигини асраб-авайлаш, турмуш даражасини янада яхшилаш, дам олиш ва маданий ҳордиқ чиқариш ишларини тўғри ташкил этиш, фарзандларининг таълим-тарбиясини юксак савияга кўтариш сингари вазифалар шулар жумласидандир. Бу борада Мудофаа вазирлиги раҳбарияти қатор самарали ишларни амалга оширмоқда.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округида янги госпиталнинг очилиши фикримизнинг ёрқин далилидир. Яқинда ҳарбий шаҳарчага яқин ҳудудда жойлашган уч қаватли бино қисқа муддатда замонавий андозаларга мос равишда қайта таъмирдан чиқарилиб, фойдаланиш учун топширилди. Госпиталнинг кундалик фаолиятига доир керакли қулайликлар яратилди. Айниқса, пардозлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилгани боис беморларни қабул қилиш хоналарию мураккаб операцияларни ўтказиш хоналарининг ёруғ ва шинамлигидан ҳар қандай диди нозик кишининг ҳам баҳри-дили яйраши шубҳасиз.

– Янги госпиталнинг фойдаланишга топширилиши округ шахсий таркиби учун ўзига хос унутилмас воқеа бўлди, – дейди Шимоли-ғарбий ҳарбий округ тиббиёт хизмати бошлиғи, тиббий хизмат подполковниги Ибодулла Ҳасанов. – Қабул-ташхис, терапия, юқумли касалликлар ва жарроҳлик бўлимларидан иборат ушбу даволаш масканининг замонавий тиббий анжом ва қурилмалар ҳамда мебеллар билан таъминланиши бизни беҳад қувонтирди. Эндиликда госпиталимизда ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларига кеча-ю кундуз, малакали тиббий ёрдам кўрсатиш мумкин.

Госпитал очилиши олдидан барча тиббий ходимлар қайта малака ошириш ўқув курсларини муваффақиятли битириб қайтдилар. Хусусан, тез тиббий ёрдам кўрсатиш, касалликка аниқ ташхис қўйиш, даволаш жараёнларини талаб даражасида ўтказиш, даволанган мижозлар устидан маълум бир муддат мобайнида қатъий назоратни амалга ошириш, касалликларни келтириб чиқариши мумкин бўлган омилларга қарши тўғри профилактика тадбирларини олиб бориш борасида тегишли сабоқларни олдилар.

Бугунги кунда госпиталда юксак малакага эга аёллар ва болалар шифокорлари ҳам муваффақиятли меҳнат қилмоқдалар. Шифокорлар оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўналишига оид қатор дастурларга биноан ҳам жойлардаги мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликдаги ишларни бошлаб юбордилар. Жумладан, ҳарбий шаҳарчадаги етти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган қизларнинг саломатлигини текширувдан ўтказиш, лозим топилган ҳолатларда беминнат тиббий муолажа кўрсатиш бўйича бажараётган ишлар таҳсинга лойиқ.

– Ҳозирда жонлантириш бўлими шифокори тиббий хизмат лейтенанти Зафар Ибрагимов, тиш шифокори Қуролли Кучлар хизматчиси Азим Қодирбаев, рентген бўйича лаборант Қуролли Кучлар хизматчиси Юсуфбой Сабиров, катта ҳамширалар Қуролли Кучлар хизматчилари – Зауреш Изенова, Мийугул Ембергенова, Муяссар Тлеубаева каби оқ халатли фидойиларнинг номларини фахр билан тилга олсак арзийди, – дейди тиббий хизмат подполковниги Ибодулла Ҳасанов. – Ҳарбий бўлинмалар ва муассасаларда касалликларга қарши профилактика тадбирларини тарбиячи офицерларнинг кўмагида ташкил қилиниши яхши самара бермоқда. Буни кейинги ойларда госпиталга мурожаат қилаётганлар сони камайганлигидан ҳам билиш мумкин.

Дарҳақиқат, 15 ёшли армиямизни қайта ислоҳ қилиш жараёни кўнгилдагидек амалга оширилмоқда. Юритилаётган ислоҳотларнинг ҳамма жабҳаларида энг аввало инсон омилининг биринчи ўринга олиб чиқилиши эса мамлакатимизда Президентимиз – Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсатнинг нақадар халқчил эканлигини яна бир бор исботлаб турибди.

Майор Ш. ҲОШИМОВ.
Муаллиф олган суратлар.



БУНЁДКОР ПОСБОНЛАР

Офицер Али Пиров хизмат қилаётган қурувчилар қисми жамоаси айни пайтда олий ҳарбий билим юртида замонавий курсантлар ётоқхонасини қурмоқдалар.

– Мен, – дейди ҳарбий қурувчи оддий аскар Акмал Мустафоев, – Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётганимга тўрт ойдан ошди. Бу вақт мобайнида қурилиш соҳасида бир неча мутахассисликлар бўйича малакага эга бўлдим. Айниқса, менга сувоқчилик, ғишт терувчилик ва дурадгорлик касби ёқади.

– Мустақил юртнинг асл ўғлони бўлиш қанчалик масъулият юклашини ҳарбий хизматда чуқур англадим, – дейди ҳарбий қурувчи оддий аскар Толиб Воҳидов. – Ҳар қандай соҳанинг ҳам ўзига хос жиҳати бўлади. Мен ҳарбийликни ёшлигимдан орзу қилиб танлаганим учун ҳеч қандай қийинчиликдан чўчимайман. Сафдошларим эришаётган муваффақиятларда менинг ҳам камтарона улушим борлигидан ва йигитлик бурчимни муносиб даражада ўтаётганимдан фахрланаман.

Озод ва обод юртнинг посбони бўлиш қанчалик фахр ва ғурур эканлигини яхши англаб етган ҳар бир Ватан ҳимоячиси миллий армиямиз сафларида ўз иродасини, имкониятларини шакллантиради. Келажак ҳаётида ўз ўрнини топишида, ўз касбининг устаси бўлиб вояга етишишида олинган сабоқ ва орттирилган билимлар, албатта, асқотади.

Майор Бобомурод САМАНДАРОВ.

ОТЛИЧАЯСЬ ТВОРЧЕСКИМ ПОДХОДОМ

В военно-строительной части, где служит офицер А.Пиров, накануне 16-й годовщины независимости творчески подходят к выполнению поставленных задач, уделяя особое внимание вопросам воинской и трудовой дисциплины, качеству выполняемых работ. Здесь военнослужащие по контракту из числа офицерского и сержантского состава, хорошо знающие и любящие свою профессию, честно и добросовестно выполняющие свой долг перед Родиной.

В числе лучших – командир военно-строительного подразделения майор Абдумалик Турсунов. Требовательный и знающий офицер, он в течение ряда последних лет неизменно выводит свой воинский коллектив в число передовых. Имея гражданскую специальность строителя, он после добровольного призыва в армию независимого Узбекистана прошел все ступени командирского становления в строительных подразделениях.

– Самое большое значение для развития моих командирских качеств имел начальный период службы в офицерской должности, – рассказывает Абдумалик Йигиталиевич. – На первых порах, правда, были и неудачи, и даже разочарования. Но старшие командиры и офицеры-воспитатели помогли мне обрести уверенность, развить волю, чувство ответственности.

Сегодня, помня свой опыт, майор А. Турсунов сам много внимания уделяет в подразделении прежде всего вопросам боевой и общественно-политической подготовки, наведению уставного порядка и индивидуальной воспитательной работе. Забота о подчиненных и в то же время уставная требовательность служат для него действенным средством раскрытия и развития тех положительных качеств, которые, по его мнению, имеются у каждого военнослужащего. Труд майора А. Турсунова является примером неразрывной слитности идейной убежденности, высокой сознательности с практической деятельностью. Обладая солидными общественно-политическими и профессиональными знаниями, опытом работы с личным составом, он постоянно применяет их на практике – в процессе обучения и воспитания воинов.

Свою работу командир строит в тесном содружестве со своим заместителем по воспитательной работе старшим лейтенантом Джахонгиром Мухамедовым. Это позволяет поддерживать в подразделении крепкую сознательную воинскую дисциплину, формировать у военных строителей высокие моральные качества, необходимые при выполнении стоящих перед ними задач.

И действительно, военные строители этого подразделения выполняют сложные и ответственные задачи, связанные с обустройством курсантов Ташкентского ВОКУ. За последние несколько лет они проделали большой объем работ: сдали в эксплуатацию спорткомплекс, занимались реконструкцией курсантского общежития, здания штаба и офицерской столовой. На очереди сдача нового пятиэтажного здания, которое позволит создать для обучающихся в училище курсантов самые современные условия проживания.

Офицеры части много работают с младшими командирами, становым хребтом наших Вооруженных Сил. Лично проводят с ними инструкторско-методические и командирские занятия. Вместе с ними обсуждают интересующие их вопросы, влияющие на рост производительности труда, повышения эффективности и качества работы. Они помогают сержантам и рядовым по контракту повышать свое мастерство, овладевать искусством обучения и воспитания подчиненных. И надо сказать, что младшие командиры здесь хорошо подготовлены, работают творчески. А это значит, что и подчиненные показывают высокие результаты. Под руководством умелого, волевого сержанта или рядового по контракту они способны выполнить любую задачу.

Младший сержант Дониер Хусанов, к примеру, срочную службу проходил в воздушно-десантном подразделении. Бывший десантник сегодня и плотник и маляр. Он в совершенстве освоил все строительные специальности, что позволяет ему лично обучать подчиненных, быть умелым наставником. Младший сержант Хикматулла Бозоров окончил школу подготовки сержантов, и это заметно выделяет его среди других младших командиров. Подтянутый, требовательный, неизменно руководствующийся в своей работе требованиями уставов, он сегодня подает добрый пример для подчиненных и сослуживцев.

– С первых дней службы у меня и моих товарищей, – рассказывает рядовой Ильхом Арипов, призванный из Самарканда, – самые хорошие впечатления о нашем подразделении. Наши офицеры и сержанты требовательны, но в то же время чутки и отзывчивы. Под их руководством мы за короткое время овладеваем самыми современными строительными специальностями. Многие из увольняемых в резерв воинов срочной службы получают Рекомендации для поступления в высшие образовательные учреждения. Думаю, что и через годы мы будем вспоминать о службе в нашем строительном подразделении с сердечной теплотой.

Владимир НИКОЛАЕВ.
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари

АДОЛАТ – ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА

Назаримизда, вақт жуда тез ўтаётгандек. Мана, ҳадемай мустақиллигимизни қўлга киритганимизга ҳам ўн олти йил тўлади. Бу муддат тарих учун унчалик кўп эмас. Аммо ана шу қисқа давр ичида мамлакатимизда буюк ишлар амалга оширилди. Биз мамлакатимизда демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан дадил олға боряпмиз. Тан олиш керак, йўлимизда қийинчиликлар, машаққатларга дуч келяпмиз. Муҳими, уларни мардонавор енгиб ўтяпмиз. Бугун истиқлолимизни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш борасида Юртбошимиз раҳбарлигида Ўзбекистон халқи танлаган йўл тўғрилигини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

Мамлакатимизда барча соҳаларда ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ислоҳотлар ислоҳотлар учун эмас, аввало инсон манфаатлари йўлида эканлиги эътирофга сазовор. Бундан кўзланган мақсад аниқ: фуқароларнинг эркин ва фаровон ҳаётини таъминлаш, мустақиллик туфайли юзага келаётган шарт-шароит, қулайликлардан баҳраманд бўлишдир.

Биргина суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларга назар ташлайлик. Жаҳон андозаларига жавоб берадиган қонунлар яратилиб, бунда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга асосий эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2005 йил 1 августда «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида» Фармон чиқарди. Мазкур ҳужжатни инсонпарварликнинг олий намунаси, деб таъкидлаш жоиз. Орадан кўп вақт ўтмай, Фармондаги қоидаларни амалга ошириш учун зарур бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш борасидаги ишларни жадаллаштиришга қаратилган Фармойиш ҳам эълон қилинди. Бу ҳур диёримизда демократиянинг, инсонпарварликнинг амалдаги кўриниши, яна бир исботидир. Бу бизда инсонпарварлик, адолат тушунчаси юксак қадрият эканлигининг далилидир.

Озодликдан маҳрум этиш моддаси билан судланганлар Ўзбекистонда ҳар 100 000 кишига 150 тани ташкил этмоқда. Ушбу факт бошқа мамлакатлар билан солиштирилганда, анча паст эканлигини кўрсатиб турибди. Бу мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг инсонпарварликка йўғрилган хусусиятидан. Таъкидлаш жоиз, жиноятнинг камайиши фуқароларимизнинг сиёсий онги ва ҳуқуқий маданияти юксалиб бораётганлиги туфайлидир.

Хулоса қилиб айтганда, суд-ҳуқуқ соҳасида муваффақиятли амалга оширилаётган ислоҳотлар, эзгу ишлар замирида инсон ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати олий қадрият сифатида улуғланаётганлиги ётибди. Адолат қонун устуворлигидадир.

Адлия капитани Ҳасан ЭГАМБЕРДИЕВ.

ОИЛА – ҲАЁТ ГУЛТОЖИ



Қарор ва ижро

МЕҲР НУРИ МУЖАССАМ

Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 18 майда имзолаган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосан катта ҳаётга эндигина қадам қўяётган ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларини янада кучайтириш, илк меҳнат фаолиятини бошлашида уларга зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмлари ва амалий рағбатлантириш омилларини яратиш ҳамда уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилашга қаратилган. Мамлакатимизда ушбу Фармон бандларида кўрсатилган талабларни амалда бажариш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, ёш оилаларда камолга етаётган ўғил-қизларнинг ўсиб-улғайиши масалаларига тегишли эътибор кучайтирилди. Бунда мактабгача тарбия муассасаларининг шарт-шароитларини янада яхшилаш, таълим-тарбия жараёнларини замонавий андозаларга мос равишда ташкил этиш, билим беришнинг янги усул ва услубларини жорий этишга алоҳида урғу берилди.

Қарор ижросини тўлақонли таъминлаш бўйича Мудофаа вазирлиги раҳбарияти ҳам қатор режалар бўйича фаолият юритмоқда. Бу борада қилинаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида «Қуёшча» номли болалар боғчасига ташриф буюрганимизда ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари ямяшил табиат қўйнида барпо этилган ўйин майдончаларида завқу шавқ ила ўйнашмоқда эди. Бир зум ушбу манзарани четдан кузатишга қарор қилдик. Болажонларнинг чеҳраларида хурсандчилик намоён, беихтиёр ўйнаб-кулиб, яйрашмоқда. Кимдир қувламачоқ ўйнаган, кимлардир ҳовузда чўмилишмоқда, баъзилар эса тарбиячи опаларининг кузатувида табиатнинг мўжизаси – ранг-баранг гулларнинг ифорига маҳлиё. Соябон остида ўтирган бир гуруҳ жажжи ўғил-қизлар бахтиёр болалик, она Ватан, муқаддас юрт ва мустақилликни тараннум этувчи қўшиқларни жўр бўлиб хиргойи қилишмоқда. Борлиқни истиқлол берган олий неъмат – эзгулик қамраб олган, гўё.

– Боғчамизда Шимоли-ғарбий ҳарбий округ ҳарбий хизматчиларининг фарзандлари тарбияланади, – дейди бизни қарши олган боғча мудираси Қуролли Кучлар хизматчиси Райҳон Холбоева. – Келажагимиз эгалари бўлмиш болажонларимизнинг муносиб таълим-тарбияси учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ҳозирда биз Мустақиллигимизнинг 16 йиллик шодиёналарини кутиб олишга пухта тараддуд кўраяпмиз. Малакали услубчимиз Қуролли Кучлар хизматчиси Роза Амонова раҳбарлигида тарбиячи ҳодималаримиз турли байрам тадбирлари ва танловларда қатнашиш учун курашга астойдил бел боғлашган. Зеро, айнан 1 сентябрь каби миллий байрамларимиз асносида ёш авлодни тарбиялаш ижобий самара беришини яхши биламиз.

Қуролли Кучлар хизматчилари – Мирзагул Мусаева, Валентина Кучкарова, Палзира Жуманиязова каби жонкуяр тарбиячиларнинг фидокорона меҳнати туфайли кун сайин камолга етаётган болажонларнинг ота-оналари ҳам бағоят мамнундирлар. Дарвоқе, борлиқда меҳр нури мужассам ушбу тарбия масканига ўз фарзандларини ишониб топширган ҳарбий хизматчилар – ёш оила аъзоларининг миннатдорлик сўзларидан, самимий дил изҳорларидан буни англаш қийин эмас. Ахир таълим-тарбия жараёнига интерфаол дастурларнинг жорий этилиши жажжи болажонларнинг мустақил фикрлаш доираларини кенгайтирибгина қолмай, балки уларнинг нутқини ривожлантириш, муомала маданиятини шакллантириш имконини бермоқда. «Учинчи минг йиллик боласи» дастури асосида ҳам режага оид ишлар амалга оширилаётгани қувонарлидир.

– «Қуёшча» болалар боғчасида ёш оила вакиллари билан бевосита суҳбатлар ўтказиш, уларнинг болалар тарбиясига доир муаммоларини сўзсиз ҳал қилиш ва ҳар томонлама кўмаклашиш масаласи яхши йўлга қўйилган, – дейди мактабгача таълим муассасалари билан ишлаш бўлими бошлиғи Қуролли Кучлар хизматчиси Моҳида Атабаева. – Бунда республикамизда ўтказилган қатор танловлар совриндори, юксак маҳоратга эга услубчи Қуролли Кучлар хизматчиси Роза Амонованинг педагоглик тажрибаси қўл келмоқда. У руҳиятшунослик бобида етук билим соҳиби эканлиги боис, ёш оилаларнинг нафақат фарзанд тарбиясидаги, балки айрим ички муаммоларини ҳам кўнгилдагидек ҳал этишда камарбаста бўлмоқда.

Юртимизда ҳукуматимиз томонидан ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга бўлган эътибор бу даражада юксак бўлар экан, келажагимиз ҳам буюк бўлишига ишончимиз комил.

Майор Шуҳрат МУҲАММАДЖОНОВ.

Инсонийлик мезонлари

РИЗҚИМИЗНИ ҲАЛОЛИДАН ТОПАЙЛИК

Уйимизга анчадан бери кўрмаганим – холам меҳмон бўлиб келди. Иссиқ бағирларидан онамнинг тафтини туйдим. Ўтириб, дуо ўқиб бўлганларидан кейин қўлларида авайлаб олиб келганлари, бир литрлик банкадаги қаймоқни дастурхонга қўйдилар.

– Уйингга бурилишда бир ёш аёл қатиқ, сут сотиб юрган экан. Иссиқ патир билан ейсиз холажон, ёшингиз улуғ экан, мана шу бир банкагина қаймоғим қолган эди. Сизга арзон қилиб бераман, олинг деб қолди. Олиб келавердим, – дедилар.

Қизим пиёлачалар келтирди. Холам қаймоқни қошиқ билан ўзлари қуя бошладилар. Биринчи пиёла ярим бўлмасидан қошиқни ушлаганларича ҳанг-манг бўлиб қолдилар. Қаймоқнинг қолган қисми ачиниқираб қолган қатиқ эканлиги маълум бўлди.

– Вой аҳмоқгина аёл-а, – дедилар холам ачинганнамо. – Менинг-ку, уч минг сўм пулим кетди, ўрни тўлиб кетар. Лекин алдов йўли билан топган пули ўзига буюрармикан? Буюрганида ҳам яхшилик келтирмаслиги аниқлигини наҳотки билмаса?

– Ризқни ҳалол йўл билан топиш кераклиги ҳақида радио, телевизорда гапириляпти. Газеталарда ёзишяпти. Бундайлар тарки одат амри маҳол, деганларидай ўрганиб қолишган-да, – дедим холамдаги хижолатликни тарқатиш мақсадида. Шу тариқа холам бир ажойиб ривоятни айтиб бердилар.

Қадимда бир солиҳ савдогарнинг етти ўғли бўлган экан. Ўғилларининг олти нафари ақли расо, диёнатли бўлиб вояга етишибди. Лекин энг кичиги нимагадир мудом одамларга зиён етказиш пайида юрар экан. Қўшнилар шикоят қилишдан тўхтамас эканлар. Бири "Ўғлингиз мушукчамни оёқ-қўлини боғлаб, сувга отиб юборди" деса, иккинчиси "Пишган шафтолиларимни девор ошиб, ер билан битта қилиб тўкиб ташлабди, дея йиғлагудай бўлар экан.

Бир куни савдогар ўғлининг нега бу даражада аҳмоқ бўлиб ўсаётгани ҳақида қайғуриб ўтирган экан, кўча эшик тақиллабди. Бориб қараса, маҳалланинг мешкобчиси экан. Елкасига ортилган мешни кўрсатиб:

– Биродар, ўзингиз илмли, эл орасида ҳурматли одамсиз. Сиздан андиша қилиб айтмаётган эдим. Шу кичик ўғлингиз неча марталаб орқамдан келиб, бигиз билан мешимни тешиб қочяпти. Ҳам меҳнатим, ҳам тоза ичимлик сув исроф бўляпти, болаларимнинг ризқи қисқаряпти, дебди.

Солиҳ киши уйига кириб, битта меш сотиб олишга етадиган пул олиб чиқиб берибди ва мешкобчидан узр сўрабди. Уйига кирибди-ю, бошини чангаллаганича ўтириб қолибди. Эрининг аҳволини кўрган аёл оҳиста унинг ёнига келиб ўтирибди ва дебди:

– Ҳаммасига мен айбдорман. Сиздан узр сўрайман.

– Узр сўрашингга ҳожат йўқ, – дебди солиҳ киши. – Сенинг нима айбинг бор? Ҳамма ўғилларимни бир кўкракдан эмиздинг, бир хил тарбия беряпсан. Лекин ўзимнинг ҳам хатоимни топа олмаяпман. Савдода ҳалолликни унутмадим, тарозидан урмадим, молимнинг айбини яширмадим, ҳеч кимни алдамадим. Нима сабабдан бундай жазога гирифтор бўлдим, ҳайронман.

– Ҳаммасига мен айбдорман, – яна такрорлабди хотин. – Эсингиздами, шаҳар ҳокиминикига меҳмонга борганимиз. Ўшанда шу кичик ўғлингизга оғироёқ эдим. Йўлакда косадай бўлиб пишган анорларга кўнглим кетиб, эгасидан сўрашга уялганман ва чидай олмай тўғноғичимни тиқиб ялаб, нафсимни қондирган эдим. Мешкобчининг мешини ҳар гал тешаётган бигиз менинг ўшандаги тўғноғичимдир...

Дарҳақиқат, бу кўҳна дунёда ҳар бир босган қадамимиз беиз кетмас экан. Яхшилигимиз ўз мукофотини, ёмонлигимиз эса ўз жазосини олар экан. Буни тарозидан уриб қолувчи сотувчилар, лаҳм гўшт орасига калла суягини ўраб сотувчи қассоблар, матосининг сифатсиз жойини бекитиб сотаётган дўкондорлар ва... пул топиш, тиришқичилик ўтказиш, шундай ҳам ошиб-тошиб ётган бойлигини янаям кўпайтириш йўлида инсоф деган буюк неъматдан узоқлашиб бораётганларнинг барча-барчаси яхши билсалар, айни муддао бўлар эди.

Зеро, бугунги дориломон кунларнинг қадрига етмоқ, инсонларга меҳр-мурувват, саховат кўрсатиш ҳукумат эътибори даражасига етган ҳозирги замонга мос қадам ташламоқ ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Муборак МИРКАМОЛОВА.

16

СТАТИСТИКА

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК



Президентимизнинг яқинда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда ижтимоий ҳимоянинг ўзига хос тизими шаклланганини, оилаларга давлатимиз доимий ғамхўрлигини, ислоҳотлар инсон омили учун эканлигини, келажагимиз эгалари бўлган ёшларга эътибор юксаклигини яна бир бор кўрсатди.

Яхши биламизки, Фармонда кўзда тутилган устувор вазифалар – янги иш ўринларини очиш, ёшларнинг кичик ва ўрта бизнес, умуман, тадбиркорлик билан шуғулланишларига қулай имкониятлар яратиш, ёш оилаларга микрокредитлар ажратиш, касаначиликни ривожлантириш каби йўналишларга қаратилган. Аввало бу боқимандалик кайфиятини йўқотади. Ёшларни меҳнат қилишга ўргатади. Уларда бунёдкорлик, яратувчанлик руҳини шакллантиради. Табиийки, бу айрим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳам бартараф этади. Энг муҳими, ёшларнинг куч-ғайрати, шижоати иқтисодиётимиз, тараққиётимиз ривожига йўналтирилади. Келинг, рақамларга мурожаат қилиб, жорий йилнинг ортда қолган олти ойлик даври мисолида оилаларга эътибор ва ғамхўрликни, яратилаётган кенг имкониятлардан айримларини кўздан кечирайлик.

2007 йилнинг биринчи ярми мисолида

Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш мақсадида	Бандликка кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан	Эҳтиёжманд оилаларга бериладиган нафақа ва моддий ёрдам	Қорамол сотиб олиш учун ажратилган микрокредитлар	Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида
Тижорат банклари томонидан 20,4 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди	7,4 мингта кам таъминланган оилага 5,7 миллиард сўмлик микрокредит ажратилди	Йилнинг биринчи ярмида ўртача миқдори 33 фоизга кўпайди	25,1 мингта оилага 18,4 миллиард сўм микрокредит ажратилди	28,5 мингта кам таъминланган ва кўп болали оилага бепул қорамол берилди

ТАБИАТНИНГ БЕТАКРОР ГЎШАСИ

Она заминимизни наботот ва ҳайвонот оламисиз тасаввур этиш қийин. Гулзорлардаги капалаклардан тортиб, чўллардаги оҳуларга қадар, денгизу океанлардаги сув махлуқотларидан тортиб, тоғу ўрмонлардаги ҳайвонларга қадар барчабарчаси табиатнинг бир бутунлигини ташкил этади. Ва, албатта, бу уммонда ҳар бирининг ўз ўрни бор.



Шуни ҳам унутмаслик керакки, мана шу табиат оламида бутунлай йўқ бўлиб кетган ёки йўқ бўлиш арафасида турган юзлаб тур жонзодлар мавжудки, улар кези келганда инсон меҳру шафқатига муҳтож. Зеро, бу жонзодлар оламини таназзулга юз тутишдан сақламоқ заминимиздаги ҳаёт мувозанатини асрамоқ демакдир. Бу борада ўзига хос дам олиш масканларидан бўлган ҳайвонот боғларини табиат жонзодларининг ноёб турларини асрагувчи, кўпайтирувчи, илмий томондан ўрганувчи муассаса, десак арзийди.

Дастлаб 1924 йилда олимлар ташаббуси билан кичик ҳажмда барпо этилган ҳайвонот боғи 1940 йиллар охирига келиб 200 турдан ортиқ жонзодлар жамланган ҳайвонот боғига айланди. Албатта, мустақиллигимиз бу гўшага ҳам катта янгиланишлар, ўзгаришлар олиб келди. Муҳим ташаббуслар, қарорлар амалга оширилишига замин яратди. 1994 йилда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра барча замонавий талаблар ва андозаларга жавоб берадиган янги ҳайвонот боғи қурилиши бошланди. 1997 йилнинг 1 сентябрида Юртбошимиз иштирокида унинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Мана, Тошкент ҳайвонот боғининг янги масканда фаолият юритаётганига ўн йил бўлаяпти. Ўтган йиллар мобайнида неча минглаб юртдошларимиз, хорижий меҳмонлар маданий ҳордиқ олиб, катта таассурот билан қайтганига шубҳа йўқ. Соя-салқин гўзал оромгоҳга, каттаю кичикнинг севимли масканига айланиб улгурган ушбу гўша ҳақида суҳбатимизни ҳайвонот боғи директорининг муовини биология фанлари номзоди Азиз Ирисметов билан давом эттиришга қарор қилдик.

– Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб давлатимиз томонидан катта аҳамият бериб келинаётган ҳайвонот боғимиз дунё талабларига жавоб берадиган тузилиши, янги услубдаги қурилиши билан МДҲ давлатлари ичида етакчи ўринда туради. Бундай янгиланиш фақат бизда амалга оширилди, десам хато бўлмайди. Унинг ҳудуди 23 гектардан иборат бўлиб, 440 турдан зиёд ҳайвонлар парваришланиб, илмий томондан ўрганиб келинмоқда.

Ҳайвонот боғи жонзодлари нозик ва ноёбдир. Бунга асосий сабаб, дунёнинг турли ҳудудларида, турли хил табиий шароитда яшаган, аксари «Қизил китоб»га киритилган бу жонзодлар ўта эътибор билан ёндашишни талаб этади. Айниқса, уларнинг кўпайиш жараёнида куну тун ўнлаб ходимлар навбатчиликда туришга тўғри келади. Эришган асосий муваффақиятларимиздан бири ҳам тасарруфимиздаги энг ноёб ҳайвонлардан насл олаётганимиздир. Бу йил ер юзида 350 дона қолган йўлбарслар туркумининг энг ноёб тури – амур йўлбарсидан тўртта насл олишга муваффақ бўлдик. Қувонарлиси, йўлбарс болаларини ўз бағрига олди. Чунки тутқинлик ҳолатида ёввойи ҳайвонларда оналик инстинкти йўқолиб кетади ва улар болаларини тан олмайди. Шу кунга қадар бу ҳайвонлар уч маротаба олинган наслига оналик қилмаган эди.

Ҳайвонот боғимиздаги асосий бир йўналишга тўхталиб ўтадиган бўлсам, бу йиртқич қушларга бўлган эътиборимиздир. Илмий ходимларимиз табиатда йўқолиб бораётган оқ бошли сип, қора тасқара, болтаютар, бургут, кондор, калхат, укки ва бошқа турдаги йиртқич қушларнинг кўпайиши билан шуғулланади. Ҳозирда ер юзидаги Сан-Диего, Берлин ва Тошкент ҳайвонот боғларидагина бундай қушлардан табиий ҳолатда доимий равишда насл олинаяпти. Тутқинликда кўпаймайдиган оқ лайлаклардан ҳам икки йил давомида 7 та насл олишга эришдик. Бу биз учун катта ютуқ.

Энг чиройли ва томошабинлар билан доимо гавжум бўлган бўлимларимиздан яна бири 150 тонна сув сиғимига эга бўлган аквариум бўлимидир. Бу ерда денгиз ва океанларда учрайдиган балиқлар, акулалар, турли хил жонзодлар ва ҳатто, денгиз маржонларини учратишингиз мумкин.

Келажакда кўзланган режаларимиздан асосийлари ҳайвонот боғимизга кўпроқ экзотик ҳайвонларни келтириш. Бу борада Жанубий-шарқий Осиё ва Европа давлатлари билан шартномалар имзолаганмиз. Унга кўра каркидон, бегемот, одамсимон маймунлар, ноёб қушлар турлари ҳайвонот боғимиздан жой эгаллайди. Шубҳасизки, бизда ҳам барча соҳалар қатори давом этаётган янгиланиш ва ривожланишлар жараёни ушбу масканни халқимизнинг энг севимли гўшаси бўлиб қолишига замин ярataверади.

Ҳа, юзлаб жонзодлар билан тиллашиб, уларни меҳр ила парваришлаб, табиатнинг сеҳрли, бетакрор оламига бизни ошно қилаётган Тошкент ҳайвонот боғи ходимларининг самарали хизматлари таҳсинга сазовор. Бу ерда оилавий дам олувчилар учун етарли шароит яратилган бўлиб, салқин ичимликлар ва озиқ-овқат тармоқлари хизматингизга шай. Кўнгилочар ўйинғоҳ-аттракционлар болажонлар билан доимо гавжум. Соя-салқин гўшалардаги ўриндиқларда эса ором олиб, ҳаловат топасиз.

Зулфия ЮНУСОВА.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

Bolajonlar, sizlar uchun!

O‘ROQ VA KOMBAYN

(Masal)

Katta Kombayn bepoyon daladagi bug‘doyni hash-pash deguncha o‘rib qo‘ydi. Donini ajratib, poyasini g‘aramladi. Buni O‘roq ko‘rib turgan edi. U quvonganidanmi, alamidanmi, ho‘ngrab yig‘lab yubordi. Uning yig‘isini eshitgan Kombayn O‘roqqa yaqinlashib:

– Ha, O‘roq buva, nima bo‘ldi sizga? – dedi.

– Hech narsa, shunchaki o‘zim, seni ko‘rib, avvalgi vaqtlar esimga tushdi. Mana shu yerdagi bug‘doyni necha kunlar davomida zo‘rg‘a o‘rardim. O‘raverib-o‘raverib qaddim yoydek bukilib ketgan. Sen esa birpasda qanchadan-qancha bug‘doyni o‘rib, saralayapsan. Senga juda havasim kelyapti, Kombaynjon! Texnika zo‘r narsa ekan-a? Bir zumda shuncha ishlarni bajarding. Men bo‘lsam, bu ishlarni necha kunda zo‘rg‘a qilardim, – dedi O‘roq xo‘rsinib.

Qissadan hissa: Ahillik bor joyda qut-baraka bo‘ladi.

13 АВГУСТ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40, 17.15 Олтин мерос.
8.45 «Буратинонинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 2-қисм.
9.50 «Табаррук замин».
10.10 «Уч бека». Телесериал.
10.45 «Самарқанд — 2750».
10.50, 20.05 «ТВ-шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Уч». 4-қисм.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Вобкент».
12.05 «Шарқ тароналари».
12.25 «Бир асар тарихи».
12.50 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
13.45 «Зилол». Фольклор қўшиқлари.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Ноилож сайёдлар».
15.10 «Йўлдаги суҳбатлар».
15.35 Ю. Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.
16.00 «Бу менинг Ватаним!»
16.30 «Меҳр кўзда».
16.45 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.20 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили: «Саломатлик» дастури.
17.40 «Марғилон — 2000».
17.45 «Одамлардан бири».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Минг бир ривоят».
18.20 «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
18.40 «Пойдевор». 5-қисм.
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.15 «Ватан фидойилари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Уч бека».
21.00 «Ахборот».
21.40 Ватан ҳақида қўшиқлар.
22.00 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.10 «Уч». 5-қисм.
«O'zbekiston».
24.00 «Юртим бўйлаб» дастури: «Олтин водий усталари».
00.30 Ватан ҳақида қўшиқлар.
00.50 «Самарқанд — 2750».
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 «Янги кун».
02.30 «Дунё таомлари».
02.50 «Тараннум».
03.35 «Йўлдаги суҳбатлар».
04.00 «Ахборот».
04.35 «Марғилон — 2000».
04.40 «Минг бир ривоят».
04.45 «Бу менинг Ватаним!»
05.15 «Пойдевор». 5-қисм.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи».
8.15 «Сеними, шошмай тур!»
8.25 «Болалар табассуми».
8.30 «Ер сайёраси» маърифий дастури: «Буюк текисликлар».
9.20 «Муҳаббат ва эҳтирос».
9.50 «Иқлим».
10.00 «Давр ҳафта ичида».
10.30 «Пекин — 2008».
10.50 Таътил туҳфаси: «Жониворлар олимпиадаси».
11.40 «Ҳаёт сўқмоқлари».
12.00 «SMS-мусиқа».
12.10 «Ишкомли уй». Телесериал.
12.50 «Камолот» хабарлари.
13.00 «ДАВР».
13.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланади: «Истиқбол тимсоллари».
13.30 «Мўйқалам сеҳри».
14.00 «ЯНГИ КУН».
15.00 «Пуаро». Телесериал.
16.00 «ДАВР».
16.15 «Ватаним!»
16.20 «Journal» (инглиз тилида).
16.40 «Якшанба нонуштаси».
17.00 «Мўъжизавий дунё».
17.50 «Ҳеч нима ҳақида битиклар»
18.00 «Даврнинг боласи».
18.15 «Сеними, шошмай тур!»
18.25 «Ватаним!»
18.30 «Мумтоз наво».
18.40 «UzEX хабарлари» (рус ва инглиз тилларида).
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос».
20.10 «UzEX хабарлари».
20.15 «ТВ-банк».
20.25 «Ёшлик наволари».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.40 Ижтимоий ҳимоя йилига: «Матонат».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа».
22.50 «Пуаро». Телесериал.
23.40 «Таскин».

ТОШКЕНТ

17.55 Мультфильм.
18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.25, 20.15 «ТВ-юрист».
19.30 «Мусиқа-SMS».
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Необузданная Африка». Познавательная программа.
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Анонс».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Уйларим».
22.10 «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 Кино: «Лохматый папа».
00.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Талқин». Информационно-таҳлилий кўрсатув.
8.30 «Малахов+».
9.30 «Детективы».
10.00 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
10.30 «15-А» (Академия тенниса). Сериал.
10.55 «Мониторинг».
11.15 Стрельба из лука. Кубок мира.
11.45 Пляж футболи. Ўзбекистон чемпионати.
18.00 Болалар спорти.
18.20 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Ким нимага қодир?»
19.10 «Жди меня».
20.00 «Чужие тайны». Сериал.
20.50 «Тет-а-тет».
21.00 Футбол шарҳи.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Детективный экран: «Миф об идеальном мужчине». Художественный фильм. 1-я серия.
22.40 «ПрофРИНГ».
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

14 АВГУСТ, СЕШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 1. «Уйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
2. «Қундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
9.35 Халқ чолғу оркестрлари фестивали.
9.50 «Эзгулик».
10.10 «Уч бека». Телесериал.
10.45 «Сизнинг адвокатингиз».
10.50, 20.05 «ТВ-шифокор».
10.55 Дунё иқлими.
11.00 «Ахборот».
11.15 «Уч». 1-қисм.
11.50 «Усимликлар дунёси».
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.10 «Самарқанд — 2750».
12.15 «Шахсий фикр».
12.50 «Муҳаббат гўшаси».
13.45 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Ноилож сайёдлар».
15.10 «Заковат».
16.05, 21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан. «Бу менинг Ватаним!»
16.35 «Марғилон — 2000».
16.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Эски альбом.
17.20 «ИИВ хабарлари».
17.35 «Ҳудудлар ҳаёти».
17.50 «Агар Сиз»
18.10 «Оҳанглар оғушида».
18.20 «Рангин дунё».
18.40 «Пойдевор». 2-қисм.
19.10 «Банк ва бизнес янгиликлари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Уч бека». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
22.10 «Муҳаббат гўшаси».
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.20 «Уч». 2-қисм.
23.55 Тунги наволар.
«O'zbekiston».
00.05 «Ажаналар этади давом».
00.30 «Рангин дунё».
00.50 «Самарқанд — 2750».
00.55 Дунё иқлими.
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 «Алдагани хотин яхши».
03.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
03.10 «KINOMANIYA».
03.40 «Истеъдод».
04.00 «Ахборот».
04.35 «Марғилон — 2000».
04.40 «Минг бир ривоят».
04.45 «Бу менинг Ватаним!»
05.15 «Пойдевор». 2-қисм.
05.45 Тонги наволар.

ЁШЛАР

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан 14 август куни «Yoshlar» телерадиоканали ўз кўрсатувларини соат 15.55 дан бошлайди.
15.55 Дастурнинг очилиши.
16.00 «ДАВР».
16.15 Миллий сериал: «Севги фариштаси».
17.00 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
17.50 «Нафосат олами». Рассом Анвар Мирсоатов ижодидан.
18.00 «Даврнинг боласи».
18.15 «Сеними, шошмай тур!» Мультсериал.
18.25 «Ватаним!»
18.30 «Мумтоз наво».
18.50 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос». Телесериал.
20.10 «JOKER» телелотереяси.
20.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланади: «Ҳаёт сўқмоқлари».
20.40 «Бу байрам — барчамизники!»
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «Пуаро». Телесериал.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.05, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.25 «Пиратские острова».
9.55 «Аёл қалби».
10.10, 11.35, 19.25 «ТВ-юрист».
10.35 «Уйларим».
10.45 «Интервью».
10.55 «Саломат бўлинг».
11.05 «Туризм ҳақида».
11.45 «Лохматый папа».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.30 «Мусиқа-SMS».
19.50 «Ҳимоя».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Необузданная Африка».
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «Моҳир».
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 Кино: «Мистер судьба».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Малахов+».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «15-А» (Академия тенниса).
10.45 Миллий эстрада симфоник оркестрининг концерт дастури.
11.05 Гребля на байдарках и каноэ. Чемпионат мира.
11.50 Пляж футболи. Ўзбекистон чемпионати.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Вокруг света».
19.35 «Спортимиз маликалари».
20.00 «Чужие тайны». Сериал.
20.45 Енгил атлетика. Супер Гран-при турнири.
21.15 «Спорт — менинг ҳаётим».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Детективный экран: «Миф об идеальном мужчине». Художественный фильм. 2-я серия.
22.55 Еврофутбол. Испания суперкубоги. «Севилья» — «Реал».
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

15 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Билимдон мунажжим. Болалар учун спектакль.
9.35 Ғ.Ғошматов номидаги дуторчилар ансамблининг концерти.
9.55 «ИИВ хабарлари».
10.10 «Уч бека». Телесериал.
10.45 «Самарқанд — 2750».
10.50, 20.05 «ТВ-шифокор».
10.55 Дунё иқлими.
11.00 «Ахборот».
11.15 «Уч». 2-қисм.
11.50 «Агар Сиз»
12.10 «Ягона оилада».
12.30 «Дунё манзаралари».
12.50 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
13.45, 17.15 Олтин мерос.
13.55 Дунё иқлими.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Ноилож сайёдлар».
15.10 «Шарқ тароналари».
15.25 «Обод манзиллар».
15.40 «Одамлардан бири».
16.05 «Бу менинг Ватаним!»
16.35 1. «Бизнинг кутубхона».
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.20 «Эркин иқтисодиёт».
17.40 «Марғилон — 2000».
17.45 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Бир асар тарихи».
18.35 «Минг бир ривоят».
18.40 «Пойдевор». 3-қисм.
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.15 «Ватан фидойилари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Уч бека». Сериал.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Бу менинг Ватаним!»
22.10 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.20 «Уч». 3-қисм.
23.55 Тунги наволар.
«O'zbekiston».
00.10 «Дунё манзаралари».
00.30 «Одамлардан бири».
00.50 «Самарқанд — 2750».
00.55 Дунё иқлими.
01.00 «Ахборот» (рус.)
01.30 «Янги кун».
02.30 «Мисли гавҳар».
02.40 «Ватанпарвар».
03.40 Олтин мерос. К. Отаниёзов.
04.00 «Ахборот».
04.35 «Марғилон — 2000».
04.40 «Минг бир ривоят».
04.45 «Бу менинг Ватаним!»
05.15 «Пойдевор». 3-қисм.
05.45 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи».
8.15 «Сеними, шошмай тур!»
8.25 «Болалар табассуми».
8.30 «Ер сайёраси» маърифий дастури: «Чакалакзорлар».
9.20 «Муҳаббат ва эҳтирос».
10.00 «ДАВР».
10.15 «Бизнинг байрам!»
10.20 «Интерфутбол».
11.50 «Чемпион сирлари».
12.10 «Ишкомли уй». Телесериал.
12.50 «ТВ-банк».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Истиқбол тимсоллари».
13.30 «Мўйқалам сеҳри».
14.00 «ЯНГИ КУН».
15.00 «Пуаро». Телесериал.
15.50 «Иқлим».
16.00 «ДАВР».
16.15 Миллий сериал: «Севги фариштаси».
17.00 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
17.50 Ижтимоий ҳимоя йилига: «Мурувват».
18.00 «Даврнинг боласи».
18.15 «Сеними, шошмай тур!» Мультсериал.
18.25 «Ватаним!»
18.30 «Мумтоз наво».
18.50 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос». Телесериал.
20.10 «СПОРТЛОТО».
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Бу байрам — барчамизники!»
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «Пуаро». Телесериал.
23.40 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.05, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.25 «Пиратские острова».
9.55 «Ҳимоя».
10.05, 11.05, 19.25 «ТВ-юрист».
10.30 «Уйларим».
10.40 «Репортаж».
10.50 «Моҳир».
11.15 «Мистер судьба».
17.55 Мультфильм.
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.50 «Муқаддас қадамжолар».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Необузданная Африка».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Уйларим».
22.10 «Юртим жамоли».
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 «Тутанхамон: Проклятие гробницы».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Малахов+».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «15-А» (Академия тенниса). Сериал.
10.45 «Болалар спорти».
11.00 Аёллар футболи. Ўзбекистон чемпионати. «Севинч» — «Андижанка».
11.40 Автоспорт. Гран-при.
12.10 Футбол. Англия чемпионати шарҳи.
17.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Қурувчи» — «Андижон». Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда «Хабарлар» (рус тилида).
19.20 «Путешествия натуралиста».
19.45 «Мусиқий тайм».
20.00 «Чужие тайны». Сериал.
20.45 Вилоят спорти: Хоразм вилояти спорти мустақиллик йилларида.
21.00 «Тет-а-тет».
21.10 «Гейм-Сет-Матч».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Миф об идеальном мужчине». Фильм. 3-я серия.
22.55. Еврофутбол. Англия премьер лигаси. «Манчестер Юнайтед» — «Ридинг».

16 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 «Буратинонинг саргузаштлари». Фильм. 1-қисм.
9.45 «Болалар дунёси».
10.10 «Уч бека». Телесериал.
10.45 «Сизнинг адвокатингиз».
10.50, 20.05 «ТВ-шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Уч». 3-қисм.
11.55 «Самарқанд — 2750».
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
12.10 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
12.30 «Рангин дунё».
12.50 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
13.45 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Ноилож сайёдлар».
15.10 «Тарих кўзгуси».
15.30 «Оҳанрабо».
16.10 «Бу менинг Ватаним!»
16.40 «Марғилон — 2000».
16.45 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Эски альбом.
17.20 «Обод уйда пок одамлар яшайди».
17.40 «Шифокор қабулида».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Хонадон».
18.40 «Пойдевор». 4-қисм.
19.15 «Юртим кишилари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Уч бека». Сериал.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Бу менинг Ватаним!»
22.10 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.20 «Уч». 4-қисм.
23.55 Тунги наволар.
«O'zbekiston».
00.05 «Юртим бўйлаб» дастури: «Косонсой».
00.25 «Мўйқалам сеҳри».
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус.).
01.30 «Янги кун».
02.30 «Хонадон».
02.55 «Самарқанд — 2750».
03.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
03.10 «Муқаддас қадамжолар».
03.30 «Назм ва наво».
03.55 Дунё иқлими.
04.00 «Ахборот».
04.35 «Марғилон — 2000».
04.40 «Минг бир ривоят».
04.45 «Бу менинг Ватаним!»
05.15 Миллий сериал: «Пойдевор». 4-қисм.
05.45 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи».
8.15 «Сеними, шошмай тур!»
8.25 «Болалар табассуми».
8.30 «Ер сайёраси» маърифий дастури: «Саёз денгизлар».
9.20 «Муҳаббат ва эҳтирос».
10.00 «ДАВР».
10.15 «Бизнинг байрам!»
10.20 «Пекин — 2008».
10.50 «Мусиқа салтанати».
11.20 «KINOMANIYA».
11.50 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
12.10 «Ишкомли уй». Телесериал.
12.50 «Ҳеч нима ҳақида битиклар»
13.00 «ДАВР».
13.15 «Истиқбол тимсоллари».
13.30 «Мўйқалам сеҳри».
14.00 «ЯНГИ КУН».
15.00 «Пуаро». Телесериал.
16.00 «ДАВР».
16.15 Миллий сериал: «Севги фариштаси».
17.00 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
17.50 «Улуғ неъмат».
18.00 «Даврнинг боласи».
18.15 «Сеними, шошмай тур!» Мультсериал.
18.25 «Ватаним!»
18.30 «Мумтоз наво».
18.40 «Сифат белгиси».
18.50 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос».
20.10 «Пекин — 2008».
20.40 «Бу байрам — барчамизники!»
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «Пуаро». Телесериал.
23.40«Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.05, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.25 «Пиратские острова».
9.55 «Юртим жамоли».
10.10, 11.05, 19.25 «ТВ-юрист».
10.35 «Уйларим».
10.45 «Интервью».
10.55 «Муқаддас қадамжолар».
11.15 «Тутанхамон: Проклятие гробницы».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.50 «Иқтисод-ревю».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Необузданная Африка».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «Келажакка интилиб».
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 «Тутанхамон: Проклятие гробницы».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Малахов+».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «15-А» (Академия тенниса).
10.45 «Болалар спорти».
11.00 «Комодо — остров драконов».
11.25 Гребля на байдарках и каноэ. Чемпионат мира.
12.10 Футбол. Германия чемпионати шарҳи.
17.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Вобкент». Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда «Хабарлар» (рус тилида).
19.20 «Халқ ўйинлари».
19.40 «Мусиқий тайм».
20.00 «Чужие тайны». Сериал.
20.45 «Шарқ яккакураш лари».
21.05 «Ўзбек спортининг 16 фасли» (Қорақалпоғистон Республикаси).
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Детективный экран: «Миф об идеальном мужчине». 4-я серия.
22.55 Еврофутбол. Германия чемпионати. «Бавария» — «Ганза».
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

17 АВГУСТ, ЖУМА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40, 17.15 Олтин мерос.
8.45 «Буратинонинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 2-қисм.
9.50 «Табаррук замин».
10.10 «Уч бека». Телесериал.
10.45 «Самарқанд — 2750».
10.50, 20.05 «ТВ-шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Уч». 4-қисм.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Вобкент».
12.05 «Шарқ тароналари».
12.25 «Бир асар тарихи».
12.50 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
13.45 «Зилол». Фольклор қўшиқлари.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Ноилож сайёдлар».
15.10 «Йўлдаги суҳбатлар».
15.35 Ю. Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.
16.00 «Бу менинг Ватаним!»
16.30 «Меҳр кўзда».
16.45 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.20 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили: «Саломатлик» дастури.
17.40 «Марғилон — 2000».
17.45 «Одамлардан бири».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Минг бир ривоят».
18.20 «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
18.40 «Пойдевор». 5-қисм.
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.15 «Ватан фидойилари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Уч бека».
21.00 «Ахборот».
21.40 Ватан ҳақида қўшиқлар.
22.00 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.10 «Уч». 5-қисм.
«O'zbekiston».
24.00 «Юртим бўйлаб» дастури: «Олтин водий усталари».
00.30 Ватан ҳақида қўшиқлар.
00.50 «Самарқанд — 2750».
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 «Янги кун».
02.30 «Дунё таомлари».
02.50 «Тараннум».
03.35 «Йўлдаги суҳбатлар».
04.00 «Ахборот».
04.35 «Марғилон — 2000».
04.40 «Минг бир ривоят».
04.45 «Бу менинг Ватаним!»
05.15 «Пойдевор». 5-қисм.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи».
8.15 «Сеними, шошмай тур!» Мультсериал.
8.25 «Болалар табассуми».
8.30 «Ер сайёраси» маърифий дастури: «Мавсумий ўрмонлар».
9.20 «Муҳаббат ва эҳтирос».
10.00 «ДАВР».
10.15 «Бизнинг байрам!»
10.20 «Интерфутбол».
11.50 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
12.10 «Ишкомли уй». Телесериал.
12.50 «Мурувват».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Матонат».
13.30 «Мўйқалам сеҳри».
14.00 «ЯНГИ КУН».
15.00 «Пуаро». Телесериал.
16.00 «ДАВР».
16.15 Миллий сериал: «Севги фариштаси».
17.00 «Автопатруль».
17.20 «Меъёр соғлиқ гарови».
17.40 «Бунёдкор ёшлар».
18.00 «Даврнинг боласи».
18.15 «Сеними, шошмай тур!» Мультсериал.
18.25 «Ватаним!»
18.30 «Мумтоз наво».
18.50 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос». Телесериал.
20.10 «Радиодан кўрсатамиз!»
20.20 «Парламент вақти».
20.40 «Бу байрам — барчамизники!»
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «Дунё таомлари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «Пуаро». Телесериал.
23.40 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.05, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.25 «Пиратские острова».
9.55 «Келажакка интилиб».
10.10, 11.05, 19.25 «ТВ-юрист».
10.35 «Уйларим».
10.45 «Иқтисод-ревю».
10.55 «Интервью».
11.15 «Тутанхамон: Проклятие гробницы».
17.55 «Афиша».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Необузданная Африка».
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Уйларим».
22.10 «Маърифат фидойилари».
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 Кино: «Холостяк».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Малахов+».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «15-А» (Академия тенниса).
10.45 «Ринг».
11.15 «Спорт салтанати».
11.35 Автоспорт. Гран-при.
12.05 Футбол. Франция чемпионати шарҳи.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.55 «Поле чудес».
20.00 «Чужие тайны». Сериал.
20.45 «Леднице. Княжеская роскошь и садово-парковое искусство». Документальный фильм.
21.00 Енгил атлетика. Супер гран-при турнири.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Аптека слушает».
22.35 Приключенческое кино: «Отчаянный». Художественный фильм.
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

18 АВГУСТ, ШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Шифокор қабулида».
9.20 «Ҳидоят сари».
9.40 «Чинсен». 2. «Маўрит».
10.20 «Уч бека». Телесериал.
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Уч». 5-қисм.
12.00 «Самарқанд — 2750».
12.05 «Интеллектуал ринг».
12.50 «Муҳаббат гўшаси».
13.45 «Дил таронаси».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Имконият». Бадиий фильм.
15.35 «Шарқ тароналари».
15.45 «Меҳр кўзда».
16.25 1. «Уйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.30 «Шахсий фикр».
18.00 «Оҳанглар оғушида».
18.10 «Саломатлик сирлари».
18.30 Миллий сериал: «Пойдевор». 6-қисм.
19.00 «Нон қадри».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Уч бека».
21.00 «Ахборот».
21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан. «Бу менинг Ватаним!»
22.10 «Кўнгил қўшиқ истайди».
22.30 «КиноТеатр».
22.55 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.05 «Анна ва қирол». Бадиий фильм. 1-қисм.
00.15 Тунги наволар.
«O'zbekiston».
00.20 Кўрсатувлар дастури.
00.25 «Галатепалик авлиё». Фильм.
00.50 «Самарқанд — 2750».
00.55 Дунё иқлими.
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус.).
01.30 «Янги кун». Информацион дам олиш дастури.
02.30 «КиноТеатр».
02.55 «Оҳанрабо».
03.35 «Ҳажвия бисотидан».
03.55 Дунё иқлими.
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.30 ТВ-анонс.
04.35 «Нон қадри».
04.55 «Бу менинг Ватаним!»
05.20 Миллий сериал: «Пойдевор». 6-қисм.
05.50 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи».
8.15 «Сеними, шошмай тур!»
8.25 «Болалар табассуми».
8.30 «Ер сайёраси» маърифий дастури: «Океан тубликлари».
9.20 «Муҳаббат ва эҳтирос».
10.00 «ДАВР».
10.15 «Бизнинг байрам!»
10.20 «Бунёдкор ёшлар».
10.40 «Таълим ва тараққиёт».
11.00 «Бу шундай бўлган эди».
11.20 Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига: «Замона дурдонаси».
11.50 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
12.10 «Ишкомли уй». Телесериал.
12.50 «Бухоро». Ҳужжатли фильм.
13.00 «ДАВР».
13.15 «Истиқбол тимсоллари».
13.30 «Мўйқалам сеҳри».
14.00 «ЯНГИ КУН».
15.00 «Пуаро». Телесериал.
15.50 «Иқлим».
16.00 «ДАВР».
16.15 Миллий сериал: «Севги фариштаси».
17.00 «Айланай»
17.20 «Пекин — 2008».
17.40 «Чемпион сирлари».
18.00 «Даврнинг боласи».
18.15 «Сеними, шошмай тур!»
18.25 «Ватаним!»
18.30 «Мумтоз наво».
18.40 «Каталог».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Эверест».
20.10 «Дилроз». Мусиқий дастур.
20.40 «Бу байрам — барчамизники!»
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «Пекин-2008».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 Жаҳон киноси: «Зумрад тош изидан».
00.15 «Таскин».

ТОШКЕНТ

11.50, 17.55«Афиша».
12.10 Кино: «Холостяк».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «Мысли вслух».
20.20 «Необузданная Африка».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Уйларим».
22.10 «Истеъдод».
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 Кино: «Бэтмэн: Начало».

СПОРТ

7.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар» (рус тилида).
9.10 «Файзли ошхона».
9.35 «Юлдузли матч».
19.55 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан. «Учрашув» (Навоий вилояти).
20.55 SMS-РИНГ.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 SMS-комедия.
23.25 Еврофутбол.
01.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

19 АВГУСТ, ЯКШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
«Болалар сайёраси»:
8.50 «Катта оила». Бадиий фильм.
10.30 «Саломатлик сирлари».
10. 50 «Уч бека». Телесериал.
11.25 «Оҳанрабо».
12.05 «Ҳажвия бисотидан».
12.25 «Нон қадри».
12.45 «КИНОТАҚДИМ».
13.10 «Есения». Бадиий фильм. 1-қисм.
14.20 «Есения». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.20 «Шарқ тароналари».
«Болалар сайёраси»:
15.30 «Баланд тоғлар остида». Видеофильм.
17.25 «Одами эрсанг...»
17.45 «Оҳанглар оғушида».
17.55 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
18.55 «Йўлдаги суҳбатлар».
19.20 Дунё иқлими.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 ТВ-анонс.
20.10 Олтин мерос.
20.20 «Азизим».
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 Кўҳна оҳанглар.
22.00 «Заковат».
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.05 «Анна ва қирол». Бадиий фильм. 2-қисм.
00.15 Тунги наволар

ЮРТ ПОСБОНИ – ИСТИҚЛОЛ ҲИМОЯЧИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Истиқлол ҳақида гап кетганда, кўпинча миллий армиямизни эсга оламиз. Сабаби кундай равшан. Негаки, истиқлол ва тараққиёт йўлимизни танлаб олган илк дамларимизданоқ, ҳеч кимга бўйин эгмасликни, яъни қарам бўлмасликни, озодлик ва эркимизни ҳимоя қилишни мақсад қилиб қўйдик.

Мустақиллик сабаб қўлга киритган ҳуқуқларимизни – халқимизнинг ўз кучи ва салоҳиятига таяниб, ўзининг тараққиёт йўлини белгилаб олиш ҳуқуқини, ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмаслик, ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаслик ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида миллий армиямизни шакллантирдик.

Тарихга назар талайдиган бўлсак ҳам давлатчиликнинг муҳим таянчларидан бири қўшин бўлганини биламиз. Ўз қўшинига эга бўлмаган ёки ўз қўшинини боқа олмайдиган, сақлай билмайдиган халқ ўзгалар қўшинини боқишга мажбур бўлган. Жанговар туркий халқимиз айнан шунинг учун ҳам фарзанди тўрт яшарлигида от минишни ўргатган. Етти яшарлигида камондан ўқ отишни ўрганган, фарзандлар. Бобур мирзони бир эсга олинг. Ўн икки ёшида ҳукмдор бўлиб, қўшинни бошқарган. Ёки бўлмаса, Амир Темурнинг тўнғич ўғли ва валиаҳди Жаҳонгир мирзо ўн олти ёшида Соҳибқироннинг Ҳиндистонга юришида қўшиннинг ўнг қанотига лашкарбошилик қилган. Буларнинг бари бизда мунтазам армия бўлганини, қўшин Ватан ҳимоясида доимо шай бўлиб келганини кўрсатади. Шунингдек, маълумотлар қадим-қадимдан юртимизда ҳарб илми маданияти юксак бўлганини исботлайди. Ёзувчи Абдуқаҳҳор Иброҳимов бу борада тўхталар экан, шундай дейди: «Бизким ўзбекларнинг қўшини аввало мунтазам аскарлар ва халқ лашкарларидан иборат бўлган. Мунтазам аскарлар давлат ва Ватан ҳимоясида доимо шай туриб, давлат хазинасидан белгиланган миқдорда ҳарбий унвонлари, даражалари, мартабаларига яраша ойлик олиб, бутун умрларини шу касбга бағишлаганлар».

Табиийки, мунтазам армияда ўзига хос ҳарбий даража, унвон ва мансаблар шаклланган. Масалан, луғат бойлигимизга сингиб кетган «баҳодир» сўзини олайлик. Ўтмишда урушда кўрсатилган улкан жасорат учун «баҳодир» дея номланган унвон берилган. Жангчининг исми ёнига фахр, ғурур ила қўшиб айтилган, бу сўз. Ёки бўлмаса, кучли, иродали, жасур аскарга «паҳлавон» унвони берилган. Ҳарбий даражалар хусусида тўхталадиган бўлсак, амир – лашкарбоши, бўлжарбеги – қўшин йиғилув пункти бошлиғи, тавочи – муҳим топшириқларни бажарувчи каби бир қанча атамаларни келтиришимиз мумкинки, бу ҳарбий маданият шаклланганини белгисидир. Демак, бу биз ана шундайин буюк аждодларнинг, ҳарб илмида ҳам, бошқа соҳаларда ҳам дунёга ўз сўзини айтган миллатнинг фарзандлари эканлигимизни англатади.

Бугун Ватан ҳимоячиси, юрт посбони, Ўзбекистон аскари деган сўзлар қанчалар фахр, қанчалар ғурур, шараф билан жаранглашини яхши биламиз. Негаки, биз истиқлол сабаб кимларнинг фарзандлари эканлигимизни англадик. Шунинг учун ҳам ақлу заковатимиз, интеллектуал салоҳиятимиз билан дунёни лол қолдириб, ўзбеклигимизни, Ўзбекистонимизни жаҳонга кўз-кўз қилмоқдамиз, буюк аждодларга муносиб ворис эканлигимизни намойиш этяпмиз. Мустақил юрт манфаатини ҳимоя қилиб, унинг истиқболи йўлида ёниб яшаяпмиз.

> БИЗ ИСТИҚЛОЛ САБАБ КИМЛАРНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ ЭКАНЛИГИМИЗНИ АНГЛАДИК. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ АҚЛУ ЗАКОВАТИМИЗ, ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИМИЗ БИЛАН ДУНЁНИ ЛОЛ ҚОЛДИРИБ, ЎЗБЕКЛИГИМИЗНИ, ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИ ЖАҲОНГА КЎЗ-КЎЗ ҚИЛМОҚДАМИЗ, БУЮК АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ ВОРИС ЭКАНЛИГИМИЗНИ НАМОЙИШ ЭТЯПМИЗ.

Маълумки, Президентимиз – Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида минтақамизда ҳали-бери сақланиб қолаётган қалтис вазият, жаҳонда давом этаётган низо ва қарама-қаршиликлар, кўлами тобора кенгайиб бораётган терроризм, экстремизм ва наркоагрессия хавфи борасида тўхталиб, буларнинг барчаси шу муқаддас заминда яшаётган, мамлакатимиз тақдири ва келажаги учун бефарқ бўлмаган ҳар бир инсондан доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишни, Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлигини мустаҳкамлашни, давлатимиз сарҳадларини қўриқлаш ва ҳимоялашни кучайтиришни, бунинг учун мавжуд бўлган барча куч ва имкониятларимизни сафарбар қилишни тақозо этишини таъкидлайди ва бундан келиб чиқиб, посбонлар олдига вазифалар қўяди. Хўш, олдимизга қўйилган устувор вазифалар қай даражада бажарилмоқда? Истиқлолнинг 16 йиллик тўйини тантана қилиш арафасида бу борадаги қандайин ютуқларимизни эътироф этишимиз мумкин?

Дейлик, қўшинларнинг замонавий қуроллари ва техника, ўта аниқ ишлайдиган аслаҳалар, бошқарув ва алоқанинг электрон, компьютерли тизимлари билан таъминланишини янада юксалтириш бўйича қўйилган вазифани олиб қарайлик. Янги, замонавий ҳарбий техника ва аслаҳалар билан тобора таъминланиши натижасида бўлинмалар жанговар тайёргарлиги, ҳаракатчанлиги ва тезкорлиги ошмоқда. Қўшинларда ўқув ва моддий-техник база шаклланмоқда.

Шахсий таркибнинг ўқув-жанговар ва машқ тайёргарлиги тизими самарадорлигини ошириш, ҳарбий хизматчиларнинг юксак интизомини таъминлаш, уларга ишониб топширилган замонавий қуроллар ва техникадан моҳирона фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларни такомиллаштириш борасида муҳим ишлар амалга ошириляпти. Бу ўринда олий ҳарбий билим юртларимиз, сержантлар тайёрлаш мактабларимиздаги мутахассислар тайёрлаш тизимининг шаклланаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ёки бўлмаса, ҳарбий хизматчиларнинг шахсий ва гуруҳ таркибидаги жанговар, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик даражасини, интеллектуал салоҳиятини оширишни таъминлайдиган усул-услубларнинг кенг жорий этилаётганини олайлик. Масалан, Мудофаа вазирининг буйруғига кўра, ҳарбий хизмат нуфузини янада ошириш, қўшинларда Ватанга, танланган касбга муҳаббатга йўғрилган замонавий ҳарбий анъаналарни жорий этиш ва шакллантириш, жанговар тайёргарлик тизимини янада такомиллаштириш, қўшинлар жанговар шайлигини, шахсий таркибнинг ҳарбий интизомини юксак даражада сақлаш, посбонлар ўртасида юксак маънавий-жанговар руҳга асосланган муҳитни, ўзаро мусобақадошликни, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлик дастурини самарали ўзлаштиришлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ҳарбий хизматчиларнинг касбий ўсишларини, ҳарбий билимларни такомиллаштиришга, интеллектуал қобилиятларини шакллантиришга бўлган қизиқишларини рағбатлантириш каби устувор мақсадларни кўзлаб, кўкрак нишонларининг таъсис этилганини олайлик. Мазкур янгилик Президентимизнинг байрам табригида олдимизга қўйган устувор вазифаларни бажаришимиз йўлида муҳим қадамлардан бири бўлди, дея баралла айта оламиз. Самарқандлик оддий аскар Дилшод Турдиалиев «Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочиси», «Жанговар тайёргарлик аълочиси» кўкрак нишонлари билан резервга бўшади. Бу армия унга Ватан, юрт манфаати йўлида фидокорона хизмат қилишни ўргатганидан, дунёқараши шаклланиб, ҳарб илмини пухта ўзлаштирганидан. Демак, ҳаёт мактабини ўтаган бундайин мардларга, бундайин ўғлонларга бемалол суянишимиз, таянишимиз мумкин. Мана, масаланинг моҳияти нимада?!

Бир сўз билан айтганда, мустақил Ўзбекистон посбони бўлишдан, муқаддас заминимизни, нурафшон келажак сари интилаётган юртимизни ҳимоялашдек, тинчлик-осойишталигини таъминлашдек масъулиятдан фахрланиш, ғурурланиш сезаётган посбонларга қараб, ислоҳотлар самарасини кўрасиз.

Майор Алижон САФАРОВ.

Комолидин ТЎРАЕВ суратга олган.

«ТАШАББУС» – ТАДБИРКОРЛАРИМИЗНИ ДУНЁГА ТАНИТАЖАК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўҳна тарих олдида лаҳзаларга тенг 16 йил ичида юртимизда асрларга татигулик ишлар амалга оширилди. Президентимиз раҳнамолигида халқимиз ўз истиқлолига эришиб, уни тобора мустаҳкамлаш йўлидан қатъият, сабот билан бораётгани ўзининг кенг кўламли самараларини намоён этмоқда. Мустақиллик, аввало, дунёқарашимизда, онгу тафаккуримизда юз бераётган ўзгаришлар, миллий ғуруримиз, қадриятларимиз, асрий анъаналаримизнинг қайта тикланиши мисолида ўз инъикосини топмоқда. Юртдошларимиздаги ҳурлик туйғуси, она Ватанимизнинг тинчлиги, осойишталиги ва тараққиёти йўлидаги фидокорона меҳнати, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳиссининг кучайгани фикримиз тасдиғидир. Энг муҳими, биз ким эдигу ким бўлдик, деган саволга, аввало, мустақиллик инъом этган неъматлар мисолида жавоб топаяпмиз.

Биргина иқтисодий соҳада эришаётган ютуқларимизни олайлик. Пухта ўйлаб, изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимиз иқтисодий қудратини тобора юксалтираяпти. Бунда халқимиз фаровонлиги ва иқтисодий тараққиётга йўналтирилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг алоҳида ўрни бор.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, кичик бизнес ички бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдирадиган, иқтисодиётнинг таркибий негизини белгилаб берадиган энг муҳим сектор ҳисобланади, шунингдек, аҳолини иш билан таъминлашда, унинг даромадларини оширишда энг асосий омил ва манба бўлиб хизмат қилади. Шу боис ҳам мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратилди. Натижада, шиддат билан тараққий этиб бораётган замонда халқимизнинг тадбиркорликка бўлган муносабати тамоман ўзгарди, юртимизда бизнес фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлар сони кўпайди.

Бугунги кунга келиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари сони 350 мингтага етди. Ўтган олти йил ичида бу кўрсаткич 2,3 баравар ошди. Биргина якунланган йилда соҳада 250 минг янги иш ўринлари яратилди. Эътиборли жиҳати шундаки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 42,1 фоизни ташкил этиб, иқтисодиётда меҳнат билан банд бўлган жами аҳолининг 70 фоиздан ортиғи ушбу секторда фаолият олиб бораяпти. Айни пайтда юртимиз тадбиркорлари ҳақиқий мулк эгаси сифатида халқаро бозорларда рақобатга бардош берадиган маҳсулот ва хизматлар яратиш қудратига эга бўлишди.

Шубҳасиз, ушбу соҳада эришилаётган муваффақиятларда тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар ўртасида анъанавий ўтказиб келинаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти совғини учун «Ташаббус» кўрик-танловининг ҳиссаси беқиёсдир.

Ўн бир йилдан бери ўтказилаётган мазкур тадбир тадбиркорлик ҳаракатини рағбатлантириш, ишбилармонлик фаолиятини янада кучайтириш ва кенгайтириш, соҳада тўпланган илғор тажриба ва ютуқларни республика миқёсида оммалаштириш мақсадларини кўзда тутиб, юртимиз тадбиркорлари, фермерлари ва ҳунармандлари учун мавжуд имкониятларини тенг рақобат муҳитида синаб кўриш, ўзаро тажриба алмашиш ва келгуси фаолиятларини янада ривожлантиришга замин яратди.

Бир сўз билан айтганда, «Ташаббус» кўрик-танлови республикамизнинг энг яхши фермери, тадбиркори ва ҳунарманди каби юксак мавқега кимлар муносиб эканлигини қуруқ сўзда эмас, амалда исботлашга имкон бермоқда.

– «Ташаббус» кўрик-танлови мени тадбиркорликка ундади, – дейди «Ташаббус – 2007» кўрик-танловининг «Энг ёш тадбиркор» йўналиши ғолиби Садоқат Йўлдошева. – 1998 йил илк бора ушбу танловда якка ҳунарманд сифатида иштирок этдим. Ўшанда мен мамлакатимиз раҳбарияти томонидан тадбиркорларга қанчалик эътибор кўрсатилаётганини чуқур ҳис қилдим. Ана шундан кейин фаолиятимни кенгайтириш истаги туғилди. 2001 йилда орзуим рўёбга чиқди. Яъни ўз хусусий корхонамни очдим. Ёнимга маҳалламизда истиқомат қилаётган хотин-қизларни олдим ва биз зардўзлик ҳамда каштачилик услубида миллий кийим-кечакларни тикиб, эски анъаналарни тиклаш билан шуғуллана бошладик. Бу йил қилган саъй-ҳаракатларим бесамар кетмади. «Ташаббус – 2007» кўрик-танловида ғолибликни қўлга киритдим.

Шу ўринда Президентимизнинг «Ўзини мулкдор, мулк эгаси, ўз меҳнатининг ва ишлаб чиқарган маҳсулотининг хўжайини деб ҳис этиш инсоннинг яширин куч-ғайратини юзага чиқаради», деган сўзларини келтириб ўтмоқчиман. Ушбу сўзларнинг нақадар ҳақиқат эканлигини мен ўз фаолиятим мисолида кўрдим. Чунки агар мен тадбиркор сифатида қўллаб-қувватланмаганимда, мулк эгаси бўлмаганимда бундай ютуқларга эриша олмасдим.

Тўғрисини айтсам, меҳнатимга кўрсатилган бундай ғамхўрлик ва эътибор руҳимни кўтарди, кучимга-куч қўшди. Эртанги кунимга ишончимни мустаҳкамлади. Шу боис, бундан буён фаолиятимни янада ривожлантириш ва иш ҳажмини кенгайтириш учун бор куч-ғайратимни аямайман.

Гувоҳ бўлганингиздек, бу интилиш тадбиркорнинг ўзи келтирганидек, «Ташаббус» кўрик-танловининг шарофатидир. Ўтган давр мобайнида 100 мингдан зиёд тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар ўзларининг нималарга қодир эканлигини «Ташаббус» орқали амалда кўз-кўз қилишга эришдилар. Шу йўналишдаги муваффақиятларнинг ўзиёқ иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Президентимиз ўз маърузаларида «Бизнинг доимий вазифамиз – мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва роли изчил ўсишини таъминлаш, унинг 2010 йилда ялпи ички маҳсулотдаги улушини 50-52 фоизга етказиш», деб таъкидлаган эди.

Эътибор берадиган бўлсак, «Ташаббус» кўрик-танлови ана шу мақсадни жадал суръатда амалга ошириш учун хизмат қилмоқда. Натижада сўнгги йилларда хусусий сектор иқтисодиётнинг ўсиш суръатини тезлаштиришда етакчи ўринларни эгаллади. Шу билан бирга, республика аҳолисининг бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишга катта ҳисса қўшди.

Шу ўринда бу танлов фермерлик ҳаракатини ҳам юксак поғоналарга кўтараётганини таъкидлаб ўтиш лозим. Чунки олдин фермер хўжаликлари асосан, ғалла, пахта ва гўшт-сут маҳсулотларини етказиб беришган бўлса, бугунга келиб, уларнинг фаолияти янада кенгайди. Эндиликда улар ушбу маҳсулотларни етиштириш, қайта ишлаш билан бир қаторда мебель ва қурилиш ашёлари, сервис хизмати кўрсатиш ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш билан ҳам шуғулланишмоқда. Бу ҳам тадбиркорларга берилаётган имкониятлар самарасидир. Гапимиз исботи сифатида биргина мисол келтирсак, Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги Рисолат Маматқулова бошлиқ «Сурхон воҳаси» фермер хўжалигида пахта, пилла етиштириш билан бирга гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда мебель, яъни шкаф, стол-стул, диван-кресло, алюминий эшик ва деразалар ҳам тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Фермер хўжалигига қарашли цехларда кўрпа, ёстиқ, чойшаб, дастурхон, ишчилар учун махсус кийимлар ҳам тикилмоқда. Бунинг эвазига ўтган йили 708,18 миллион сўм миқдорда даромад олинди.

Жорий йилда «Ташаббус» республика кўрик-танловида Президентимизнинг бош совғини – «Матиз» русумли автомашина соҳибларидан ташқари биринчи марта ўнлаб янги номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди. «Энг яхши экспортчи йирик корхона», «Энг яхши экспортчи кичик корхона», «Энг яхши пахтакор фермер», «Энг яхши ғаллакор фермер», «Энг яхши тадбиркор аёл», «Энг ёш тадбиркор» номинациялари шулар жумласига киради.

Бундан кўриниб турибдики, «Ташаббус» кўрик-танловига барча хўжалик юритувчи субъектлар жамоаларининг қизиқиши тобора кучаймоқда. Натижада танловнинг нуфузи ортиб, кўлами-ю миқёси кенгаймоқда. Мамлакатимизда фаолият юритаётган ҳар бир мулкдор-тадбиркор фермер ва ҳунарманд ўз меҳнати қадр топаётгани, эъзозланаётганини чуқурроқ ҳис этмоқда. Шу боис, уларнинг сафи кун сайин кенгаймоқда. Иқтисодиётимиз устунига айланаётганлар сони кўпайдими, аҳолининг иш билан таъминланганлик даражаси кўтарилади, турмуш яхшиланади, мамлакатимиз иқтисодиёти янада равнақ топиб ривожланади.

Зеро, тадбиркорларга эътибор берган юртнинг келажаги порлоқ бўлади.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

> СОҲАДА ЭРИШИЛАЁТГАН МУВАФФАҚИЯТЛАРДА ТАДБИРКОРЛАР, ФЕРМЕРЛАР ВА ҲУНАРМАНДЛАР ЎРТАСИДА АНЪАНАВИЙ ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ УЧУН «ТАШАББУС» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ҲИССАСИ БЕҚИЁСДИР.

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ – ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Пойтахтимиздаги Темирйўлчилар марказий маданият саройида мазкур соҳа ходимларининг касб байрами муносабати билан ўтказилган тадбирда шу ҳақда сўз борди. "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси А.Раматов тизимда амалга оширилган ишлар юзасидан маъруза қилди. Тадбирда давлатимиз раҳбари томонидан темир йўл транспорти тизимини барқарор ривожлантиришга катта эътибор берилаётгани алоҳида таъкидланди.

Компания ахборот хизмати маълумотларига кўра, жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида мамлакатимиз темир йўллари орқали 27,8 миллион тонна юк ташилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 19, 6 фоиз кўпдир. Йўловчи ташиш 10,1 фоиз кўпайди. 150,7 миллиард сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди.

Истиқлол йиллари жами 564 километрлик янги йўл қурилди. Шимолий минтақаларимизни мамлакатимизнинг марказий ҳудудлари билан боғлаш имконини берган Ҳавоий–Учқудуқ–Султон Увайстоғ–Нукус темир йўл линиясининг қурилиши, ниҳоясига етаётган, узунлиги 223 километрлик Тошгузар–Бойсун–Қумқўрғон янги темир йўл линияси сингари лойиҳалар шулар жумласидандир.

Айтиш керакки, кейинги 15 йил ичида МДҲ га аъзо давлатларнинг бирортасида ҳам бунчалик кенг масофадаги янги темир йўл барпо этилмаган. Юртимизда амалга оширилаётган бундай кенг кўламли ишлар халқимизнинг бунёдкорлик борасидаги улкан салоҳиятидан яна бир далолатдир.

Соҳага чет эл сармояларини жалб қилиш ишлари ҳам изчил давом эттирилмоқда. Осиё тараққиёт банкининг кредити ҳисобидан Самарқанд – Бухоро йўналишида модернизациялаш дастури тўла ниҳоясига етказилди. Ушбу йўналишлар оралиғидаги йўллар таъмирланди.

Йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида Тошкент–Самарқанд, Тошкент–Бухоро йўналишларида «Регистон» ва «Шарқ» тезюрар поездларининг мунтазам қатнови йўлга қўйилди. Темир йўл вокзалларида йўловчиларга халқаро стандартларга мос шароитлар яратилмоқда.

Тошкент марказий йўловчилар темир йўл вокзали ва бошқа шаҳарларимиздаги вокзаллар қайта реконструкция қилинди ва таъмирдан чиқарилди, янгилари барпо этилди. Халқаро ва маҳаллий йўналишларда қатновчи поездларда кўрсатилаётган хизматлар сифати замонавий талабларга мослаштирилди.

Тепловозларнинг хизмат кўрсатиш муддатини узайтириш, платформа ва бошқа хил техникани таъмирлаш ишлари ўзлаштирилди. Андижон механика заводида нефть маҳсулотларини ташиш учун элликдан зиёд цистерна ишлаб чиқарилди. Европа тикланиш ва тараққиёт банки ажратган 40 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит ҳисобига 12 та замонавий электровоз сотиб олинди. Эксплуатация қилиш ва техник хизмат учун кетадиган харажатлар камайди.

Термизлик йўлсозлар учун поликлиника ва шифохона, Самарқанд станциясида эса болалар даволаш бўлимлари ишга туширилди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар бераётган самаралардандир.

Талбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Н.Хонов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Тўхтаев иштирок этди.

Холмурод САЛИМОВ, ЎзА мухбири.



«Энг яхши китобхон»

ҒОЛИБЛАР БЕЛЛАШУВГА ШАЙЛАНМОҚДА

Биз шундай замонда яшаяпмизки, унда билимдонлик, саводхонлик, кенг дунёқараш, мустақил фикрлилик, ҳозиржавоблик, одоб, хушмуомалалик жуда кўп муаммоларнинг ҳал бўлишига олиб келади. Ушбу ижобий фазилатларнинг барчаси эса китоб билан ошно бўлган қалбларда мужассам бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан ҳарбий қисм ва муассасаларда маданий-маърифий ишларнинг барча усул ва шаклларида ўтказиладиган тадбирларда ҳарбий хизматчиларнинг интеллектуал салоҳиятларини ва умумий билим даражаларини оширишга, бу борада кутубхоналар фаолиятидан кенг фойдаланишга алоҳида аҳамият бериб келинмоқда.

Жумладан, ҳарбий хизматчиларни бадиий китоблар ўқишга даъват этиш, уларнинг бадиий асарларга бўлган қизиқишини кучайтириш, фаол китобхонларни рағбатлантириш мақсадида Мудофаа вазирининг буйруғида асосан «Энг яхши китобхон» кўрик-танлови ўтказиш ҳам йўлга қўйилган.

Яқинда мазкур кўрик-танловнинг иккинчи босқичи Чирчиқ гарнизони офицерлар уйида бўлиб ўтди. Тадбирда округ ҳарбий қисм ва муассасаларида хизмат бурчини ўтаётган, ўзининг ақлий салоҳияти, билим даражаси, кенг дунёқараши, бадиий адабиётга меҳри билан сафдошлари орасида кўзга кўринган ҳарбий хизматчилар иштирок этдилар.

Ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилган танловни тарбиячи офицер Абдувоҳид Бозоров қисқача кириш сўзи билан очиб берди. Қатнашчилар ўзбек ва чет эл адабиёти намояндалари асарлари, адабиёт жанрлари, бадиий китоблар ўқиш салмоғи ва сифати бўйича берилган саволларга атрофлича жавоб бердилар. Қизғин ва муросасиз кечган баҳс якунларига кўра 1-ўрин оддий аскарлар – Фарруҳ Раҳматуллаев ва Жамолиддин Икромовларга, 2-ўрин оддий аскар А. Бухоровга, 3-ўрин эса оддий аскар Н. Қобуловга насиб этди.

– Ёшлигимдан бадиий китобларни ўқишга иштиёқим баланд эди, – дейди биз билан суҳбатда танлов ғолиби Ф. Раҳматуллаев. – Ҳарбий қисмимиздаги аскарлар кутубхонаси менинг китобга бўлган меҳримни янада орттирди. Айни кунларда кўрик-танловнинг якунловчи босқичга қизғин тайёргарлик кўраяпман. Ўйлайманки, китоб билан ошно бўлган қалбда Ватанга садоқат, бурч ва масъулият туйғулари доим устувор бўлади.

Ҳа, округ ҳарбий хизматчилари орасида инсондаги барча яхши фазилатларни тарбияловчи китобга меҳри баланд посбонлар сони йил сайин кўпаяётганидан фахрлансак арзийди.

Жамила ҒАНИЕВА.

Ўзбекистон – дунё нигоҳида

ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШИМИЗ ЭЪТИРОФИ

Мустақиллик сабаб Ўзбекистон дунёга ўз сўзини айтмоқда. Юртимизни жаҳон тан олмоқда. Айниқса, кейинги йилларда иқтисодиётимизда бўлаётган улкан ўзгаришларни дунё мамлакатлари эътироф этмоқда. Яқинда мамлакатимиз иқтисодиётидаги улкан ўзгаришлар, истиқболли янгиланишлар борасида Бирлашган араб амирликларининг марказий газетаси «Ал-Баён»да чоп этилган мақоланинг қисқача баёнини «Ўзбекистан тудей» газетасида ўқиб қолдим. Келинг, мамлакатимизда истиқлол сабаб бўлаётган ўзгаришларга холис баҳо берилган мазкур мақола борасида бироз тўхталиб ўтайлик.

Умар Ал-Санжарий муаллифлигидаги мақола «Табиий ресурслар ва ишлаб чиқариш қудрати Ўзбекистон иқтисодиётини мустаҳкамламоқда» дея номланган. Ўз номидан кўриниб турганидек, муаллиф замини табиий ресурсларга бой жаннатмакон юртимиз, ундаги имконият ва бой салоҳиятлардан сўз очади. Хусусан, у мақола аввалидаёқ бу омилларга эътибор қаратади.

Мутахассислар маълумотларига таяниб, муаллиф Ўзбекистоннинг табиий ресурслари ва бойликлари захираси 3,3 триллион доллардан ортиқни ташкил этишини таъкидлайди ва буларнинг асосида нефть, табиий газ, конденсат, кўмир каби ресурслар ётишини эътироф этади. Фикрини давом эттирган ҳолда, мамлакатимизнинг олтин, уран, табиий газ, мис, туз ва фосфат захиралари бўйича нафақат МДҲда, балки дунёда ҳам етакчи ўринлардан бирида туришини айтади.

«Ўзбекистоннинг 42 электростанциясида ишлаб чиқарилаётган электр қуввати 12,3 миллион киловаттдан ошиб, бу Марказий Осиё минтақасида ишлаб чиқарилаётган энергиянинг тахминан 50 фозини ташкил этади», дея ёзади муаллиф. Буни истиқлол сабаб шаклланиб бораётган энергетика тизимимизга, унинг истиқболига берилган холисона баҳо, дейишимиз мумкин.

Умар Ал-Санжарий Ўзбекистоннинг замонавий нефть-газ саноатини миллий иқтисодиётнинг йирик соҳаларидан бири сифатида таъкидлайди. «Ўзбекнефтгаз – Марказий Осиё минтақасидаги марказий компаниялардан бири бўлиб, табиий газ қазиб олиш бўйича дунёда 8-ўринни, ёнилғи-мойлаш ва энергия маҳсулотлари бўйича эса МДҲ мамлакатлари ичида 5-ўринни эгаллайди», дея ёзилган.

Шунингдек, муаллифнинг мамлакатимиздаги инвестициявий муҳитга, бу учун яратилаётган қулай шарт-шароитларга берган баҳоси ҳам эътиборга лойиқ. Ўзбекистон ҳукумати турли хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда устувор сармоявий лойиҳалар йўналишлари бўйича қулай муҳит яратиш борасида фаол сиёсат олиб бораётганини, аниқроғи, мустаҳкам ҳуқуқий база яратаётганини мақола муаллифи эътироф этиб ўтган.

Бир сўз билан айтганда, мақолани Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлидан адашмай, дадил одимлаб бораётганига четдан ўзига хос бир назар, холис бир эътироф, дейиш мумкин.

Дилафрўз РЎЗИЕВА.

31 август – Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ ДОИМ ЭЪЗОЗДА

Ҳурлик, озодлик, истиқлол! Бу сўзларнинг моҳияти шу қадар теранки, орияти уйғоқ ҳар қандай инсон она заминини ундан айро тасаввур эта олмайди.

Мана, 16 йилдирки, озод юрт фуқаросимиз. Қаддимиз тик, бошимиз баланд. Сўзимизда, ҳаракатимизда қатъият, кўксимизда ғурур мужассам. Буни тенгсиз бахт дейдилар. Албатта, миллатни юзага чиқарувчи бу олий неъмат ортида афсонавий жасоратлар, жангу жадаллар, бахшида этилган навқирон умрлар, доимий ҳушёрлик ва бедорлик мужассам. Зеро файласуфлардан бири таъкидлаб ўтганидек, «Яшашга ва эркинликка ҳар куни улар учун курашувчи одамгина лойиқдир».

Шу ўринда бизнинг ҳур ва эркин яшашимизга замин яратган, Ватан мустақиллиги, миллат толеига чанг солгувчи қора кучларга умрини қалқон қилган минглаб аждодларимизнинг номлари мангуликка муҳрланганки, уларнинг хотираси олдида доимо бош эгамиз.

Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулҳамид Чўлпон, Мунавварқори Абдурашидхон ўғли... Бундай фидойи зотларнинг номларини узоқ санашимиз мумкин. Улар оддий деҳқондан тортиб, шоиру олим, ҳунарманд, зиёкору сиёсат оламининг етакчилари. Бизнинг эришган ҳурлигимиз мана шу аждодларимизнинг чақмоқ янглиғ умрлари, азиз жонлари эвазига насиб этганлиги бугун ҳар биримизга аён.

Тарихини унутмаган эл ўзлигини унутмайди. Ўзлигини унутмаган миллат томири эса замин умрига туташдир. Ватанимиз мустақилликка эришиб, халқимиз кўксига офтоб текканидан сўнг ортда қолган тарихимиз бўй-басти билан ҳақиқат кўзгусида намоён бўлди. Миллий қадриятларимиз билан бирга шаҳид кетган аждодларимизнинг ўчмас хотиралари ҳам тиклана бошлади. Истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб давлатимиз раҳбарияти етакчилигида қатағон қурбонлари бўлган миллатимизнинг энг сара фарзандлари номларини тиклаш, фидойи хизматларини халққа етказиш, ўчмас хотираларини абадийлаштириш борасида муҳим ишлар амалга оширила бошланди. Юртбошимиз томонидан мустамлакачилик даврида истиқлол ва тараққиёт йўлидаги интилишлари сабаб ноҳақ айбланиб, давр қурбонларига айланган ватандошларимиз хотирасини мангуликка муҳрлаш юзасидан амалий ишлар олиб бориш учун Жамоатчилик комиссияси тузилди. 1999 йилда эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига биноан Юнусобод туманидаги Бўзсув қирғоғида мустамлакачилик даври қурбонлари ёдгорлик мажмуасини барпо этиш ҳамда «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармасини тузиш кўрсатиб ўтилди. 2000 йилнинг май ойида ушбу ёдгорлик мажмуаси очилиб, истибдод йилларида Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизнинг ўчмас хотираси ана шу ёдгорликда ўз абадиятини топди.

Президентимизнинг мажмуа очилиш маросимидаги, «Жафокаш халқимиз асрлар давомида не-не оғир синовлар, машаққатли кунларни кўрмади. Ўз озодлиги, эркинлиги, тинч ҳаёти йўлида курашиб, беҳисоб қурбонлар берган ота-боболаримиз жасорати тарихий хотирамиздан ҳеч қачон ўчмайди... Бу зиёратгоҳни биз қатағон қурбони бўлган, жисми олисларда қолиб кетган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори, Усмон Носир, Убайдулла Хўжаев, Саид Аҳрорий, Боту, Исҳоқхон Ибрат, Элбек сингари юзлаб юртдошларимизнинг ҳам рамзий мозори сифатида қабул қилмоғимиз керак, деб ўйлайман», деган сўзларида катта маъно бор. Зеро, ҳозирда бу зиёратгоҳга қадам қўйган ҳар бир инсон хоклари Ватанидан йироқларда қолиб кетган минглаб бегуноҳ юртдошларимизнинг руҳи-поклари бу гўшада ором топишини ҳис қилиб туради. Энг асосийси, бу зиёратгоҳ ҳар биримизга ўтганлар хотираси муқаддас ва уларни унутмаслигимиз лозимлигини эслатиб туради.

Орадан кўп вақт ўтмай «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси олдида «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи қад ростлади. Келинг, суҳбатимиз давомини ушбу эзгу ишларга киришилган дастлабки кунлардан бошлаб жамоатчилик комиссиясига етакчилик қилган, ҳозирда «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармасининг раиси, филология фанлари доктори Наим Каримов билан давом эттирамиз.

– Давлатимиз раҳбарининг «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармонига биноан жуда катта эзгу ишларга қўл урилганига гувоҳмиз. Бу, айниқса, жамоатчиликда катта акс-садо берди. Чунки элимизда бирорта хонадон йўққи, мустамлакачилик даврининг зулмидан жабр чекмаган бўлса. Шубҳасизки, тузилган Жамоатчилик комиссияси ва «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси олдига масъулиятли вазифалар қўйилди. Бу вазифалардан энг асосийлари мустамлакачилик даври қурбонларини номма-ном аниқлаш, фидойи ватандошларимизнинг ибратли ҳаёт йўлини тиклаш, адабий меросларини тўплаб, ўрганиш ва нашр этиш, уларнинг ёруғ хотирасини турли йўллар билан абадийлаштириш эди. Албатта, биз бу борада бор имкониятларимизни ишга солдик. Ўз навбатида кенг жамоатчилик ёрдамига ҳам таяндик. Бу борада ҳар битта қилаётган ҳаракатимиз нафақат тарихий ҳақиқатни тиклаш, шаҳид кетган юртдошларимизнинг номларини оқлаш, балки уларнинг ибратли ҳаёти ва кураши мисолида ёш авлодда истиқлол қадриятларига ҳурмат ва садоқат туйғусини тарбиялаш, ватанпарвар ва элсевар ота-боболарнинг олижаноб анъаналарини улар онги ва шуурига сингдириш, улуғ аждодларимизга муносиб ворислар қилиб тарбиялашдек эзгу ишга хизмат қилаётганидан мамнунман.

Ўтган йиллар мобайнида жамғармамиз етакчилигида қатағон қурбонларига айланган боболаримиз тўғрисида 20 га яқин китоблар нашр этилди, ҳужжатли фильмлар яратилди. Оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам равишда чиқишлар қилинди, мақолалар бериб борилди. Шунингдек, кенг жамоатчилик орасида хотира кечалари, илмий анжуманлар ўтказиш доимий равишда амалга ошириб келинмоқда. «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсам, музей қатағон қилинган юртдошларимиз хотирасини абадийлаштириш мақсадида ташкил қилинган. Мамлакатимизнинг ноёб меъморий иншоотларидан бири ҳисобланган бу қутлуғ даргоҳ халқимиз меҳрини қозониб улгурди. Унга қадам қўйган ҳар бир инсон кўз олдида қатағон даври сиёсатининг тарихимизда қолдирган изи, ватандошларимизнинг озодлик йўлидаги ҳаракати, халқ қўзғолонлари, қатағон қурбонларининг ҳаёти ва ижоди, истиқлол, эрк йўлида шаҳид кетганлар хотирасининг эъзоз топаётгани намоён бўлади. Айни дамда музейда катта таъмирлаш ишлари якунига етмоқда.

Мана, яна саноқли кунлардан сўнг, «Қатағон қурбонларини ёд этиш куни»ни қарши оламиз. Юртбошимиз томонидан бу улуғ кунни ўтказиш айнан 31 август, Мустақиллик байрами арафасида белгиланган бежиз эмас. Чунки Ватанимизнинг буюк истиқлолга эришишида шаҳид кетган аждодларимизнинг улкан ҳиссаси борлигини, беҳисоб қурбонликлар эвазига насиб этган ҳурлигимиз учун уларнинг хоки пойига доимо бош эгишимиз, ҳурмат бажо келтиришимиз лозимлигини эслатиб туради. Жамғармамиз эса ўз олдига қўйган масъулиятли вазифани адо этиш борасида доимо изланиш йўлидан бориб, шаҳид кетган аждодларимиз ҳақида янгиянги маълумотларга эга бўлиб, уларнинг номини абадийлаштиришга улкан ҳисса қўшаверади.

Зарина НОСИРОВА.

Ҳарбий техника шарҳи

МАХСУС КУЧЛАР УЧУН

Германиянинг махсус кучлар учун мўлжалланган «Мунго» русумли зирҳли автомобили «Краусс-Маффей Вегманн» компанияси мутахассислари томонидан яратилган ва халқаро ҳарбий экспертлар эътиборига 2005 йилда расман тақдим этилган. Машина 10 нафаргача барча нарсалар билан тўлиқ таъминланган ҳарбий хизматчиларни (шу жумладан, 2 нафари кабинада) олиб юриш имконига, юриш қисми конструкциясида блокировка дифференциали, юк тортиш ҳаракатларини электрон назорат қилиш тизими ва тортиш чиғири (лебёдка) мавжудлиги ҳисобига ўнқир-чўнқир жойлардан ҳам юқори даражада ўтиш қобилиятига эга. Мазкур зирҳли автомобиль 105 та от кучи қувватига эга бўлган тўрт цилиндрли турбонаддув дизель билан жиҳозланган. Машинанинг жанговар оғирлиги 5,3 т, фойдали юк олиш қуввати 2 т. Шоссе бўйлаб максимал юриш тезлиги соатига 90 км, юриш заҳираси 500 км. Геометрик ўлчамлари: узунлиги 4,2 м, эни 1,85 м, баландлиги 2,25 м. Зирҳли темирдан пайвандлаш орқали тайёрланган кабина ва юк бўлмаси машина экипажи ва жангчиларни 7,62 мм.ли ўқлардан, қўл гранаталари, пиёдаларга қарши миналар парчаларидан тўлиқ ҳимоя қилади. Ёпиқ кузовнинг устки қисмига тутун пардасини ҳосил қилувчи гранатомётлар ўрнатилиши мумкин. Оммавий қирғин қуроллари ишлатилган шароитларда қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида машина жамоавий ҳимоя тизими билан жиҳозланади. Зирҳли автомобиль авиация транспортида ташиш учун қулай, учта «Мунго» 30 нафар ҳарбий хизматчи билан С-130 «Геркулес» ёки С-160 «Трансалл» русумли ҳарбий транспорт самолётларига (ёки битта «Мунго» СН-53 транспорт вертолётига) жойланиши мумкин. Машина шунингдек, махсус парашют тизими ёрдамида платформада десант қилиб тушириш учун ҳам мослаштирилган.

НАЗОРАТ ҚИЛИБ БОРАДИ

Франция ҳарбий-денгиз кучларига қарашли А-601 «Монж» русумли ўлчов комплекси кемаси қурилишига Сен-Назер шаҳридаги «Шантье-л' Атлантик» компаниясининг кемасозлик верфида асос солинган, 1990 йилнинг 6 октябрида илк бор сувга туширилган ва 1992 йилнинг 5 ноябрида флот ихтиёрига топширилган. Мазкур кема космик ва баллистик объектларни назорат қилиб бориш, шунингдек, уларнинг учиш траекторияси параметрларини ўлчаш учун мўлжалланган. Унинг стандарт сув сиғими 17760 т, тўлиқ сув сиғими эса – 21040 т. Кеманинг асосий ўлчамлари қуйидагича: узунлиги 225,6 м, эни 24,8 м, сувга ботиб туриш даражаси 7,7 м. Бир валли бош энергетика қурилмаси "SEMT – Пилстик» фирмасининг умумий қуввати 10400 от кучига тенг бўлган иккита PC2.5 L 400 русумли дизеллардан иборат. «Монж» қуввати 1360 от кучига тенг бўлган тумшуқ рул бошқариш тизими ва денгизнинг 6 баллгача бўлган тўлқинланиш вақтида кичик тезликда кема оғишини 9 даражадан ошмаслигини таъминловчи пассив барқарорлаштириш тизими билан жиҳозланган. Кеманинг энг юқори сузиш тезлиги 16 узел, сузиш узоқлиги 15000 мил (автоном равишда сузиб юриш давомийлиги 60 сутка). Қуроллари: иккита 20 мм.ли «Жиат-F2» автоматик қурилмаси ва иккита 12,7 мм.ли пулемёт. Кема бортида иккита «Супер Фрелон» вертолёти жойлашиши мумкин. Радиоэлектрон воситалар таркибига иккита навигацион радиолокация тизими, NAVSTAR приёмниги, шунингдек, «Сиракьюз» ва «Инмарсат» русумли йўлдош орқали алоқа станциялари киради. Махсус радиоэлектрон воситалар таркибига эса баллистик объектларни кузатувчи бир нечта радиолокация станциялари, телеметрия сигналларини қабул қилиш станциялари ва лазер масофа ўлчагич (дальномер) киради. Кема экипажи 10 нафар офицер, 46 унтер – офицер, 64 старшина ва матрослар, шунингдек, ўлчов комплексининг 100 нафар мутахассисидан иборат.

(«Зарубежное военное обозрение» журналидан олинган).



МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА МЕЖДУНАР АРОДНАЯ ПАНОРАМА МЕЖДУНАРОДН ДУНАРО МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА МЕЖДУНАР АРО КДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА МЕЖДУНАРОДН Д МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА МЕЖДУНАР А ДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА МЕЖДУНАРОДН ДУ МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА МЕЖДУНАР АРО ДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА МЕЖДУНАРОДН

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА

Успешный старт шаттла «Endeavour»

Шаттл «Endeavour» успешно стартовал с мыса Канаверал (штат Флорида). В соответствии с расчетами, «Endeavour» должен достичь Международной космической станции через два дня. Максимальная плановая продолжительность 22-й по счету экспедиции шаттла к МКС составляет 14 дней. Экипажу шаттла предстоит провести на околоземной орбите 11 суток и осуществить после стыковки с МКС три выхода в открытый космос для продолжения монтажа станции. Полет может быть продлен на три дня для дополнительного выхода в космос.

После землетрясения

Продлен срок действия режима чрезвычайной ситуации в пострадавшем от землетрясения сахалинском городе Невельске. Здесь продолжаются работы, связанные с ликвидацией последствий землетрясения: подключение систем жизнеобеспечения, эвакуация людей. Более 1600 семей подлежат эвакуации, пока эвакуированы 710 человек.

Обрушился мост

В США комиссия, расследующая обрушение моста в штате Миссисипи, пришла к выводу о том, что причиной обрушения конструкций моста стала непрочность подпорок (в них найдены трещины), на которых держался мост. Пока это лишь предварительная версия причин трагедии, пишет газета «The New York Times».

Строительство на границе

На ливанской территории, примыкающей к северной израильской границе, в последние три месяца развернулось широкое строительство. Вдоль границы появилось большое количество странных зданий, построенных неизвестно кем для непонятных целей, сообщает «NEWSru Israel» со ссылкой на «Maariv». Израиль подозревает террористов «Хизбаллаха». Возможно, построенные объекты служат гражданским целям, но нельзя исключить, что радикальная шиитская группировка «Хизбаллах» возводит укрепления, пишет издание.

Нападение на госучреждения

Неизвестные, вооруженные автоматами и гранатометами, напали на несколько государственных учреждений в городе Марибе на севере Йемена. По словам свидетелей, около двух часов ночи боевики напали на правительственные здания, полицейские блокпосты и электроподстанцию, сообщает AFP. По словам очевидцев, в Марибе и его окрестностях много полиции. Между тем, официальные лица в Йемене пока не подтвердили факт ночного нападения. О погибших и раненых пока не сообщается.



Ошибка «Google»

Компания «Google» случайно удалила свой блог «Custom Search Blog», посчитав его спамом. Об этом сообщает «InfoWorld». Сначала читатели решили, что блог «Google» взломали. Позднее выяснилось, что блог был удален самой «Google» по ошибке. Ошибка была быстро исправлена, и сейчас «Custom Search Blog» снова работает в нормальном режиме.

Карманные компьютеры на службе

Сотрудники ДПС Гражданской гвардии (жандармерии) Испании будут выписывать штрафы за нарушения на дорогах при помощи карманных компьютеров, сообщает газета «El Pais». Новые устройства будут иметь доступ к базе данных через GPRS и предоставят всю необходимую информацию о нарушителе, если ввести номер его автомобиля или данные водительского удостоверения. Также будет видно, просрочено удостоверение или нет.

Атакуют медузы

Более тысячи человек получили ожоги от медуз, которые заполонили пляжи на юге Испании, сообщает РИА Новости. Юго-восточный ветер, значительное повышение температуры и отсутствие дождей способствовали притоку со стороны Африки огромного количества медуз на пляжи. Одного из отдыхающих спасателям пришлось доставать из воды, когда он получил сразу два «укуса» медузы, после чего его тело парализовало.

(www.NEWSru.com).

БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

Участники IV Всемирных военных игр

БЫСТРЕЕ ВЕТРА – ЛЮБОВЬ ПЕРЕПЕЛОВА

Младшего сержанта Любовь Перепелову в мире легкой атлетики особо не надо представлять. Заслуженный спортсмен Республики Узбекистан, чемпионка Азии, она многие годы считалась признанным лидером на спринтерских дистанциях в 100 и 200 метров. Восстановившись после тяжелой травмы, Люба теперь готова вновь подтвердить титул быстрейшей бегуньи континента.

Свою первую и оттого самую дорогую медаль Люба завоевала на Азиатских играх 1998 года. Тогда молодой спортсменке доверили бежать этап в эстафете 4х100 метров, за которую сборная Узбекистана была награждена серебряной медалью. Этот успех в компании таких именитых спортсменок, как прославленная Людмила Дмитриади, очень вдохновил девушку.

– Она тогда была моим кумиром в спорте, – говорит Люба. – Именно благодаря Дмитриади я пришла в армейский клуб, тренировались вместе. Бежим мы одинаковые дистанции, но ревности к успехам друг друга у нас нет и не было никогда.

Вот и не верь после этого в женскую дружбу. Результатом успешного тандема двух подруг и талантливых спортсменок стал рекорд Узбекистана, установленный Любой в 2000 году, равный 11,04 секунды, ее звание чемпионки Азии на стометровке и серебряная медаль на 200 метров, завоеванные в столице Индонезии Джакарте.

Да и два года спустя, на XIV Азиатских играх, именно Любовь Перепелова защищала честь страны на спринтерских дистанциях. Защищала достойно, привезла домой серебряную и бронзовую медали. В том же 2002 году она успешно выступила на открытом чемпионате Малайзии, тогда в местной газете «New Sunday Times» появилась одобрительная статья тамошнего корреспондента с фотографией нашей спортсменки. Установив национальный рекорд этой страны, Люба почти на пять метров опередила лучшую бегунью Малайзии.

Любовь Перепелова возвратилась с чемпионата Азии 2003 года, опять имея в активе серебряную и бронзовую награды. А незадолго до этого выиграла на одной из своих дистанций Центральноазиатские игры в Душанбе. Таджикистан, к сожалению, запомнился Любе не только победами, но и острым пищевым отравлением перед эстафетой 4х100 метров.

Восхождение талантливой спортсменки, тренером которой является опытный наставник Валерий Казаков, должно было продолжаться дальше, но в 2005 году ее подстерегла серьезная травма поясничного нерва. Специалисты сомневались в ее возвращении в строй, и только поддержка близких родственников – мамы Натальи Васильевны, сестренки Маши, подруги Людмилы Дмитриади – да чисто армейский характер помогли ей добиться своего. Спустя почти полтора года Любовь Перепелова готовится вернуться на беговую дорожку. В сентябре ее ждут открытый чемпионат Вооруженных Сил и Кубок Узбекистана, а в октябре – Всемирные военные игры.

Недаром говорится, что нет худа без добра. В период перерыва в спорте Люба устроила личную жизнь. Супруг Станислав – строитель, но за жену обещает «болеть» неистово. Кстати, сама она по гороскопу Рыба, то есть эмоции перед стартом ей особо не мешают. Пожелаем же младшему сержанту Л.Перепеловой и в Хайдарабаде вновь бежать быстрее ветра к золотой медали.

Майор Ермурат АЙНАТДИНОВ.

СПОРТ КАЛЕЙДОСКОПИ

Франциянинг Хендай шаҳрида кураш бўйича Ўзбекистон Президенти Гран-при халқаро турнир бўлиб ўтди. Ушбу мамлакатда илк маротаба Франция, Испания, Ҳиндистон, Португалия, Россия, Украина сингари дунёнинг йигирмадан ортиқ давлатидан келган полвонлар ғолиблик учун гиламга чиқдилар.

Ўсмирлар, ёшлар, катталар ва фахрийлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда ҳамюртларимиз ҳам муносиб иштирок этишди. Якунда курашчиларимиз умумжамоа ҳисобида олтита олтин, еттита кумуш ва учта бронза медалига сазовор бўлдилар ҳамда умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгалладилар.

●

Объявлены имена футболистов, вошедших в состав символической сборной чемпионата Азии, прошедшего 7–29 июля этого года в Таиланде, Малайзии, Вьетнаме и Индонезии.

Специалисты одного из престижных интернет-сайтов футбольного мира www.goal.com отобрали 11 футболистов из выступивших на чемпионате 16 национальных сборных команд, которые показали лучшую игру на данном турнире. Так, в качестве сильнейших игроков нашего континента в состав символической сборной попали два футболиста национальной сборной Узбекистана, дошедшей на турнире до четвертьфинала. Это защитник Виталий Денисов и полузащитник Сервер Джепаров.

●

Сингапурда шахмат бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида навбатдаги Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси давом этмоқда. Биринчи турда ўзбекистонлик ёш шахматчилар Австралиянинг 3 жамоасини 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Иккинчи турда эса улар Шри-Ланканинг биринчи жамоасини 3:1 ҳисобида ортда қолдиришди.

Эслатиб ўтамиз, Бутунжаҳон болалар ва ўсмирлар шахмат олимпиадасида 33 та жамоа вакиллари бош соврин учун баҳс юритмоқда.

●

Представители Национального авиационно-спортивного клуба (НАСК) ОСО «Ватанпарвар» заняли в общем зачете третье место в открытом чемпионате Вооруженных Сил Казахстана по парашютному спорту.

«Бронзу» в личном зачете по воздушной акробатике завоевал Тимур Азибеков (у него более двух тысяч прыжков) и подтвердил мастерское звание. В прыжках на точность приземления на третью ступеньку пьедестала поднялся инструктор НАСК Родион Хасанов.

●

Профессионал боксниг ўта оғир вазнида WBA (Халқаро бокс ассоциацияси) йўналиши бўйича жаҳон чемпиони ҳамюртимиз Руслан Чагаев ва WBO (халқаро бокс ташкилоти) йўналиши бўйича жаҳон чемпиони россиялик Султон Ибрагимов ўртасидаги қўш камар учун бўладиган жанг номаълум муддатга қолдирилди.

Эсингизда бўлса, мазкур жанг жорий йилнинг 13 октябрь куни Москвадаги «Муз саройи»да бўлиб ўтиши кўзда тутилганди. «Спорт Сегодня» нашрининг хабарида айтилишича, ҳамюртимиз Руслан Чагаевнинг бетоблиги сабабли жанг қолдирилган. Шифокорларнинг айтишича, Руслан яқин уч ой ичида машғулотларда ҳам қатнаша олмайди. Унинг менежери тиббий хулосалар ва бошқа зарур маълумотларни ташкилотчиларга тақдим этган.

Энди Султон Ибрагимов америкалик боксчи Эвандер Холифилдга қарши жангда WBO чемпионлик камарини ҳимоя қилади. Мазкур мусобақа 13 октябрь куни ўтказилади.

Хотира

САМОДА ҚОЛГАН ЮЛДУЗЛАР

1979 йил 11 август! Бу кун ўзбек футбол мухлислари ёдида бир умрга муҳрланиб қолди. Маҳаллий вақт билан соат 13 дан 35 дақиқа 38 сония ўтганда Тошкент – Гурьев – Донецк – Минск йўналишида учаётган самолёт Челябинск – Воронеж – Кишинёв йўналишидаги самолёт билан Днепропетровск вилоятининг Куриловка қишлоғи осмонида, 8400 метр баландликда тўқнашди. Авиаҳалокат натижасида икки самолётдаги 178 киши ҳалок бўлди. Бевақт ҳалок бўлганлар орасида «Пахтакор» футбол жамоасининг 17 нафар аъзоси ҳам бор эди...

Ўзбекистонимизда ёрқин истеъдодли футболчиларимиз ҳам, ашаддий футбол ишқибозлари ҳам кўп. Бежиз 1956 йилдаёқ Тошкентда 60 минг томошабинга мўлжалланган «Пахтакор» стадиони қурилмаган. Айнан шу стадионда, «Пахтакор» жамоаси таркибида нафақат ўзбек футболининг, балки жаҳон футболининг фахрига айланган юлдуз футболчилар камолга етишди. Улар ўзларининг жозибали ўйинлари билан футбол мухлисларига олам-олам завқу шавқ бағишлади.

Ўтган асрнинг 70 йилларида ҳам жамоа таркибидаги ғайратли, истеъдодли, келажаги порлоқ навқирон футболчилар «Пахтакор» шуҳратига шуҳрат қўшишди. Улар иштирокидаги «Пахтакор» жамоасининг ҳар бир ўйини футбол мухлисларимиз учун байрамга айланарди. Афсуски, бу футбол ўйинлари кино ленталарида сақланиб қолмаган. Лекин уларнинг яшил майдондаги жозибали ўйинлари ҳамон кўз ўнгимизда, хотирамизда.

Ҳозирги кунда футбол кўрсатувларида Марадона ва Роналдонинг 4-5 футболчини алдаб ўтиб гол киритганини «энг чиройли гол» сифатида тез-тез намойиш этишади. Тўғри, бу голлар футбол усталари томонидан чиройли амалга оширилган. Бироқ «Пахтакор-79» ҳужумчиси Владимир Фёдоровнинг ўз жарима майдони яқинида тўпни қабул қилиб, катта тезликда рақиб жамоанинг деярли барча футболчиларини алдаб ўтиб, кучли зарба билан гол киритганини кўрганмиз. Ана ўша голлар «энг чиройли гол» дейишга лойиқдир.

Ўша йилларда «Пахтакор-79» жамоаси футбол мухлисларимизнинг қувончига айланганди. Ўзбекистондан ташқарида яшовчи мутахассислар ҳам «Пахтакор-79» ҳақида фикр билдирганда: «бу жамоа яқин йилларда мамлакат чемпионатида юқори ўринларни эгаллайди, УЕФА кубокларида қатнашиб Европани лол қолдиради», деб қўйишарди. Бу фикрларда асос бор эди. Владимир Фёдоров «Олимпиада-76» бронза медали, Михаил Ан эса ёшлар ўртасида Европа чемпионати олтин медали билан тақдирланганди. «Пахтакор-79» жамоасининг бошқа футболчилари ҳам айни кучга тўлишган даври эди.

Афсус... 1979 йил 11 августда рўй берган авиаҳалокат «Пахтакор-79» жамоасининг ёрқин юлдузларини самода олиб қолди. Ҳануз кўзларимиз самода, орзуларимиз, армонларимиз самода. Энди уларни эслаганда кўксимизда нимадир портлайди. Уларнинг руҳларини шод этиш учун сукут сақлаб, номма-ном эслаймиз: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Идгай Тазетдинов, халқаро тиқёсдаги спорт усталари Михаил Ан, Владимир Фёдоров, спорт усталари – Олим Аширов, Равил Агишев, Константин Баканов, Юрий Загуменных, Александр Корчёнов, Николай Куликов, Владимир Макаров, Сергей Покатилов, Виктор Чуркин, спорт усталигига номзодлар Сирожиддин Бозоров, Владимир Собиров, Шуҳрат Эшбутаев, жамоа маъмури Мансур Толибжонов, жамоа врачи Владимир Чумаков.

Уларнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида ёдгорликлар ўрнатилди. Кўчаларга, мактабларга марҳум пахтакорчиларнинг номлари қўйилди. Болалар, ёшлар, ҳаваскорлар, фахрийлар ва профессионал футболчилар ўртасида «Пахтакор-79» жамоасига бағишланган хотира мусобақалари ўтказилаяпти. 9 май – Хотира ва кадрлаш куни ва албатта, 11 август кунида уларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар уюштирилади.

Йиллар ўтаверади, яшил майдонлар узра тўплар садоси янграр экан, биз марҳум пахтакорчиларни соғинаверамиз, уларнинг ўринларни билинаверади. Эътибор берсангиз, жаҳон футболидаги таниқли мураббийлар 50-60 ёшларда. «Пахтакор-79» аъзолари ҳам ҳаёт бўлишганида шундай ёшга қадам қўйишарди. Улар маҳоратли футболчи бўлишганидай, маҳоратли мураббийлар бўлиб камолга етишарди. Қайси биридир миллий терма жамоамизни Осиё кубогида, жаҳон чемпионатларида ғолиблик сари етаклаб борарди. Афсус... Энди «Пахтакор-79» қалбларимизда, ёзган китобларимизда, мақолаларимизда, шеърларимизда яшайверади.

Асрор МЎМИН.

Военное многоборье

КАШКАДАРЬИНЦЫ – НА ВЫСШЕЙ СТУПЕНИ



На спортивной базе Организации содействия обороне «Ватанпарвар» города Чирчика завершилось лично-командное первенство Узбекистана по военному многоборью среди призывников, посвященное всенародному празднику, – 16-летию независимости нашей Родины.

В программу соревнований были включены 9 видов спорта: пулевая стрельба, бег на 100 м, вождение автомобиля, прыжки в длину, преодоление полосы препятствий, кросс на 3000 м, подтягивание на перекладине, метание гранаты и плавание.

Хотелось бы сразу отметить, что в этих соревнованиях принимали участие физически крепкие и выносливые, готовые к трудным испытаниям призывники Республики Каракалпакстан, из всех областей страны и г.Ташкента.

В результате интересных, захватывающих состязаний, проходивших в течение трех дней, были выявлены победители первенства.

В первый день соревнования проходили по трем видам спорта: по стрельбе из пневматической винтовки, бегу на 100 м и вождению автомобиля. Здесь лучшими оказались представители города Ташкента – Гулом Кадыров (пулевая стрельба), Сурхандарьинской области – Отабек Хакимов (бег на 100 м) и Бухарской области – Шавкат Мухаммедов (вождение автомобиля).

Во второй день были определены победители по прыжкам в длину, преодолению полосы препятствий и кроссу на 3000 м. Ими стали Элбек Уланов (Кашкадарьинская область), Голибжон Уринбаев (Андижанская область) и Нормат Сабиров (Хорезмская область).

В третий, заключительный, день первенства призывники соревновались в подтягивании на перекладине, метании гранаты и плавании. В упорном соперничестве вырвали победу Зафар Суяров (Самаркандская область), Музаффар Махмудов (Ферганская область) и второй представитель Кашкадарьинской области Аброр Жавлонов. Как и предполагалось, команда Кашкадарьинской области завоевала общекомандное первое место. Второе место заняли самаркандцы, и третье – у молодых людей из Хорезмской области.

Победители – «личники» и команды – были награждены ценными призами и дипломами.

Майор Х. ЗАЙНИЛОВ.

Футбол. Ўзбекистон чемпионати. Олий лига.

ИККИНЧИ ДАВРА БОШЛАНДИ

«Осиё кубоги – 2007» мусобақалари ўтказилиши муносабати билан бироз чўзилган давролараро танаффус ҳам ўз якунига етиб, олий ва биринчи лига жамоалари 2-давра ўйинларини бошлаб юборишди.

Кўпчилик жамоалар оралиқ танаффус мобайнида ўз таркибларини мустаҳкамлаб олиш, бўлажак ўйинларга пухта тайёргарлик кўриш борасида анча ишларни амалга оширдилар. Ёзги трансфер имкониятларидан айниқса, Тошкентнинг «Қурувчи» жамоаси унумли фойдаланиб, ўз таркибини Г. Гочкулиев, А.Ҳайдаров, В.Пономарёв, С.Жўраев, И.Мўминжонов каби кучли футболчилар билан тўлдириб олди. Бошқа жамоаларда ҳам баъзи ўзгаришлар амалга оширилди.

Куни-кеча ўтказилган 16-тур учрашувларига эътибор қаратадиган бўлсак, 2-давра ўйинлари янада муросасиз баҳсларга бой бўлиши, совринли ўринлар учун кураш олиб бораётган жамоаларга осон бўлмаслиги яққол намоён бўлди. Масалан, «Локомотив» – «Пахтакор» учрашувида аутсайдерлардан бирига айланган темирйўлчилар жамоаси мамлакат чемпионини анча тер тўкишга мажбур қилиб, тенгма-тенг қаршилик кўрсатди. Фақат учрашувнинг 89-дақиқасида ўз жарима майдонларида хатога йўл қўйган мезбонлар 11 метрлик жарима тўпи билан жазолангани ҳамда уни А.Гейнрих томонидан аниқ амалга оширилиши пахтакорчиларнинг қимматли очколарни йўқотишларига йўл қўймади. Турнинг марказий учрашувида эса Фарғонанинг «Нефтчи» ва Тошкентнинг «Қурувчи» жамоалари ўзаро баҳс олиб боришди. Таркибни анча кучайтириб олган «Қурувчи» майдон эгаларига қарши чиройли ўйин кўрсатиб, 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди ва турнир жадвалида 2-поғонага кўтарилиб олди.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Шўртан» – «Қизилқум» – 1:1, «Металлург» – «Бухоро» – 2:0, «Вобкент» - «Тўпаланг» – 2:2, «Трактор» – «Навбаҳор-Н» – 3:0, «Андижон» – «Насаф» – 1:1, «Машъал» – «Самарканд-Д» – 3:1.

Чемпионатнинг навбатдаги тур учрашувлари 16-17 август кунлари бўлиб ўтади.

●

Шунингдек, Ўзбекистон кубоги мусобақаларининг чорак финал дастлабки учрашувлари ҳам бўлиб ўтди ва уларда қўйидаги натижалар қайд этилди:

«Қурувчи» – «Андижон» – 3:0, «Насаф» – «Нефтчи» – 1:0, «Шўртан» – «Машъал» – 3:3, «Пахтакор» – «Самарқанд-Д» – 2:0.

Мазкур босқичнинг жавоб учрашувлари 11 август куни бўлиб ўтади ва ярим финалга йўл олган жамоалар номи аниқланади.

М.САЙДИВАЛИЕВ.

Атлетический клуб будущего воина

РАЗВИВАЕМ ТРАПЕЦИЕВИДНЫЕ МЫШЦЫ

ДВИЖЕНИЯ ГРЕБЦА СТОЯ (СО ШТАНГОЙ)

Движения гребца стоя – великолепное упражнение для развития трапециевидных и дельтовидных мышц, а также бицепсов и предплечий. При развитии плечевого пояса пусть чередуются дни, предназначенные для выполнения данного упражнения, с днями, в которые вы будете выполнять пожимания и другие упражнения для плеч.



Выполнение движений гребца стоя

Возьмитесь за гриф штанги хватом сверху. Руки вытянуты вниз, как показано на фотографии. Поднимайте штангу вверх вдоль линии тела, локти также должны двигаться вверх, все время оставаясь на уровне рук. Поднимите гриф штанги выше уровня груди. Медленно опускайте гриф, возвращаясь в исходное положение. Это упражнение может быть также выполнено при хвате рук уже ширины плеч, но будьте осторожны, увеличивая нагрузку на плечи.

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ

«Бутун дунё ҳамжамияти бизнинг буюк тарихимиз ва маданиятимизни эътироф этиб, бугунги кунда бизни шу ном билан танийди ва ҳурмат қилади», дейди Президентимиз. Дарҳақиқат, биз жаҳон майдонида куни кеча пайдо бўлган халқ эмасмиз. Неча-неча минг йиллардан бери миллатимиз, халқимиз ўзининг бой маданияти, тарихи билан яшаб келмоқда. Ҳатто, бу борада дунё тамаддунида ҳам ўз ўрнимизга эгамиз.

Таъкидлаш лозимки, бу азал-азалдан халқимиз бунёдкорлик, яратувчанлик руҳи билан ёниб яшаганидан дарак беради. Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг қудратимизга шубҳангиз бўлса, биз қурдирган биноларга боқинг, деган гаплари замирида ҳам айнан халқимизнинг гўзал қадрияти – бунёдкорлиги мужассам. Айниқса, истиқлол йилларида юртимиз янада яшнамоқда, шаҳар ва қишлоқларимиз қайта чирой очмоқда. Шу билан бирга, аждодлардан мерос бой тарихий обидаларимизни ҳам таъмирлаб, обод этиб, уларга муносиб ворис эканлигимизни исботламоқдамиз. Энг муҳими, ўсиб келаётган ёш авлод қалбида бундайин бойликларимизни асраб-авайлаш ҳиссини кучайтиряпмиз, уларга бебаҳо дурдоналаримиз бўлган – Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа мўйсафид шаҳарларимиздаги дунёга машҳур тарихий обидаларимизни бор «бўй-басти» билан қолдиряпмиз.

Бир сўз билан айтганда, фахримиз, ғуруримиз манбаи бўлган тарихий обидаларимиз халқимизнинг буюк даҳосидан сўзлаб тургандек.



Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Долзарб мавзу

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Айниқса, кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқаси кенгайиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Мазкур алоқалар маданий-маърифий, тарбиявий ишларнинг яхшиланишига, халқ ва армия якдиллигини мустаҳкамлашга яқиндан ёрдам бермоқда. Ҳарбий жамоаларда ҳар бир байрам ва тантаналарнинг биргаликда нишонланиши, қисм ва муассасаларга ёзувчи ва олимлар, зиёлилар, ота-оналарнинг мунтазам ташрифи бунга яққол мисол бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ўртасидаги Қўшма қарор ҳам бу борадаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаши, янги поғонага олиб чиқиши аниқ. «Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва муассасаларининг Ўзбекистон давлат музейлари билан ҳамкорлигини ташкиллаштириш тўғрисида»ги ушбу муҳим ҳужжатда ҳар икки томон учун ҳам ўзаро манфаатли бўлган кўплаб устувор масалалар назарда тутилган.

Қўшма қарорда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари онгида мустақил юрт тақдири учун масъулият ҳиссини мустаҳкамлаш, уларда маънавий-руҳий сифатлар, ватанпарварлик, фаол ҳаётий қарашларни камол топтириш, шахсий таркиб билан тарбиявий ишлар жараёнида мамлакатимиздаги кўплаб музейлар имкониятларидан кенг фойдаланишдек эзгу мақсадлар кўзланган. Албатта, мазкур кенг қамровли ишларни замон талаблари даражасида олиб бориш, унинг узлуксизлигини таъминлаш икки томондан ҳам алоҳида жонкуярликни, фидойиликни талаб этади. Яъни асосий масъулият округ қўмондонлари, олий ҳарбий таълим муассасалари бошлиқлари, қисм командирлари ва тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлар, жойлардаги маданият ва спорт ишлари бошқармалари бошлиқлари, давлат музейлари раҳбарлари зиммасига тушади. Негаки, яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш бевосита уларнинг саъй-ҳаракатларига боғлиқдир. Ўзаро ҳамкорлик алоқалари кўлами эса жуда кенг:

– Ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг давлат музейларига ташрифларини уюштириш;

– музейлар илмий ходимларини тарбиявий ишларга, шунингдек, асосан байрам ва дам олиш кунлари бўлиб ўтадиган турли маънавий-маърифий ва маданий тадбирларга жалб этиш;

Шуни қувонч билан таъкидлаб ўтиш жоизки, давлат музейларининг мавжуд илмий-услубий имкониятларидан ҳарбий округлар, қисм ва муассасалар тарихи музейларини бойитишда фойдаланиш, махсус ажратиладиган маблағлар ҳисобидан музейлар хазинасидан асар ва картиналар нусхаларини сотиб олиш аскар ётоқхоналари, ошхоналарини бадиий безаш, улар гўзаллигига гўзаллик, файзига файз қўшиш учун яна бир янги имконият, десак муболаға бўлмайди. Демак, ҳарбийларимиз музейлар ташкил этган кўргазмаларда янада фаол иштирок этишади. Маданий-маърифий тадбирларни ўтказишда яқиндан кўмак беришади.

Табиийки, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги вилоят бошқармалари бошлиқлари, музей раҳбарлари ҳам ҳарбийларимизни ўлкамиз тарихи, маданияти, санъати билан яқиндан таништириб, турли кўргазмалар, кечалар ташкил этиб, қисм ва муассасаларни янада файзли қилишга, тарбиявий ишлар сифатини яхшилашга бевосита ҳисса қўшадилар.

Қўшма қарорда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун шаҳар ва вилоятлардаги тарих, ўлкашунослик, санъат, адабиёт, археология ва табиат музейлари ҳамда вазирликлар томонидан масъул шахслар рўйхати илова қилинган. Энг муҳими, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун барча имкониятлар, шарт-шароитлар мавжуд. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов «Ватан ҳимоячиларига байрам табриги»да таъкидлаганидек: «Барча бўғиндаги командирларнинг энг муҳим вазифаси – армиядаги тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш, ҳар қайси ҳарбий хизматчи онгида мамлакатимиз тақдири учун чуқур масъулият туйғусини мустаҳкамлаш, уларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позицияни шакллантириш, ватанпарварлик ҳиссиётини кучайтиришдан иборат эканини яхши англаб олишимиз зарур». Қўшма қарорнинг мақсад-моҳияти ҳам айнан ана шу юксак вазифага қаратилгандир.

Марказий офицерлар саройи бошлиғи ўринбосари, Қуролли Кучлар Марказий музейи бошлиғи офицер Содиқжон Ортиқов биз билан суҳбатда мазкур қарор юзасидан ўз мулоҳазаларини шундай баён этди:

– Республика Мудофаа вазирлиги ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Қўшма қарорини мамнуният билан кутиб олдик. Бу муҳим ҳужжат жуда оқилона ўйланган ва ўз вақтида эълон қилинди. Ушбу ҳужжатни ўрганиш асносида унинг амалда қўлланилиши ҳарбий қисм ва муассасаларда тарбиявий ишлар жараёнини янада юксак даражага олиб чиқишига аминмиз. Қўшма қарор маънавий-ахлоқий тарбияда муҳим омил сифатида хизмат қилиши ҳеч шубҳасиздир.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

ЎҚУВ ЙИЛИНИ – ЯНГИ МАКТАБДА

Маълумки, юртимизда яшаётган ҳар қайси оила ва фуқаро, мамлакатимиз ва жамиятимиз истиқболининг янада юксалишини ўзи учун мақсад қилиб олган ва шу интилишни ҳаётга изчил татбиқ этаётган умуммиллий дастурларимиз – Кадрлар тайёрлаш, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат дастурлари бугуннинг ўзидаёқ самарасини кўрсатмоқда.

Таъкидлаш лозимки, Юртбошимиз ташаббуси билан 2004 – 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ишлаб чиқилгани ва ҳаётга татбиқ этиб келинаётгани эса мазкур йўналишдаги эзгу ишларимизнинг узвий давоми бўлди, дея баралла айта оламиз.

Дастур натижасида мактаб таълим тизимини тубдан яхшилаш, замон талабларига, андозаларига мос келадиган моддий-ўқув базани шакллантириш, шаҳар ва қишлоқ мактабларининг моддий базаси ва таъминоти даражасидаги тафовутни босқичма-босқич бартараф этиш, ўқитувчилар меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш кабилар амалга оширилмоқда.

Яқинда, истиқлолимизнинг 16 йиллик тўйи арафасида Сурхондарёнинг Бойсун туманидаги тоғли Дарбанд қишлоғида 216 ўринли замонавий мактаб қад ростлагани ҳам таъкидланаётган дастур самарасидир.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси қурувчилари бунёд этган, барча замонавий қулайликларга эга мактаб дарбандлик болалар учун янги ўқув йилига муносиб бир совғадир.

Ўз мухбиримиз.

«КУЧ – БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА»

Истиқлол берган имкониятлар ҳақида гап кетганда, мисолни бугунги ёшлар ҳаётидан келтирсак, айни ҳақиқат бўлади. Чунки уларнинг истеъдоди ва қобилиятини рўёбга чиқаришда мустақиллик қандай имкониятлар берганини бутун кўп соҳаларда ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Мустақиллик кашф этган ёшлар ўз интеллектуал салоҳияти, билими билан дунёни лол қолдирмоқда ва ўзбек фарзандлари ҳеч кимдан кам эмаслигини амалда исботлашмоқда. Ана шундай иқтидорли ёшлардан бири ёш тилшунос олим Жасур Зиёмуҳамедовдир.

Жасур Зиёмуҳамедов мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ тил ўрганишга бўлган қизиқиши сабаб, хитой тилини қунт билан ўргана бошлади. Маълум вақт ўтгач эса устозларининг меҳнатлари ва ўзининг интилишлари ўз самарасини кўрсатди. У республика ўқувчилар олимпиадасида хитой тили бўйича 1-ўринни қўлга киритди. Бу унинг иқтидорига берилган биринчи баҳо эди. Шу боис, бу муваффақият Жасурни янада юксак чўққиларни забт этишга ундади ва ўз устида тинимсиз ишлашни канда қилмади. Ёшларнинг келажакда қандай инсон бўлиб вояга етиши кўп жиҳатдан улар танлаган йўлга боғлиқдир. Чунки ана шу йўли орқали у жамиятнинг фаол аъзоси, фаровонлиги таъминланган оила соҳиб ва соҳибаси, буюк келажакнинг чинакам яратувчиси бўлади. Мана шуларни доимо ёдида сақлаган ёш олим фақат тил ўрганишда эмас, балки бошқа фанларни ҳам аъло даражада ўзлаштириши билан тенгдошларидан ажралиб турарди. Натижада устозларининг олқишига сазовор бўлди. Бундан ота-онасининг ҳам боши кўкка етди.

У 1993 йил мактабни олтин медаль билан тамомлагач, Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Хитой филологияси факультетига имтиҳонларсиз қабул қилинди. Жасур институтда ҳам ўз фаоллигини сусайтирмади. Устозлар бераётган ҳар бир сабоқни астойдил ўргана бошлади. Бўш вақтларида эса кутубхонага бориб, ўз билимини янада бойитди.

Маълумки, хитой тили дунё тиллари ичида энг кўп иероглифлар (ҳарфга эга бўлган мураккаб тил ҳисобланади. Шу боис, мазкур тилни мукаммал ўзлаштириш истагида бўлган одамдан кўпроқ изланиш, интилиш ва ҳаракат талаб этилади. Жасур эса мактаб давридаёқ бу фазилатларни, қонун-қоидаларни сингдириб улгурганди. Шу боис ҳам унга институтдаги сабоқ унчалик қийинчилик туғдирмади. Натижада эса институтни ҳам аъло баҳоларга тамомлаб, хорижий мамлакатлар тарихи факультетида хитой тили ва адабиёти фани ўқитувчиси сифатида ўз фаолиятини бошлади. Шу орада у давлатлараро келишувга биноан грант асосида Пекин шаҳридаги педагогика университетидаги малака ошириш курсида таълим олиб қайтди.

Бу курсда олган сабоқлари давомида унда хитой халқ ривоят ва новеллаларига бўлган қизиқиши ортди. Шу боис, у ердан қайтганидан сўнг икки бобдан иборат «Ляо Жай ривоятлари»ни ўзбек тилига таржима қилди ва 2003 йилда уни нашрдан чиқарди. 2005 йилда «Пу Сунглингнинг сеҳрли новеллалари» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2006 йилда эса «Тан даври» новеллалари номли ўқув қўлланма нашрдан чиқди. Ўша йили у «Fond Forum UZ» кўрик-танловида иштирок этиб, «Ўқитувчи» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди ва жамғарма стипендияси совриндори бўлди.

–Энг аввало эришган бу муваффақиятларимни машаққатли меҳнатнинг самараси деб биламан. Кўп йиллар давомида хитой тили бўйича сабоқ олдим ва ҳозир ушбу билимларимни ёшларга ўргатишга ҳаракат қилаяпман. Жуда кўпчилик мендан нега айнан хитой тилини ўрганганимни сўрашади. Тўғриси, бу тилнинг мураккаблиги менда қизиқиш уйғотган. Лекин ўзимда кучли хоҳиш-истак бўлганлиги сабаблими, менга ҳеч қачон қийинчилиги сезилмаган. Кўпчилик ёшлар бу тилни ўрганишдан чўчийди. Барибир охиригача ўргана олмайман, деб ўйлашади. Бироқ астойдил интилган киши ўз ниятларига албатта, етишади. Деярли ҳар куни шу тил орқали мулоқотда бўламан. Агар бирор кун ўз устимда ишламасам, шунча йил ўрганганларим ёдимдан чиқиб кетаётгандек туюлади. Шу боис, деярли ҳар сафар дарсга киришимдан аввал, гарчи ўтиладиган мавзу менга таниш бўлса-да, бир марта такрорлаб оламан. Биласизми, хитой тилида олтмиш мингдан зиёд иероглиф бор бўлиб, шундан уч мингдан ошиғини билганлар бемалол бу тилда сўзлай олиши, асарлар таржима қилиши мумкин. Келажакда олдимда турган энг катта мақсад – хитой тилидаги кўпгина ноёб китобларни ўзбек тилига таржима қилиш.

Биз Жасурнинг сўзларини тинглар эканмиз, унинг сиймосида бугуннинг интилувчан ёшларини тасаввур қилдик. Шундай экан, унга келажакдаги барча орзу-ниятига етишиши учун оқ йўл тилиб қоламиз.

Мухлиса МУҲИТДИНОВА.

Аҳоли муҳофазаси – муҳим мезон

БОЛАЖОНЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ КЎЗЛАБ

Тошкент вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари томонидан Бўстонлиқ, Паркент ҳамда Пискент туманларида жойлашган болалар оромгоҳларида фуқаро муҳофазаси бўйича қилинган ишлар ўрганиб чиқилди. Ана шундай тадбирлардан бири яқинда «Чимён» болалар ёзги дам олиш оромгоҳида ўтказилди. Амалга оширилаётган ушбу тадбирлар асосан, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда "Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича" Республика доимий комиссияси кенгайтирилган мажлисининг 2007 йил 4 майдаги баёни, Фавқулодда вазиятлар вазирининг 2007 йил 1 майдаги буйруғи ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар талаблари ижросини таъминлаш мақсадига хизмат қилмоқда.

Барча оромгоҳлар кўргазмали материаллар ва услубий қўлланмалар билан таъминланган. Жойларда "Фуқаро муҳофазаси" хонаси ташкил этилиб, юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда дам олувчи болалар хавфсизлигини таъминлаш борасида аниқ режалар ишлаб чиқилган. Мавжуд авария-қутқарув ҳамда сувда қутқарув асбоб-анжомларининг техник созлиги ва жанговор шайлиги талаб даражасида.

Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари томонидан оромгоҳларда юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда амалий ҳаракат қилиш режалари, табиий, техноген ва экологик хусусиятли фавқулодда вазиятлар, уларнинг таснифи ҳамда улар содир бўлганда амалий ҳаракат қилиш бўйича эслатмалар, буклетлар ишлаб чиқилиб, оромгоҳ раҳбарларига тарқатишгани ҳам эътиборга лойиқ.

Хавфсизлик ҳамиша сергакликни, ҳушёрликни талаб этади. Бунинг учун оромгоҳлардаги ҳолат доимий равишда ўрганилиши, оилада, боғча, мактаб, академик лицейларда хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Умида ҲАСАНОВА,
Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси «Ахборот гуруҳи» етакчи мутахассиси.

Анжела ШПУНИНА – выпускница академического лицея, что само по себе уже красноречиво говорит об увлеченности девушки дорогой в мир новых знаний. Первого августа Анжела, как и тысячи других молодых девушек Узбекистана, сдавала тесты в один из столичных вузов. И теперь симпатичная абитуриентка очень хочет оказаться в заветном списке счастливых студенток первого курса. Как и все ее ровесницы, Анжела любит музыку, активный образ жизни, мечтает внести достойный вклад в процветание нашей Родины. Она понимает, что для покорения вершин успеха в этой жизни одной красоты не всегда бывает достаточно, поэтому интеллект – верное оружие девушки.

ҚИЗИМ, ДИЛБАНДИМ!

Рангингизнинг тиниқлиги, терингизнинг силлиқлиги, зулфингизнинг қоралиги – ёшлигингиз, соғломлигингиздан нишона. Уларнинг узоқ вақт шундай бўлиб қолишини жуда-жуда истайсиз, албатта. Шундай экан, кунда эрталаб барвақт туринг. Ишни эрталабки бадантарбиядан бошланг. Бадантарбия сизга бугун беўхшов бўлиб кўринаётган гавдангизни расолайди, мушакларингизни тўғри шакл олдиради. Мунтазам бадантарбия қилиш оқибатида сиз қўл-оёқларингизни ўзингизга бўйсундирибгина қолмай, тобора иродали, мақсадли, саботли, бошқаларга меҳрли бўла борасиз. Бу фазилатлар келажак ҳаётда сизга жуда асқотади!

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН

Стоит задуматься о поездке. Если прямо сейчас все спланировать, путешествие окажется очень удачным. Возможны конфликты на работе, поэтому лучше поменьше общаться с коллегами.

ТЕЛЕЦ

Возможно неожиданное изменение места проживания или работы. Хорошее время для начала обучения чему-нибудь. Будут удачны переговоры с деловыми партнерами.

БЛИЗНЕЦЫ

Соберитесь с силами для нового дела. Постарайтесь не идти напролом, отложите дело на несколько дней. Не затевайте ссор по пустякам со своими домашними.

РАК

У вас появится возможность заложить фундамент для крупных позитивных перемен. Вероятны трудоемкие мероприятия, связанные с наведением порядка в делах.

ЛЕВ

Дела на работе могут складываться весьма успешно, особенно в вопросах карьеры. Вспомните о старых друзьях. Не забудьте пригласить друзей и знакомых в гости.

ДЕВА

Могут поступить предложения о смене работы, но сначала хорошо все продумайте. Откажитесь от дальних поездок. Ваши конструктивные предложения понравятся руководству.

ВЕСЫ

Не перегружайте себя работой: вам необходимо полноценно отдохнуть. Постарайтесь управлять своим эмоциональным состоянием. Родственники окажут помощь в неотложных проблемах.

СКОРПИОН

Воспользуйтесь помощью друзей, близких, коллег. Сейчас хорошее время для повышения интеллектуального уровня. Вы с легкостью сможете налаживать контакты.

СТРЕЛЕЦ

Ваше положение и состояние значительно улучшатся, появится шанс восстановить свои позиции и плодотворно работать. Но не переоцените свои силы.

КОЗЕРОГ

Дела пойдут легко, вы будете себя хорошо чувствовать и преуспеете практически во всех начинаниях. Могут произойти важные события. Стоит серьезно задуматься о предстоящем отдыхе.

ВОДОЛЕЙ

Вам потребуются неожиданный подход и быстрая реакция на изменение ситуации. Не стоит рассчитывать на мгновенные результаты. Высока вероятность заключения выгодных договоров.

РЫБЫ

Вероятно интересное знакомство с новыми партнерами. Деловая поездка в приятной компании может оказаться удачной. У вас появится возможность переехать в другой город.

АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

ЖОН ХОЖИМУХАММЕДОВ
ЖИМУХАММЕДОВ

ОЛАМНИ ЁРҚИНРОҚ КЎРИНГ

Инсон ҳаётида кўз муҳим роль ўйнаши сир эмас. Айнан кўз туфайли биз 90 фоизга яқин маълумотни қабул қиламиз. Чунки мана шу бебаҳо гавҳар дунёни қандай бўлса шундайлигича тасаввур қилишимизга ёрдам беради. Бир лаҳза кўзингизни юминг, бутун борлиқни зулмат қоплаб, ўзингизни ҳадсиз-ҳудудсиз коронғулик қуршовида қолиб кетгандек ҳис қиласиз. Ўйлаб кўринг-а, нақадар даҳшат. Ана шундагина биз кўзларимизсиз ҳаёт кечириш жуда қийин бўлишини тушунамиз. Тушунамизу, барибир кўзларимизнинг соғлиғига унчалик эътибор беравермаймиз. Халқимизда соғлиқнинг қадри касал бўлганда билинади, деган гап бор. Шу боис ҳам ҳар биримиз кўзларимизни авайлашимиз, уни саломат сақлашга ҳаракат қилишимиз зарур. Аксариятимиз кўзимиз оғриса ёки унга шикаст етсагина, кўз шифокорига мурожаат қиламиз. Дунё офтальмологларининг таъкидлашларича, йиллар ўтиши билан ҳар қандай одамнинг кўриш қобилияти сусайиб борар экан. Бунга эса жуда кўп китоб ўқиш, телевизор ёки компьютер қаршисида соатлаб ўтириш сабаб бўлади. Бироқ кўз нури пасайганини сезиш ҳам осон иш эмас. Бунинг учун махсус текширувлардан ўтиш зарур. Хўш, бундай ташвишларга йўлиқмаслик учун қандай чора кўриш керак? Хориждаги кўпгина мамлакатларда кўриш қобилияти сусайган беморларга мўлжалланган «учинчи кўз» – махсус суратлар билан тўлдирилган машқлар тўплами яратилганига анча бўлган. Бу тўплам орқали беморлар кўзларини даволаб, кўриш қобилиятини бир маромда ушлаб туришга эришадилар. Яқинда дунё офтальмология фанида янгилик юз берди. Яъни бизнинг мамлакатимизда кўриш қобилиятини текшириш билан бир қаторда уни тиклайдиган биринчи «Стерео расмлар тўплами» яратилди. Ушбу тўплам муаллифи юртдошимиз Собиржон Хожимуҳаммедовдир.

Табиб табиб эмас, балки бошидан ўтган табиб, дейишади. Собиржон ака узоқ йиллар катаракта кўз касаллиги билан оғриди. Бормаган шифокори, кўрмаган касалхонаси қолмади. Охири Москва шаҳрига бориб, кўзини операция қилдирди. Уч марта уриниш яхши натижа бермаганидан кейин тўртинчи марта яна операция столига ётди. Хайрият, бу гал кўзлари даво топди. Лекин шундай бўлса ҳам кўз нурининг хиралиги тузалмади. Шундан сўнг ўзи мустақил равишда даволанишга киришди. Кўз касаллигига оид жуда кўп китобларни ўқиб, ўрганди. Натижада эса ўзи мустақил равишда тўплам яратиб, аввал ўзининг, кейин эса яқин инсонларининг кўриш қобилиятини тиклашга эришди. Қандай қилиб дейсизми, бу ҳақда яхшиси қаҳрамонимизнинг ўзидан эшитинг:

– Бир куни қўлимга ажойиб бир қўлланма тушиб қолди. Уни ўқиб чиқиб, худди кўзларимнинг нури яна асл ҳолига қайтадигандек хурсанд бўлиб кетдим. Чунки бу китобда кўзи яхши кўрмайдиган беморлар фойдаланса бўладиган махсус машқлар ҳақида ёзилган бўлиб, агарда уни мунтазам равишда қўлласа, 100 фоиз яхши кўриш мумкинлиги айтилган эди. Шундан сўнг қўшимча равишда бошқа қўлланмаларни ҳам ўқиб чиқдим. Мана шу стерео расмларни қандай яратишни ўргандим. Тинимсиз меҳнат ва изланишлар натижасида эса ушбу тўпламни тайёрлашга муваффақ бўлдим ва биринчи марта стерео расмлар орқали кўздаги касалликни текшириш мумкинлигини исботладим. Бу муолажани илк бор ўзимда синаб кўрдим. Ишонасизми, кўриш қобилиятим тикланиб, кўзойнаксиз бемалол китоб ўқий бошладим. Кейинчалик менда кўз нури паст беморларга ҳам ёрдам бериш истаги туғилди. Ушбу машқларни тўплам сифатида жамладим. Статистик маълумотларга қараганда, 70-йилларда дунё аҳолисининг 2 фоизида кўриш қобилияти паст бўлган бўлса, бугунги кунга келиб бу кўрсаткич 7 фоизни ташкил қилади. Бу дегани инсонларнинг йилдан-йилга кўз нурлари пасайиб кетаяпти. Стерео расмлар тўпламининг ичида кўзнинг кўриш қобилиятини аниқлаш, даражасини текшириш ва даволаш учун 16 та ҳар хил рангли, айниқса болаларнинг диққатини тортадиган қизиқарли расмлар бор. Нега деганда, мамлакатимизда истиқомат қилаётган етти ёшдан ўн ёшгача бўлган болаларнинг энг ками ўн беш-йигирма мингтасида стерео ногиронлик мавжуд. Маълумки, одам икки кўзи орқали нарсаларни аниқ ва равшан кўриши бинокуляр кўриш деб аталади. Катта ёшли инсонларда буни аниқлаш унчалик қийинчилик туғдирмайди. Лекин болалардаги бинокуляр кўриш қобилиятини аниқлаш бирмунча мушкул. Яъни ёш болани бирорта ҳам шифокор бинокуляр текширолмайди. Сабаби, ташхис қўйиш руҳият билан боғлиқ бўлади. Аксарият болалар шифокорлардан қўрқишади ва бу уларнинг руҳиятига таъсир қилади. Натижада эса текширув нотўғри чиқади. Мен тўплам тайёрлаётганда ана шу жиҳатларни ҳам эътиборга олдим. Энг муҳими, бу тўплам орқали ҳар ким уй шароитида ўзи ва оила аъзоларининг, айниқса, фарзандларининг бинокуляр кўриш қобилиятини аниқлаши, мунтазам машқлар орқали кўриш қобилиятини қайта тиклаши мумкин. Шу боисдан ҳам ушбу тўплам дунёдаги етакчи компанияларнинг кўз касалликларига ташхис қўядиган STEREO OPTIKAL CO INC асбобига қараганда анча қулайдир.

Тўпламни олиб, ундаги расмларни бир-бир кўздан кечира бошладим. Ҳаммаси ҳар хил кўринишга эга бўлган, турли нақшлардан иборат расмлар. Тўғрисини айтсам, расмларга қараб ҳеч нарсани англай олмадим. Буни кўрган Собиржон ака изоҳ бера бошлади:

– Бу тўпламдан фойдаланиш усули жуда содда. Лекин билмаган одам учун қийиндек туюлади. Бунинг учун уй шароитида ёруғ хонада махсус кўзойнак орқали стерео расмларга қарасангиз, аввалига ҳеч нарсани англамайсиз, ўн беш сониядан кейин эса мўъжиза юз беради. Суратлардаги шакллар юради ва бошқа шаклга киради. Машқларни қайта-қайта такрорлаш инсоннинг бинокуляр кўриш қобилиятини аста-секин тиклаб боради. Тўпламдан фойдаланаётганларнинг кўпчилигида дастлаб бошларида оғриқ туриши мумкин. Нега деганда, деярли 95 фоиз инсонлар кўзлари билан машғулот бажаришмайди. Шу боис, миядаги нейронлар ҳаракатсиз туради. Ҳаракатсиз нейронлар эса бир жойда қотиб қолади. Ҳар биримизнинг орқа миямизда кўриш маркази жойлашган. Биз расмлар орқали машқ бажарганимизда ана шу марказга жуда кўп нейронлар келади. Улар билан кўзимизга янги оқим, янги энергия келади. Натижада мия зўриқади ва бош ёки кўзимизда оғриқ туради. Бу ҳол икки-уч кундан сўнг ўтиб кетади. Шунинг учун ҳам бу оғриқлардан қўрқмасдан машғулотларни давом эттираверишингиз керак. Доимий равишда ушбу машғулотларни олиб борганингиздан сўнг кўриш қобилиятингиз аста-секин тикланаётганини сезасиз. Бу тўпламнинг яна бир жиҳати, ундан уч-тўрт маротаба фойдаланганингиздан сўнг кўзларингиз ўрганиб қолади ва агарда машғулотларни бажармай қўйсангиз, кўзларингизнинг ўзи талаб қилади. Бу эса кўриш қобилиятингизнинг тикланиши кафолатидир.

Гулнора ТУРСУНБОЕВА.

16 Қўшиқларда Ватан мадҳи

Шоир Султон Расулий қаламига мансуб қуйидаги шеърда жаннатмакон диёримиз, бағрикенг халқимиз, истиқлолимиз ўтли сатрлар орқали таърифу тавсиф этилган. Ўйлаймизки, ушбу ижод намунаси юрт посбонлари қалбидан чуқур жой эгаллайди.

ЭЙ, ВАТАН

Эй, Ватан, бағрингда ўсдим, йўқдир армоним менинг,
Тупроғинг олтиндан афзал, жонга дармоним менинг.

Тил ёрар бол, мева тўла ям-яшил боғ-роғларинг –
Олма-ю анжир, анорзор шаккаристоним менинг.

Атир анқир шабада турса ҳузурбахш, дардга даво,
Ром этар кўзларни боқса гул-гулистоним менинг.

Кекса-ю ёш яйрагай, завқланур турмуш гўзал,
Чарчамас наводан қушлар булбулистоним менинг.

Истиқлол қуёши кулгай зар сочиб осмонида –
Мустақиллик хуш ярашган офтобистоним менинг.

Мен Расулий бахтиёрман, чин ўзбек фарзандиман,
Шу қутлуғ диёрим эрур иймону жоним менинг.



ХОНТОҒИ

Нурота тоғ тизмаларида жойлашган сўлим ва хушманзара гўшалардан бири Хонтоғининг мафтункор табиати кишига завқ-шавқ, ҳузур-ҳаловат ва ором бағишлайди. Тоғнинг гўзаллиги, таровати, ҳусни-латофати ўзига ром этмай қўймайди. Чор атрофи осмонўпар Қўйтош ва Қорақуш чўққилари билан қуршалган Хонтоғи ҳақида халқ ўртасида кўплаб ривоятлар юради.

– Бу тоғу тошларда бўри, ёввойи чўчқа, тулки ва қуёнлар беҳисоб, – дея гапни узоқдан бошлади бизга ҳамроҳлик қилиб келаётган, етмишларни қоралаган тоғбеги Юсуф амаки. – Қарчиғай, қора қарға, сўфиқуш, ғазлай ва какликлар ҳам бисёр. Тунда ой ёруғида тошбақа юриш қилиб игналарини тарақлатиб туяқорин тиканлари аралаб юришган жайраларни айтмайсизми? Оҳулар ҳам инсон қадами етмаган баланд ўнгирларни макон тутишган.

Бу ривоятни ҳам ота-боболаримдан эшитганман.

Баҳорнинг илиқ кунларида лашкар бошлиғи Аббосхон ўз навкарлари билан баланд тоғ этагидаги сой бўйида бўлганида шилдираб оқаётган чашма ва булоқлар, ям-яшил ўтлоқлар, сариқ-қизил гулларини осилтириб турган дўлана ва адоғи йўқ писта зорларнинг ястаниб ётиши барчани мафтун этди. Булоқ атрофида ҳордиқ олишаётган навкарлар ёлғиз оҳунинг теварак-атрофга олазарак боқиб, безовталанаётганлигини кўриб қолишди. Жонивор қулоқларини динг қилганича, бу ердан нари кетмасди. Шунда навкарлар унинг олдини тўсиб, ўз оёғи билан келиб қолган тайёр ўлжани нишонга олмоқчи бўлишди. Бироқ хон ўқлоғлиқ милтиғини қўлига олишга олди-ю, беозор жониворнинг тенгсиз гўзаллигига ва қадди-қоматига маҳлиё бўлганича ҳаяллаб қолди. Оҳунинг орқа сонларида чизиқчалари бор эди. Худди кимдир атайлаб бўяб қўйганга ўхшарди. Икки кўзи қоп-қора мунчоқдек. Сарғиш-кўкимтир майин жунлари шамолда тўзғиб осонликча тутқич бермасди. Хон шу орада оҳунинг оппоқ сағринидаги сутга тўлиб турган елинига кўзи тушиб: «Жониворнинг боласи бор экан. Уни жувонмарг қилиш увол-ку», дея пичирлади ўзига ўзи. Навкарлар эса ўлжани тезроқ нишонга олишни сабрсизлик билан кутишарди.

Орадан беш-ўн дақиқача вақт ўтди. Бу орада жонивор жар ёқасига бориб қолди. Бироқ у ҳамон бу ердан нари жилмас, қопқора кўзларидан билинар-билинмас ёш сизиб оқар, аъзои-баданлари қалтирарди.

Кутилмаганда навкарлар жар тубидаги оҳу боласини пайқаб қолишди. Афтидан уч-тўрт кунлик жонивар очлик азобидан тинка-мадори қуриб, жойидан тура олмасди. Уни жар ёқасига олиб чиқишганида она оҳу боласи томон талпина бошлади. Кейин эса искаланиб уни эмизишга тутинди. Бироқ мурғак жониворнинг оёққа туришга ҳам ҳоли йўқ эди. Шунда она оҳу эвини қилиб эгилганича орқа оёқларини букиб, иссиқ сийнасини боласининг тумшуғи томон олиб борди. Бу воқеани диққат билан кузатиб турган навкарлар ҳайратдан ёқа ушлашиб, ўзларини секин панага олдилар. Кўп ўтмай норасида жонланиб оёққа турди ва она оҳу ортидан эргаша бошлади. Она оҳу бешўн одим юрар-юрмас ортига қайрилиб, навкарлар томон ўгирилиб энгашганича бошини бир-икки сермаб қўйди. Бу эса унинг халоскорларига миннатдорчилик ифодаси эди, чоғи.

Ниҳоят, она-бола оҳулар бу ердан анча олислаб кетишди. Хон эса беозор жониворлар ортидан тикилиб қоларкан, кўнглининг бир чеккасида уларга бўлган меҳр-муҳаббат ва шафқат ҳисси қайта туғён ура бошлади. Жониворларни ёмон кўзлардан асраш, уларга озор бермаслик ва доимо ғамхўр бўлиш ҳақида ўйларкан, бу ерга вақти-вақти билан келиб гўзалликда тенги йўқ беозор жониворлардан хабар олиб туришга қарор қилди. Табиатни севган, унга меҳр қўйган, асраб-авайлаган, ўз уйим, ўз масканим деб билган инсон қалбида она юртга бўлган меҳр ҳисси янада жўш урди.

Шу-шу, сўлим ва хушманзара маскандаги баланд тоғ Хонтоғи деб аталадиган бўлибди. Тоғликлар эса ушбу ривоятни ҳалигача ўз фарзандларига мароқ билан сўзлаб беришни канда қилишмайди.

Абдулла САИДОВ.

ТУРОН МАЛИКАЛАРИ

(Тарихий ҳикоя)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

Ўз-ўзидан ғурур ва фахр Гобриянинг дилини қитиқлади. Мардоний яна бир коса қуйди. Чодирга кириб келган юнон саркардаси Тереодоракисни ҳам шаробга тўйдирди.

– Ичинглар, шер бўлинглар!

Оқшом тушди. Гобрия ишораси билан форслар йўлга тушди. Белгиланган манзилда улар қизиқ манзаранинг гувоҳи бўлишди. Юзлаб массагетлар ерда чўзилганича донг қотиб ухлашмоқда.

– Мана сенга шаробнинг кучи, – хандон ташлаб кулди Гобрия, – қаранг, шаҳзодани ҳам йиқитибди.

Ширакайф Мардоний чодир остонасида ётган Спарганизнинг қўлига кишан солди. Маст уйқудаги массагетларни ёппасига қиличдан ўтказишни буюрди. Форслар мурдаларнинг қурол-яроғлари, олтин-кумуш безакларини олишди.

Кирёвуш ҳузурига келтирилган шаҳзодага ҳавас билан тикилди. Қандай азамат йигит! Аммо шароб олдида у ҳам ожиз ва нотавон!

– Гобрия! Фармони олий тайёрла. Биз Эронда саркардалар мактабида сўнгги имтиҳон жорий қилурмиз. Битирувчилар учун зиёфатда, энг зўр йигитни шароб билан сийлаймиз. Сўнг унинг аҳволини бошқаларга кўрсатиб, шаробдан эҳтиёт бўлиш сабоғини кўргазмали намойиш қилурмиз. Энди эса асирни ҳушига келтиринглар.

Спарганиз кўзини очди. Атрофига ажабланиб қаради. Тахтда ўтирган Кирёвуш, ёнидаги мулозимлари ва саркардаларини кўриб, воқеани англай бошлади. Ачиниш ва ҳамдардлик билан қараб турган, ўзига таниш Крезга нигоҳи тушганда эса мутлоқ ўзига келди. Рўй берган ҳодисанинг бор-бўй даҳшати навқирон қалбни ларзага солди.

Кирёвуш Крезга амирона буюрди.

– Айт унга, мен унга ота бўлишни истайман.

Крез таржимасини Спарганиз лоқайд эшитди. Унинг кўзларига ҳозир ҳеч нарса кўринмас, қулоқлари ҳам бирон гапни илғамас эди.

– Қўлларимни бўшатишсин, – деди у секин, – кейин шоҳ билан гаплашаман.

Кирёвуш ишораси билан шахсий соқчи «мангулар»дан бири унинг олдига келиб, кишанларни бўшатди. Шу вақт кутилмаган воқеа юз берди. Эгилиб турган мангу белидаги ханжарни Спарганиз бўшаган қўли билан тортди. Ярқираган тиғ йигит қўлида кўринди. Форслар гап нималигини пайқар-пайқамас бу ханжар Спарганизнинг кўксига санчилди.

Кирёвуш тутқинликдан ўлимни афзал кўрган Спарганиз жасоратига хомуш тикилиб қолди. Совушга улгурмаган жасад кўксидан ханжарни Крез аста суғуриб олди. Дастрўмоли билан қонларини артди.

– Турон йигитларининг бари шундай номусли шаҳаншоҳ, – деди Крез. – Уларни енгиш қийин.

– Ҳаммаси ҳам шаҳзодадек ориятли эмас, – эътироз қилди Гобрия ва шоҳга қараб кулиб қўйди. – Улар орасида амалпараст, мансаб деса дўстлари-ю, ота-онасига қадар сотувчилар ҳам бор. Айни шулар бизга хизмат қилажак. Айни шулар кўмагида биз Туронни забт этурмиз. Бу менинг гапим, Крез. Гобриянинг гапи.

Зарина ҳеч қачон қайнонасини бундай аҳволда кўрмаган. Чопарнинг Спарганизнинг ҳалокати ҳақидаги хабари уни жуда букибди. Тўмарис чодир чеккасида йўлбарс териси тўшалган бурчакда қалпоқни юзига босганича юм-юм йиғлар эди. Ич-ичидан, ўксиб-ўксиб юм-юм йиғлар эди.

– Болагинам, паҳлавоним, ширинim! – шундай дея у қалпоқни ўпа бошлади. Бу қалпоқ Спарганизники эди.

– Болагинам, ҳидинг аримабди…

Зарина ҳам ўзини тутолмай Тўмарисниng бағрига отилди. Улар тўйиб-тўйиб йиғладилар.

– Ёлғиз қолдик, қизим.

Тўмарис хўрсиниб, келинининг сочларини силади. Зарина ёшли кўзларини унга тикди. Эвоҳ, қайнонасининг қоп-қора сочларига оқ тушибди.

– Энажон, биз ёлғиз эмасмиз.

Зарина кўзларини ерга тикди. Уялиб, қизариб-бўзариб, аста шивирлади.

– Ўғлингизнинг зурриёди бор, менда.

Тўмарисниng кўзларида бирдан шуъла чақнади. Букилган қадди ростланди. Зарина билган, массагетларнинг бари билган мағрур ва қадди расо қиёфа ростланди.

– Ўзингни эҳтиёт қил, қизим, – деди Тўмарис меҳр жўшган нигоҳи ила унга боқиб. – Менинг ҳурматим, Спарганиз хотираси ҳаққи…

– Энди эса оқсоқолларни чорла, бу ерга.

Массегетлар улуғлари ва урушга мадад учун етиб келган саклар, дербиклар, чочликлар сардорлари маликага таъзия билдириш ва унга тасалли беришга шайланиб туришган эди. Улар Тўмарис бошига тушган мусибат, фарзанд доғидан тушкун ҳолатда, деб ўйлар эдилар. Аммо ичкарига киришганда янглишганларини пайқашди. Рўпараларида ўзлари кўрган ва билган ўша-ўша бардам ва кўркам Тўмарис турарди. Ҳукмбардор малика, жиддий ва босиқ ҳукмдорлари турарди.

– Чин юракдан таъзиямизни қабул қилгайсиз, малика, – деди саклар подшоси Амерг бош эгиб. Дербиклар шоҳи Амерей ҳам унга таъзим қилди.

– Дербиклар ҳукмингизга мунтазир. Қирқ минг лашкар фармонингизни кутмоқда.

Чочликлар саркардаси эса қўлини кўксига қўйиб, бош эгди.

– Йигирма минг суворий, ўн минг камончилар буйруғингизга мунтазир.

Даҳлар лашкарбошиси ҳам Тўмарисга таъзим қилди.

– Ўттиз минг мерган ихтиёрингизда, маликам.

Тўмарис ҳаяжон ичра уларга бирма-бир тикилди. Ҳа, у ёлғиз эмас. Бундай саркарда ва дўстлар билан форсларни енгиш мумкин. Яна бошқа бир фикр миясида чақнади. У юрт онаси, юртбоши. Ҳеч бир аёл, у каби фарзанд доғини кўрмаслиги керак.

Ҳамдам СОДИҚОВ.

(Давоми бор).

ЖАВОҲИР САНДИҒИ

Мазкур рукнимиз орқали газетхонларимизни халқимизнинг бой маънавий хазинаси бўлган мақоллар, иборалар, ибратли ва ҳикматли сўзлари билан таништириб боришни режалаштирдик. Қуйида эса газетамизнинг бир вақтнинг ўзида икки тилда чоп этилишини назарда тутиб, қисқача ўзбекча-русча мақоллар, маталларни эътиборингизга ҳавола этяпмиз. Бунда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасдиқлаган, Мақсуда Содиқова муаллифлигида чоп этилган луғатдан фойдаландик.

Ўзбекча	Русча
Арслон изидан, йигит сўзидан қайтмас	– Лев не возвращается по своему следу, джигит не изменяет своему слову.
Аввал йўлдош, кейин йўл	– Сначала попутчик, а потом путь-дорога.
Айтилган сўз отилган ўқ	– Слово не воробей, вылетит – не поймаешь.
Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни йиқар	– Сильный мускулами одного сокрушит, сильный знаниями – тысячу.
Билим билан ҳикмат – олтиндан қиммат	– Знания и мудрость дороже золота.
Билимдан ортиқ бойлик йўқ	– Нет большего богатства, чем знания.
Бир туп ток эксанг, бир туп тол эк	– Если посадишь куст винограда, посади также куст ивы.
Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар	– Кто объединяется – преуспевает, кто уединяется – истлевает.

«Издательство и типография газеты «Ватанпарвар», зарегистрированные в Мирабадском районе г.Ташкента (ИНН 201088604, ОКПО 15135674), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ**. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Телефон: 153 03 82».

«Тошкент шаҳар Миробод туманида рўйхатга олинган (ИНН 201088604, ОКПО 15135674), «Ватанпарвар» газетаси нашриёти ва босмахонаси **ФАОЛИЯТИ ТУГАТИЛАДИ**. Эътирозлар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади. Телефон: 153 03 82».

Бош муҳаррир подполковник Камиль Наильевич МИРГАЛАУТДИНОВ.

Шу сонга масъуллар: майор Азимбек Низомович УСМОНОВ, майор Аблай Айнатдинович КАМАЛОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Александр Смотриков** ва **Содиржон Масимов** томонидан саҳифаланди.
Дизайн ва рассом – **Наталья Лаптева.**
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114. **Буюртма** № G-3938. **Адади** 25760.